37.8(7)
С 96.

Х. Э. Султанов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ

## МОНОГРАФИЯ



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

| Количество предыдущих выдач ______ | |
|---|---|
| | |

37.8(7)
С96.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САНЪАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН” КАФЕДРАСИ

Султанов Хайтбой Эралиевич

- 4073 -

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ

## МОНОГРАФИЯ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ

VNESHINVESTPROM

2022

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

**УЎК: 811.1:378(082)**

**КБК: 81.2-99**

**Н 17**

Тасвирий санъат таълимида кластер инновацион ёндашуви / Султанов Хайтбой Эралиевич. – Т: “Адолат” 2022. 131 б.

Такризчилар: У. Ходжамкулов,

педагогика фанлари доктори, доцент;

Ш.Р. Самарова

Психология фанлари номзоди, доцент

И. Абдурахмонов

санъатшунослик фанлари номзоди, доцент;

Ушбу монография Чирчик давлат педагогика университети Кенгашининг 2022 йил октябрдаги № -сон мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-8661-4-0**

**© Султанов Х.Э**

**© Vneshinvestprom нашриёти**



## МУНДАРИЖА

КИРИШ ........................................ 4

I БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ........................................ 5

1.1. Тасвирий санъат таълимида кластер ёндашуви татбиғи ........................................ 5

2.2. Кластер ёндашуви тасвирий санъат таълимида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашнинг шарти сифатида ........................................ 27

II БОБ. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШДА ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ВОСИТАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ........................................ 52

2.1-§. Кластер ёндашуви орқали ижодий муҳит яратиш ҳамда ўқувчи ва талабаларни ижодкорликка йўналтириш ........................................ 52

2.2. Илмий ва ижодий тўгаракларнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни. 67

III БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИДА КЛАСТЕР ЁНДАШУВ АСОСИДА МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ ........ 88

3.1. Тасвирий санъат таълимида қўлланилиши тавсия этиладиган технологиялар ва усуллар ........................................ 88

3.2. Контраст фонда турли шаклли ва ҳар хил фактурали буюмлардан тузилган натюрмортнинг рангтасвирини бажариш дарс ишланмаси ........ 94

Қўшимча машғулотлар (тўгарак)да қаламтасвир, рангтасвир ва композиция фанларидан тавсия этиладиган талабаларнинг кўриш хотирасини ривожлантиришга доир машқлар ........................................ 109

Кузатиш перспективаси ........................................ 115

Рангтасвир ва композиция фанлари учун таёрланган тестлар ........ 117

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ........................................ 124

## КИРИШ

Жаҳонда педагогик таълим тизимининг рақобатбардошлиги даражасини ошириш ва жаҳон стандартлари даражасига кўтариш замонавий шахснинг ҳис-туйғулари, диди, тафаккури, ахлоқий ва ҳаётий кўникмаларини тарбиялаш ҳозирги глобаллашув шароити учун муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Дарҳақиқат, таълим соҳасини ривожлантиришга ўз вақтида қўйилган қадам давлатнинг кучли ва барқарор келажагининг гаровидир. Таълим олиш барча вақтларда инсон учун шахсий ҳаётининг яхшиланиши ва эл-юрт орасида ўрнини топиши, ҳаётий фаолиятида юқори чўққиларга эришиши учун муҳим қадам ҳисобланган. Таълимсиз олдинга қўйилган мақсадга эришиш, ҳаётда жамият ва инсон тақдири тикилган долзарб ғояларни амалга ошириш мумкин эмас.

Бундай шароитида жамият ва инсон тақдири тикилган долзарб ғояларни амалга ошириш учун тасвирий санъат таълими имкониятларидан тўғри фойдаланиш лозим. Тасвирий санъат воқеликнинг бадиий инъикоси бўлиб, инсон камолотида, жамият ҳаётида улкан аҳамиятга эга. Шунинг учун бугунги инновациялар асрида замонавий бешта соҳани ягона таълим тизимига интеграциялашга асосланган СТЕАМ тизими АҚШ ва Европада асосий таълим тенденцялардан бири сифатида ривожланмоқда ва кўплаб мутахассислар буни келажак таълими деб эътироф этишмоқда. Бу эса ўз навбатида инновацион технологиялар асосида узлуксиз таълим тизимини ўзаро интеграциялашни талаб этади.

Дунёдаги кўпгина ривожланган мамлакатларда қўлланиб келинаётган кластер модели ўзининг самарадорлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортди. Турли соҳа мутахассислари томонидан чуқур тадқиқ қилиниб, ривожланган мамлакатларда амалиётга жорий этилган бундай илғор тажрибалар жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ўзининг катта таъсирини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб кластер моделини барча соҳалар қаторида таълим соҳасига ҳам кенг татбиқ этиш орқали олий таълим сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга эришилмоқда. Шу жиҳатдан олиб



қаралганда олий педагогик таълим ва умумтаълим мактабларида тасвирий санъат таълимига кластер ёндашуви ва ўқитиш технологияларини жорий этиш педагогик механизмларини ишлаб чиқишда илмий-назарий ҳамда методологик асос вазифасини бажаради.

Мамлакатимизда «Учинчи Ренессанс» пойдевори қурилаётган, таълим соҳасида ислоҳотлар амалга оширилиб, таълим тизими тубдан модернизация қилинаётган бир даврда ҳар бир соҳа мутахассисларини тайёрлаш сифатини ошириш муаммоси янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Педагогик таълимнинг ушбу муҳим ижтимоий аҳамияти ўз-ўзидан узлуксиз таълим тизимини кластер ривожланиш моделига ўтказиш зарурaтини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон фармонида таълим кластерларини яратиш соҳада самарадорликни таъминловчи омил сифатида[1] белгилаб берилган. Кластер ёндашуви ва ўқитиш технологияларини тасвирий санъат таълимига татбиқ этиш орқали талабалардаги ижодкорлик кўникмаларини тарбиялаш механизмларини ишлаб чиқиш муаммоларини чуқур тадқиқ қилинишини тақозо этади.

Биз ёшлардаги ижодкорлик кўникмаларини тарбиялаш билан бирга замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаган бўламиз, келажак учун «Учинчи Ренессанс» пойдеворини қўйган бўламиз. Ушбу монография юқорида айтиб ўтилган муаммолар ечимини янада тўлдириш ва бойитишга хизмат қилади.

# I БОБ ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 1.1. Тасвирий санъат таълимида кластер ёндашуви татбиғи

Ҳозир бутун жаҳон бўйлаб рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар замонавий мутахассислардан ижодий қарорлар қабул қилишда мустақиллик ва тезкорлик малакаларига эга бўлишни талаб қилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сон Фармони! Тошкент ш., 2020 йил 29 апрель.

Глобаллашув натижасида ҳар бир соҳада вужудга келаётган муаммоларнинг тўғри ечимини топишнинг ўзи катта муаммо бўлиб қолмоқда. Бунинг устига барча соҳаларда дастурлар кундан-кун янги маълумотлар билан тўйиниб бормоқда. Шу жумладан таълим тизимидаги мавжуд муаммолар ҳам бутун дунё ҳамжамияти томонидан ҳал этилиши зарур бўлган долзарб масалалардан биридир.

Жаҳонда педагогик таълим тизимининг рақобатбардошлиги даражасини ошириш ва жаҳон стандартлари даражасига кўтариш замонавий шахснинг ҳис-туйғулари, диди, тафаккури, ахлоқий ва ҳаётий кўникмаларини тарбиялаш ҳозирги глобаллашув шароити учун муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Фан ва таълимнинг ишлаб чиқариш билан уйғунлиги барча соҳаларда тараққиётни таъминлайди. Ривожланган дунё мамлакатларида ушбу тизимдаги хорижий тажрибалар бунинг аниқ исботи бўлиб турибди. Бу борада табиийки, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади. Бу эса ўз-ўзидан инновацион кластерга йўл очиб беради.

Табиийки, бу борада Республикамизда қандай ишлар бажарилган? деган ўринли савол туғилади. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин таълим тизимида амалга оширилган энг жиддий инновацион лойиҳалар сифатида педагогик технологиялар ва интерфаол методлар асосида дарс машғулотларини ташкил қилиш билан боғлиқ ишларни кўрсатишимиз мумкин. Афсуски, таълим тизимида фаолият йўналиши, киритилган ўзгаришларнинг тавсифи ва келиб чиқиш манбаига кўра таснифланган бошқа йирик инновацион жараёнларни кўрсата олмаймиз.

Жамиятимиз ривожланишининг чуқур ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги босқичида талабаларга таълим-тарбия бериш сифатини ошириш йўллари ва воситаларини излаб топиш замонавий педагогиканинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, таълим, илм-фан ҳар қандай жамият, миллат ва давлатнинг келажагини



белгилаб берадиган, унинг тараққиётига хизмат қиладиган муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, узоқ вақтдан бери у ёки бу соҳани ўз ичига қамраб олган бутун таълим тизимида фаолият кўрсатаётган муассасаларни умумий мақсад йўлида бирлаштириш зарурияти бизнинг мамлакатимизга ҳам аллақачон етиб келди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар бевосита унинг демократик, бозор муносабатларига ўтиш жараёни билан биргаликда амалга оширилмоқда. Бугунги кун ёшларини янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш, таълим соҳасини ислоҳ қилиш, тизимни тубдан такомиллаштириш, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш ғояси кун тартибидаги долзарб ва устивор вазифаларидан бири сифатида давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам Республикамизда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида аҳолининг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган маънан етук ва жисмонан баркамол ёш кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устивор йўналишларидан бири деб белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, етук мутахассислар тайёрлашнинг оптимал йўлларини аниқлаш, айниқса, педагог кадрларнинг касбий малакалари ва билим савиясини узлуксиз юксалтириш орқали юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтиришга бўлган эътиборларини ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз. Мамлакатимизда «Учинчи Ренессанс» пойдевори қурилаётган, таълим

соҳасида ислоҳотлар амалга оширилиб, таълим тизими тубдан модернизация қилинаётган бир даврда ҳар бир соҳа мутахассисларини тайёрлаш сифатини ошириш муаммоси янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Педагогик таълимнинг ушбу муҳим ижтимоий аҳамияти ўз-ўзидан узлуксиз таълим тизимини кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруратини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон фармонида таълим кластерларини яратиш соҳада самарадорликни таъминловчи омил сифатида[2] кўрсатиб ўтилган эди.

Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларида умумий жиҳатлар ва табиий қонуниятлар мавжуд бўлиб, бу борада ўзига хос янги йўлларни қидиришдан кўра, баъзан ривожланган мамлакатлардаги тайёр андозаларни олиш, улардан ижодий фойдаланиш яхшироқ натижа беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларида халқаро тажрибада синалган ва мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этувчи инновацион тажрибаларни қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шундай инновациялардан бири "кластер модели" бўлиб, бугунги кунда у аграр, тўқимачилик, енгил саноат ва фармацевтика соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Қисқа муддат ичида кластер модели иқтисодиётда истиқболли инновацион йўналиш сифатида эътироф этилиб, уни бошқа соҳаларда қўллаш тажрибалари амалга оширилмоқда.

Халқаро амалиётда синалган ва иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида самарали модел сифатида эътироф этилаётган кластер модели бугунги кунда таълим тизимига ҳам шиддат билан кириб келмоқда [3][6].

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев илк марта 2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифлари пайтида Ўзбекистонда кластер тизими асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида гапирдилар ва унинг илмий асослари кўрсатиб ўтилди.

---

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5987-сон Фармони: Тошкент ш., 2020 йил 29 апрель.

[3] Султанов Х.Э., Ходжамкулов У.Н. Тасвирий санъат: педагогик таълим кластери ва унинг истиқболлари, Мактаб ва ҳаёт, №7. Т.-2019. 33-35- б.



"Кластер тизимининг мамлакатимизда кенг жорий этилаётгани Президентимизнинг элни фаровон, халқни бой қилувчи инновацион ғояларидан бири сифатида тарихга кирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги қарори билан ташкил этилган Чирчиқ давлат педагогика институти ана шу муаммонинг илмий-назарий ва амалий ечимини топишни ўзининг асосий стратегик тадқиқот йўналиши сифатида белгилаб олинган. Бу педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратишни ва уни амалиётга татбиқ этишнинг механизмларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.[4] Таълим кластери яратилган соҳада эҳтиёжларга мувофиқ равишда меҳнат бозорини тартибга солиш[5] - бу кластер ҳамкорлигининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Тошкент вилояти таълим тизимида таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланишини зарур бўлган шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айланиб бўлган эди. Чунки, ҳукумат, иш берувчи ва битирувчилар ўртасидаги ўзаро аниқ механизмларнинг яхши ишламаслиги, тармоқлар ва соҳалар бўйича иш билан таъминлашнинг марказлаштирилган меҳнат тақсимоти йўқлиги оқибатида битирувчнинг муассасалар бўйича иш қидириб сарсон бўлишига олиб келади.

Бундан ташқари, нафақат ижтимоий шериклик балки, фан, бизнес ва давлат интеграциясининг истиқболли шакли сифатида таълим кластерини яратиш ва уни амалиётга татбиқ этиш орқали иш берувчининг таълим жараёнидаги иштирокини рағбатлантириш мумкин. Республика олий таълими меҳнат бозорида рақобатдош, билимли, масъулиятли, ўз касбини яхши биладиган ва тегишли фаолият соҳаларига йўналтирилган, ўз мутахассислиги бўйича жаҳон стандартлари даражасида самарали ишлашга

---

[4] [illegible] "Таълим тизими вилоят салоҳиятига мос эмас... Нега?","Тошкент ҳақиқати" газетаси 2020 [illegible] №15 (13276).

[5] [illegible] Кластерная система высшего образования: инновационный подход //Евразийская [illegible] 2014. №4 (11) - С.70-74.

қодир бўлган малакали ўқитувчиларни тайёрлашнинг устувор вазифасини ҳал этади.[6]

Кластер ўзи нимани англатади? Аввало бу моделнинг маъно ва мазмунини тушуниб олишимиз керак. Аслида “кластер” (cluster) сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, таржима қилинганда “тўплам”, “тўп”, “гуруҳ”, “концентрация”, “гуруҳларга тўплаш”, “тўпламларда ўсиш” каби маъноларни англатади. Дастлаб бу термин статистика ва компьютер соҳасида пайдо бўлган, кейинчалик иқтисодиёт ва социологияда ҳам кенг қўлланила бошланди. Таълим бир-бирини тўлдирувчи кўплаб мустақил ва ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат мураккаб тизим ҳисобланади. Қарама-қарши таъсир натижасида ҳар қандай тизим самарали ишлайди. Ҳақиқатдан ҳам ҳаракатсиз борлиқ йўқ, ички ва ташқи қарама-қаршиликлар натижасида у ҳар доим ҳаракатга, ўзгаришга маҳкум. Шунинг учун мактаб ва олий таълим ҳамкорлик шаклларини ривожлантиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай шериклик учун ўқув жараёнини ташкил қилишда кластер моделидан фойдаланишни тавсия қилиш мумкин. Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, тинимсиз ўзгариб турган бозор иқтисоди жараёнида фақат таълим хизматларини амалга оширишгина эмас, балки, шахсни рақобатбардошликка ўргатиш таълим тизимига татбиқ этилаётган кластернинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу моделнинг пайдо бўлишини таҳлил қилинганда шуни айтиш мумкинки, кластерларга асосланган таълим М. Портер (The Competitive Advantage of Nations, 1990; On Competition, 1998) томонидан ишлаб чиқилган. Олим томонидан ўша пайтда энг илғор ҳисобланган Массачусетс ва Гарвард университетларининг Массачусетс таълим кластери таҳлил қилинган, бошқа штатлар билан (биринчи навбатда Калифорния билан) ва бошқа давлатлар билан солиштирилган ҳолда мамлакат таълим соҳасидаги кластернинг ўрни батафсил кўрсатилган[7] [3].

---

[6] Султанов Х. Э., Худайбердиев П. У., Собиров С. Т. Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени // Педагогика «Молодой учёный» . № 4 (138) . Январь, 2017.-с.388.
[7] Стенякова Н.Е., Груздова О.Г. Кластерная модель организации партнерства образовательных учреждений // Интернет-журнал «Мир науки» 2017, Том 5, С. 3. https://мир-науки.com.



Жаҳон олимлари томонидан бунга жуда кўплаб таърифлар берилган. Масалан:

Кластер - шаклланиш механизмининг ўзаро рақобатбардошлик ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлиқ соҳаларнинг жамланиши.[8]

Кластер - рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми.[9]

Кластер - ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта тенг ҳуқуқли бўлаклардан иборат бўлган тузилма.[10]

Кластер - бу маълум бир хусусиятларга эга бўлган мустақил ҳамкорлик сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган бир хил элементлар бирикмаси[11].

Кластер - бу қўшни ва тегишли ташкилотлар умумий фаолияти ва бир-бирини тўлдирувчи сифатида тавсифланадиган маълум бир соҳада бир-бирига ўзаро боғлиқ компаниялар гуруҳи[12].

Кластер - бу жуғрофий жиҳатдан маҳаллийлаштирилган, бир-бирига боғланган компаниялар, ускуналар етказиб берувчилар, таркибий қисмлар, ихтисослаштирилган хизматлар, инфратузилма, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи алоҳида компаниялар ва умуман кластернинг рақобатдошлик сифатларини мустаҳкамлигини оширувчи тизимдир[13].

Таълимда бу каби ёндашувларни ўрганувчи илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатишича кластерли ёндашув – бу тизимда (таълим–фан-ишлаб чиқариш)

---

[8] [illegible] Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, 454 [illegible]
[9] [illegible] Кластерный подход к развитию образовательных систем //Взаимодействия [illegible] учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества [illegible] региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006 [illegible] МИГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М. Давыденко, Т.И. Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, [illegible]
[10] [illegible] Что такое кластер? URL: http://siok.rightside.ru/siok/ 2009-12-01-06-24-41. Загл. с экрана.
[11] [illegible] Свободная энциклопедия [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: http:// [illegible]
[12] [illegible] Что такое кластеры и как их создавать? // Альманах «Восток». – 2007. – Вып. 1 [illegible] ресурс]. – Режим доступа: URL: http://www. [illegible] 1178.htm.
[13] [illegible] Опыт создания структурных кластеров в развитых странах // Экономика региона. – [illegible] (декабрь).

инновацияларни қўллаб-қувватлашни шакллантириш қуроли бўлган [illegible] ва таълим дастурларига мос келадиган эҳтиёжлардир[14][2]; [illegible] иқтисод учун кадрлар салоҳиятини ошириш инновацион [illegible] ташкиллаштиришнинг самарали усули[15] [3]; таълим [illegible] узлуксизлиги принципига асосланган қайта ташкил этиб, турли хил [illegible] муассасаларини бирлаштириш (боғча-мактаб-ОТМ)[16] [5].

Демак, кластер бўлиш учун жуғрофий жиҳатдан бир-бирига [illegible] бўлган компаниялар ва тегишли ташкилот гуруҳлари умумий фаолият [illegible] ажралиб турадиган, шу билан бирга бир-бирини тўлдирадиган маълум [illegible] соҳада ҳаракат қилишлари керак.

Кластерли таълим касбий педагогикада нисбатан янги йўналиш, уни [illegible] жараёнига татбиқ этиш педагогик шароитларни аниқлашни ва [illegible] мутахассисни шакллантириш самарадорлигини экспериментал [illegible] талаб қилади[17].

Мамлакатимизда алоҳида тадқиқот объекти сифатида педагогик [illegible] кластери ва уни амалиётга татбиқ этиш муаммосини ўрганиш тобора кенг [illegible] қўйиб борилмоқда. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари, унинг узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик билан боғлиқ [illegible] инновацион йўналиш сифатидаги тавсифи ва амалиётга татбиқ [illegible] механизмлари Ғ.И.Муҳамедов[18], У.Н. Ходжамкулов[19], Ш.Қ.Мардонов[20], [illegible]

[14] Мирзиёев Ш.М. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ харакатига айланиши зарур // 2019 йил [illegible] августда ўтказилган видео-селектордаги нутқи. - Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти.
[15] Стенякова Н.Е., Груздова О.Г. Кластерная модель организации партнерства образовательных учреждений // Интернет-журнал «Мир науки» 2017, Том 5, С. 3. https://мир-науки.com.
[16] 5. Зеер Э. Ф. Теоретико-методологические основания профессионально образовательного пространства человека // Теория и практика профессионально-педагогического образования: коллектив. моногр. / Под ред. Г. М. Романцева. – Т. 2. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2010. -282 с.
[17] Гаврилова О.Е., Шагеева Ф.Т., Никитина Л.Л. К вопросу о подготовке специалистов-конструкторов швейного производства в условиях образовательного кластера [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: http://conference.kemsu.ru/
[18] Мухамедов Г.И. Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа // "Халқ сўзи" 15 февраль 2019 йил.
[19] Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари // педагогика фанлари доктори (Doktor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши. Чирчиқ 2020 йил.
[20] Mardonov S., Toshtemirova S. (2020) Structure and Mechanisms of Action of the Educational Cluster International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24 (07), 8104-8111.



[illegible], Д. Бекчанов[21]ларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Хусусан, кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасалари таълим самарадорлигини ошириш технологияси С.А. Тоштемирова[22], Ш.Ботирова, [illegible], Қ.Маҳмудовларнинг тадқиқотларида муайян даражада ёритиб берилган.

Мамлакатимизда айнан тасвирий санъатни ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва ёшларга бадиий таълим беришни ривожлантириш масалаларига ўзбек олимларидан Х.Аляминов, А.Амануллаев, Б.Азимова [illegible], С.Булатов [23], Ж.Дарменов, Б.Орипов [125,96], А.Сулаймонов [illegible], Н.Толипов [39], Н.Слугина [125; 127-б.], А.Турдалиев, [illegible] [134], [135], Қ.Қосимов [24; 12-б.], Ў.Нуртоев [134], [illegible], Р.Ҳасанов [145], [147], Х.Эгамов [140], А.Мавлонов [125; 148-б.] ва бошқалар томонидан аҳамиятга молик илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантириш соҳасида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган [illegible] таълим бериш усуллари амалда татбиқ қилиш устида ижобий ишлар [illegible]. Б.Б. Бойметов ўқув машғулотларида миллий нақш розеткаларини [illegible] фойдаланишни таклиф этган бўлса[23], Р.К. Ражабов ижодий фаолиятларни ривожлантириш учун устоз-шогирд тизимида ўқувчилар билан индивидуал ишлашга[24] кўпроқ урғу беради, С.Ф.Абдирасилов "педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирган назарий билимларни янги ўзлаштириладиган билимлар орасида интегратив боғланишлар[25]", К.М. Гулямов ҳамкорлик ҳамда якка тартибда таълим олиш ва таълимни комплекс лойиҳалаштириш муаммоларини, Р.З. Хайров

[21] [illegible], Бобожонова Г., Бекчанов Д. Priority challenges of education sector reforms in modern [illegible] // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 12, 2019. - [illegible]
[22] [illegible] С.А. Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасалари таълим самарадорлигини [illegible] // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертация иши. Чирчиқ – [illegible]
[23] [illegible] Б. [illegible] Педагогика институтлари ва университетлари учун ўқув қўлланма. Т.: [illegible] - 1997. - 55-56-б.
[24] [illegible] Тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси, ўқув қўлланма Т.:ТДПУ [illegible] -11-б.
[25] [illegible] С.Ф., Нуртоев Ў.Н. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат фанини ўқитиш [illegible] қўлланма, Т.:ТДПУ ризографи,-2015. -11-б.

тасвирий санъат фанидан ўқувчиларни индивидуал ўқитиш муаммосини ўрганиб, бу усулнинг афзаллик томонларини амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида таълим кластерларини ташкил этишнинг илмий-назарий асослари, хусусан, [illegible] таълим кластерларининг тузилмаси ва амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш, касбий таълимда кластер моделини татбиқ этиш муаммолари А.Яшева, Б.Пугачева, А.Г.Гранберг, М.Галушкина, А.В.Леонтьев; кластер модели воситасида таълимни бошқаришни назарий ва илмий-методик жиҳатдан такомиллаштириш технологиялари Н.В. Городнова, П.Ф.Анисимов, Г.И. Ибрагимов, Д.Л. Скипин, В.П. Панасюк, Н.Е. Егоров; Таълим муассасалари ҳамкорлигини ташкил этишнинг кластер модели Н.Ё. Стенякова, О.Г. Груздова, таълим тизими ривожланишида кластер ёндашуви Т.И. Шамова, таълимда инновациялар ва Олий таълимда кластер тизимини шакллантириш масалалари С.А. Иванова, А.В.Лагутина, Л.Ю. Грудцыналар, ишлаб чиқариш ва таълимни кластер воситасида интеграциялашнинг мазмуни, шарт-шароитлари ва омиллари Н.А.Мишура, Л.Л.Наумова; индивидуал субъектлар ва кластер иштирокчиларининг имкониятларини оширадиган ижтимоий ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган таълим ресурсларини ташкил этишнинг интеграл тизимлари А.С.Субетто, Е.А.Корчагин, Н.А.Шарай, Л.Н.Николаева, Т.В.Вдовиналар томонидан тадқиқ этилган.

Тасвирий санъатда талабаларнинг бадиий жиҳатдан ривожланишида ижодий қобилиятларини шакллантириш вазифалари Б.Г.Ананьев, В.Бакушенский, Л.С.Выготский, Е.И. Игнатьев, А.Г.Ковалев, С.Л. Рубинштейн, Б.М.Теплов ва бошқалар илмий изланишларида ўрганилган.

Тасвирий санъат дарсларида ижодий қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантириш контекстидаги назарий-услубий муаммолар В.П.Зинченко (71,72,73), А.И.Иконников (78), В.С.Кузин (95 , 96), ВК Лебедко (100), С.П. Ломова (112), ЛГ Медведева (118), АС Пучкова (148), НН Ростовцев (162), В



[illegible] (178), НК Шабанова (194,195), ЭВ Шорохова (197) ва. бошқалар тадқиқотларида чуқур ўрганилган.

Тасвирий фаолиятнинг энг муҳим психологик хусусиятлари: Б.Г.Ананьев (9,10), Р.Арнхем (14), Н.Н.Волков (36,37), Л.С.Выготский (41,42, 43,44), Э.И.Игнатьева (74), ВС Кузина (95,96), А. Н. Леонтьева (102,103), Б. Ф. Ломова (112), Р.С. Немова (131), О. И. Никифорова (133), С. Л. Рубинштейн (164), Б. М. Теплова (180, 181 ), П. М. Якобсон (204) каби машҳур олимларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Педагогик олий таълим рангтасвир машғулотларида талабалар шахсияти, педагогик қобилиятлари ва тасаввурлари шаклланиши М.А Семёнова, С.Е. Токарев, [illegible], М.М. Стариков, Т.Г. Безгодова ва бошқаларнинг тадқиқотларида, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш масалалари Н.С. Боголюбов, С.Е. Игнатьев, Е.А. Ермолинскаялар ишларида ўз аксини топган.

Шахснинг ижодий ривожланиши назарияси В.В. Алексеева, А.В. Бакушинский, Г.В. Лабунской, А.А. Мелик-Пащаев, Б.М. Неменский, В.С. Щербаков, Л.В. Школяр, Н.Н. Фомина, Б.П. Юсовлар томонидан ўрганилган.

Хорижлик олимлардан А.Маршалл, М.Портер, О.Солвел, Г.Линдгвист, [illegible] илмий изланишларида кластер моделининг муайян субъектлар рақобатбардошлигини оширишдаги роли, таълим кластерлари [illegible] ягона типологик хусусиятлари АҚШ ва Европа мамлакатлари [illegible] очиб берилган. Хорижий тажрибаларни ўрганиш натижасида таълим тизимига янгича ёндашувни талаб қилади деган хулосага келинди.

Дарҳақиқат, Республикамизда ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни кўтариш [illegible] таълим тизимидаги ворисийликни таъминлаш ва субъектларнинг [illegible] педагог ходимларга бўлган эҳтиёжининг мунтазам қондирилишига [illegible] педагогик таълим кластерининг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Педагогик таълим кластерининг ворисийлик тамойили асосидаги вазифаларидан бири ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси борасидаги

муаммоларни тадқиқ этиш, жамиятда ўқитувчининг ҳурматини оширишга оид муаммоларни кун тартибига қўйиш билан боғлиқ.

Бу Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий стратегик йўналишида жамиятдаги педагоглик касби мақоми ва мавқеини ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, иқтидорли ўқувчиларни ўқитувчи-педагог касбига мақсадли тайёрлаш ва оқилона селекция ишларини йўлга қўйиш[26] ворисийликни таъминлаш шарти сифатида кўрсатиб ўтилган.

Барча соҳаларда бўлгани каби, тасвирий санъат йўналишида ҳам замонавий меҳнат бозорига мос рақобатга чидамли кадрлар тайёрлаш асосий мақсад ҳисобланади. Оқилона селекция ишларини олиб боришда ёшлардаги тасаввурининг кенглиги, эстетик диди ва тафаккурининг кучлилиги, ижодкорликка мойиллиги бу фан учун муҳим аҳамият касб этади. Яқин йилларгача бу масалага бармоқ орасидан қаралди, олий таълимга кириш имтиҳонларида абитуриентларнинг математик салоҳиятига кўпроқ эътибор бериб келинди. Бу эса ушбу соҳанинг умумий тизимида обрўсизланиш, таълимда оқсоқланишига сабаб бўлди. Бизнинг тадқиқот ишимизда ушбу муаммолар ечимини излашга қаратилган илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида Олий таълимда талабаларнинг, мактабларда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнида бир қатор қарама-қаршиликлар аниқланди:

- узлуксиз таълим тизими муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг объектив мавжуд ҳолати ва меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларга бўлган талаблар ўзгарувчанлиги ўртасида;

- ўқув жараёнида ижодий фикрлаш, ижодкорлик кўникмаларини тарбиялашга қўйилаётган юқори талаблар ва бу кўникмаларни тарбиялашнинг аҳамияти катта бўлган тасвирий санъат фанига ажратилган соатларининг камлиги ўртасида;

[26] Мухамедов Ғ.И., Хўжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф (илмий рисола).// -Т.: "ЎзМУ". 2019. -36 б;



- замонавий таълимда технологияларини янгилашга бўлган юқори [illegible] ва ўқитувчиларнинг янги инновацион технологияларни қабул [illegible] бўлган ҳоҳишларининг сустлиги ўртасида;

- талаба ва ўқувчилардаги ижодкорлик фаолиятининг самарадорлиги ва [illegible] муҳит яратишга қаратилган замонавий инновацион технологияларни [illegible] жараёнига жалб этишнинг услубий-педагогик моделининг [illegible] ўртасида;

- ўқув предметининг ижодий хусусияти ва умумий таълим фанларига [illegible] таъсирининг камлиги ўртасида.

Олий ва умумий ўрта таълим ҳамкорлигида талаба ва ўқувчилардаги [illegible] кўникмаларини тарбиялашнинг самарали ишчи ўқув моделини [illegible] назариянинг ҳолати ва амалиётга бўлган эҳтиёж мазкур тадқиқот [illegible] Тасвирий санъат таълимида кластер ёндашуви ва ўқитиш технологиялари) [illegible] белгилаб берди. Кафедра профессор-ўқитувчилари, талабалар [illegible] тажрибали мактаб ўқитувчиларидан иборат "Ишчи гуруҳ" [illegible]. Узлуксиз таълимда ва алоҳида таълим муассасалари ичида [illegible] муаммолар, тасвирий санъатнинг бошқа фанлар билан интеграция [illegible] аниқлашга қаратилаган режалар ишлаб чиқилди. Гуруҳда [illegible] халқ таълими тизимидаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш [illegible] унинг ечимини топишга қаратилган қуйидаги вазифалар [illegible]:

- [illegible] учрашувлар, амалий семинарлар, саволномалар орқали [illegible] тасвирий санъатни ўқитишдаги муаммоларни аниқлаш;

- [illegible] фан ўқитувчиларига психологик ва методик ёрдам [illegible];

- ўқувчиларнинг тасвирий санъатга қизиқишини ошириш мақсадида [illegible] ва мактабларда кўргазма, танловлар уюштириш;

[illegible] ушбу вазифалар асосида аввало, тасвирий санъат таълимида [illegible] ёндашуви ва ўқитиш технологияларини қарор топтириш модели [illegible] фан ўқитувчилари учун "Педагогик сифат" илмий-

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI ... PEDAGOGIKA UNIVERSITETI AXBOROT RESURS MARKAZI 1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI ... PEDAGOGIKA UNIVERSITETI AXBOROT RESURS MARKAZI

амалий семинарлари ташкил этилди, кафедра билан турдош ОТМлар, Ўзбекистон бадиий академияси, умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик шартномалари тузилди. Маҳаллалардаги ўқувчилар ва иш билан банд бўлмаган ёшлар кафедрада ташкил этилган ижодий тўгараклар ва қўшимча касб ўргатиш курсларига жалб этила бошланди. Ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро мулоқотлар самарасида Республикамиз узлуксиз таълим тизимининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб тасвирий санъат таълимида кластер ёндашувини татбиқ этишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилаб олинди:

- Ўқув-услубий ишлар;
- Маънавий-маърифий ишлар;
- Илмий-тадқиқот ишлари;
- Қўшимча касб-ҳунар ўргатиш;
- Битирувчилар билан ишлаш;

Замонавий шароитда биз аввало келажак учун мутахассислар - яъни, ҳозирги ўқувчиларга сифатли таълим берадиган юқори касбий маҳоратга эга бўлган малакали ўқитувчини тайёрлашимиз керак. Бу жараёнда кластерли ёндашув умумий таълим тизимининг ривожланишини инновацион бошқариш механизми сифатида унга киритилган ҳар бир ўқув муассасаси фаолияти самарадорлигини таъминлашга имкон беради.[27]

Институтимизда асосий тадқиқот йўналиши бўйича тасвирий санъат таълимида кластер ёндашуви ва ўқитиш технологияларини қарор топтириш аввало узлуксиз таълим тизимидаги ушбу соҳага тегишли алоҳида муассасалар, кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорлик интеграцияси асосида амалга оширилади. Бундай алоқалар албатта ўз-ўзидан ҳар бир муассаса ичидаги муаммоларни ечишни талаб қилади. Соат механизми сингари бу жараёнда ҳар бир механизм ўз вазифасини бекаму-кўст бажариши ишнинг

[27] Лагуткин А.В., Грудцына Л.Ю. Инновации в образовании и формирование кластерной системы высшего образования в России // Экономика и право. – XXI век. – 2014. – № 2.



самарадорлигига олиб келади. Олий таълимда бу мутахассислик фанларининг бошқа фанлар билан алоқаси, кафедра фаолиятининг мақсадга тўғри йўналтирилиши, жамоанинг ҳар бир аъзоси кластернинг моҳияти ва таълимдаги аҳамияти ҳақида аниқ тассаввурга эга бўлиши, профессор-ўқитувчидан талабагача ҳамда рағбатлантирувчи куч сифатида талабаларнинг ўзаро таъсири орқалигина амалга оширилиши мумкин деб ўйлаймиз.

Бизнинг мутахассисларимиз таъбири бўйича “Педагогик таълим кластери – муайян жуғрофий ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектларнинг, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизм”[28] ҳисобланади.

Касбий таълим ва фан минтақа маданияти интеграторлари ролини ўйнайдиган Олий таълим муассасалари ҳудудларнинг инновацион ривожланишида алоҳида ўрин тутади. Бу янги манзарада ОТМ, маҳаллий ҳокимият идоралари, ёки бошқа таълим муассасаларининг кластер ҳамкорлигига воситачилик қилиш, ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш каби имкониятлардан оқилона фойдаланиши жуда муҳим.

Шундан келиб чиқиб институтнинг ички имкониятлари сифатида “Педагогик синергия” имий-амалий семинари, “Мактаб-лабораториялар” ҳамда “Талабалар ижодиёти” клуби фаолияти орқали тасвирий санъат таълимида кластер ёндашуви вазифаларини мувофиқлаштириш мумкин деб ўйлаймиз.

Мана шу учта тизим ишлаши натижасида интеграциялашган илмий ва ижодий тўгараклар фаолияти йўлга қўйилади, фанлар интеграциясига асосланган СТЕАМ таълими амалга оширилади, мустақил таълимга йўналтирилади, талабалар раҳбарлик қиладиган мини тўгараклар ташкил этиш орқали уларда касбий кўникмалар шакллантирилади ва бу билан

[28] [illegible] Г.И., Хўжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф (илмий рисола) // -Т.: “ЎзМУ”, 2019. -27 б.

педагогик амалиёт амалга оширилади. Кафедрада кластер ёндашувига асосланган турли тўгарак аъзоларининг бир мавзу атрофида биргаликда иш қилиши яъни, "ижодий устахона" машғулотлари ташкил этилди. Бу ерда битта мақсадга қаратилган барча талабалар ва ўқувчилар ҳамкорликда ишлайдиган "ижодий муҳит" яратилди.

**Тасвирий санъат таълимида кластер ёндашуви ва ўқитиш технологияларини қарор топтириш модели**




Бундай ташкиллаштирилган тизимда:

- институт ҳамкор муассасаларининг таълим жараёнига кластер ёндашуви асосида методик жиҳатдан раҳбарлик қилади;
- кластер ёндашувида ҳамкор таълим муассасаларидаги таълим жараёнларини ўзаро мувофиқлаштирилади ва узлуксизлиги таъминланади;
- умумий ўрта таълим муассасаси(лар)да иктидорли ёшларни аниқлаш мақсадида кафедрада ҳамкор муассасалар билан ҳамкорликда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаларида ижодий танловлар ўтказади;

Умуман олганда, бошқа йўналишларда бўлганидек тасвирий санъат соҳасида ҳам замонавий кластерларни муваффақиятли шакллантиришнинг асосий шартларидан бири, унинг фан билан алоқадорлигини таъминлаган



ҳолда, бутун таълим тизимидаги тасвирий санъатни ўқитиш жараёнини назарий таҳлил қилиш, мавжуд камчиликлар, муаммоларни излаб топиш, уни бартараф этиш механизмларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ қилган ҳолда, тадқиқотнинг салбий ва ижобий томонларини ўрганишдан иборат бўлади. Чунки, соҳадаги янги тенденцияларни ўз вақтида тушуниш, унга мослашиш, инновацияларни амалиётга татбиқ этиш, самародорликни прогнозлаш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш билан боғлиқ кластернинг самарали ишлашини таъминловчи йўналишлар илмий фаолиятсиз бўлиши мумкин эмас[29] [4].

Педагогик фаолиятда ўқитувчи томонидан касбга оид муаммоларнинг ечимини топишга оид вазифалар педагоглар тайёрлаш мазмунига таъсир қиладиган асосий факторлардан ҳисобланади. Талабадаги ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ўз устида ишлаш малакасига эга ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш, ўзлигини топиш учун шароитлар яратиб бериш бадиий таълимнинг асосий вазифаларидан биридир [30][1].

Замонавий педагогнинг профессионал компетентлиги ҳақида гап борар экан педагогик фаолиятининг амалга оширилишида ундаги назарий ва амалий тайёргарлиги даражаси яқдиллигини алоҳида эътироф этиш мумкин. Бундан ташқари педагогик олий таълим муассасалари талабалари педагогика ва психология бўйича ҳам чуқур билимларга эга бўлиши, замонавий мактаблар, болалар боғчаси, коллежлардаги мавжуд ҳолатни яхши билиши (амалиёт орқали), педагогик фаолиятларида вужудга келадиган турли вазиятларда етакчилик маъсулиятини бўйнига оладиган ва ўз соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда мустақил тадқиқотлар олиб бориш малакасига эга бўлишлари керак. Бошқача қилиб айтганда ўқув жараёнига қўйиладиган асосий талаб таълим жараёнида ўзлаштирилган билимни кейинчалик касбий фаолиятида тўғри амалга ошириладиган мутахассис тайёрлашдан иборат. Шунингдек, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси ҳам

[29] Мухамедов Г.И., Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф, Т.: ЎзМУ, 2019, Б. 4.
[30] Мирзиёев Ш.М. 2019 йил 19 майда ўтказилган видео-селектордаги нутқи. - Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти.

олий таълимдаги ўқиш жараёнида нафақат касби бўйича махсус вазифаларни бажариш, балки, ижтимоий ҳаётда керак бўладиган амалий тажрибаларга ҳам эга бўлиши керак. Бу кейинчалик унга амалиёт ва корпоратив муҳитга муваффақиятли қўшилишга ёрдам беради, ўқув муассасаси ва ижтимоий ишлаб чиқаришга мослашувини осонлаштиради[31] [5].

Шунинг учун ҳам таълимни амалиёт билан уйғунлаштириш ғояси тасвирий санъат ўқитувчиси - педагог-рассомлар тайёрлашдаги энг асосий восита бўлиши керак. Бунга асосланиб, тасвирий санъат соҳасидаги олий педагогик таълим ва мактаб амалиётининг интеграцияси амалга оширилади. Тасвирий санъат педагогикаси соҳасидаги таълим кластери – бу таълим мутахассисларини тайёрлашда ўқув ва инновацион мақсадларни амалга оширадиган, келишувлар асосида ўзаро таъсир кўрсатадиган тизимдир. Уни муайян жуғрофий ҳududнинг рақобатбардош педагог кадрлари – тасвирий санъат ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектларнинг, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизм деб тушуниш керак.

Иқтисодиётда истиқболли инновацион йўналиш сифатида тан олинган меҳнат соҳаси ва таълим ўртасида юзага келадиган интеграция жараёнлари билан боғлиқ кластер модели бизнинг ўйлашимизча тасвирий санъат йўналиши таълим тизимида ҳам янги механизм сифатида ўзини оқлайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, талабаларнинг касбий ва педагогик тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган фаолиятни назарий ва амалий жиҳатдан уйғунлаштириш жараёни деб хулоса қилиш мумкин.

Кафедранинг узлуксиз педагогик таълим инновацион кластер ривожланиш тизимига ўтишидан мақсад:

[31] Зеер Э. Ф. Теоретико-методологические основания профессионально образовательного пространства человека // Теория и практика профессионально-педагогического образования: коллектив. моногр. / Под ред. Г. М. Романцева. – Т. 2. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2010. -282 с.



- ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, шунингдек, кафедра ичидаги лойиҳа иштирокчиларининг ваколатларни тақсимлаш;
- таълим муассасалари билан ахборот айирбошлашни жадаллаштириш ва янгиликларни тарғиб этиш;
- ҳамкор муассаса вакилларининг инновацион фаоллигини ҳамда институтнинг инновацион жозибадорлигини юксалтириш каби янги имкониятларни яратиш;
- йўналишда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш;
- тасвирий санъат йўналиши мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;
- мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш;
- педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш учун тасвирий санъатда педагогик таълим инновацион кластери моделининг амалдаги татбиғи мавзусида тадқиқот олиб боришни ўзига асосий вазифа қилиб танлади.

Бунда биз ҳудудий миқёсда барча даражадаги таълим муассасалари, иш берувчилар, шунингдек, фаолияти бу соҳага энг яқин тасвирий санъат, амалий санъат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришни мувофиқлаштиришга йўналтирилган муассасалар ҳамда ҳокимият органлари тўпламидан иборат кластерни тадқиқ этишни мақсад қилганмиз.

У.Н. Ходжамқуловнинг илмий изланишларида ОТМ кафедралари ва Халқ таълимига қарашли мактабларнинг умумий мақсадларни белгилай олиши табиий алоқадорлик тамойилининг бир шарти сифатида кўрсатилган. Ундан ташқари ушбу тадқиқотда мақсаднинг аниқ белгиланиши, ҳар бир фаолиятнинг мақсад сари йўналтирилиши ЧДПИда яратилган педагогик

таълим кластерининг йўналтирилганлик тамойилини таъминлашнинг асосий шарти эканлиги таъкидланган. Бу ерда узоқни кўзланган стратегик режани амалга ошириш учун ҳамкор муассасаларнинг ягона мақсад атрофида бирлашуви уларнинг келгусидаги муваффақиятли фаолиятининг гарови бўлиб хизмат қилади.

Табиийки, режалаштирилган умумий мақсадда кластерни ташкил қилувчи барча субъектларнинг манфаатлари акс этиши лозим. Бу эса ҳамкор муассасаларнинг биргаликда йиғилиб, барча муаммоларни очиқ-ойдин ўртага ташлаган ҳолда, келишиб олишларини талаб қилади. Бунда ҳар бир томон хусусий манфаат умумий мақсадга бевосита боғлиқлигини англаши ва умумий мақсадни белгилашда кластерни ташкил килувчи ҳар бир субъектнинг "овози" инобатга олиниши жуда муҳим. Модомики, субъектларининг хусусий манфаатлари пировардида умумий манфаат учун хизмат қилади.

Педагогик таълим кластери моделининг субъектлари сифатида тасвирий санъат йўналиши талабалари, барча профессор-ўқитувчиларининг таълимий, илмий тадқиқот, инновацион ва лойиҳалаштириш фаолияти ҳамда педагогик амалиётлар олиб борадиган, ўқув ва тажриба-экспериментал база вазифасини ўтайдиган бир нечта ҳамкорлик шартномалари тузилган умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари қайд қилинди.

Кластер (ғунча, боғлам) усули педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур усуллардан турли хил ғояларни бир мақсадга йўналтириш имкониятини берувчи тузилма сифатида фойдаланилади. Ундан фойдаланиш инсонни ижодкорликка йўналтириш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу усуллар эркин мавзулар орқали ижодий вазифалар бажаришнинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар ижодий тафаккурини риволантиришга хизмат қилади.



Тасвирий санъат таълимида педагогик таълим кластери усули ва ўқитиш технологиялари пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан Олий таълим ва умумий ўрта таълим мактаблари ҳамкорлигидаги ўқувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин.

- Тасвирий санъат кафедрасида ***ўқув жараёни ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш бўйича*** амалга ошириладиган режавий вазифаларнинг амалга ошириш механизми:
- Кафедра профессор-ўқитувчилари ва мактаб фан ўқитувчилари ҳамкорликда ОТМ ва ХТ ўртасида манфаатли алоқадорликнинг янги кўринишларини ишлаб чиқиш учун жалб этилади;
- Кафедрада талабалар ҳар хил йўналишлардаги илмий, ижодий ва касбий тўгаракларга жалб этилади;
- Тасвирий санъат, амалий санъат, миллий ҳунармандчилик, лойиҳалаш бўйича касбий тўгараклар ташкиллаштириш. Кўргазмалар, ҳар хил ижодий танловлар уюштирилади ҳамда уларнинг фан олимпиадаларда қатнашиши учун шароитлар яратилади;
- Тўгарак машғулотларида китоб графикасидан болалар учун ёзилган китобларга расмлар чизилади, тайёр китоблар мактабга олиб борилиб "Китобхонлик" тадбири ўтказилади. Фаол ўқувчиларга талабалар томонидан яратилган расмли китоблар тарқатилади;
- ОТМ ва ХТБ ўзаро алоқа турларининг кенг кўламини ўз ичига олган тизим ишлаб чиқилади;
- Талабаларнинг мутахассислик фанларида олган билимлари илмий, ижодий, касбий тўгарак машғулотлари билан янада мустаҳкамланади, тўгаракларда уларни бир нечта касб-ҳунарга ўргатилади;
- Кафедрада талаба-ёшларни ижодкорликка қизиқтирадиган турли даражадаги танловлар, кўргазмалар, учрашув ва семинарлар ўтказилади;

Мустақил таълим доирасида талабаларга ўз тўгаракларини очиш имконияти яратилади талабаларни устозлик касбини эгаллашга йўналтириш бўйича шарт-шароитлар яратилади

***“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари олиб борилаётган ишлар бўйича қуйидаги натижаларга*** эришилади:

- кафедрада педагогик таълим кластери ва “Мактаб-лаборатория” тажриба инновацион тажриба майдончалари фаолияти билан боғлиқ иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қўллаб қувватлаш, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган ахборот ресурсларини ишлаб чиқилади.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишни кўзда тутадиган “Иқтидор” лойиҳа гуруҳи иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш ва уни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш муҳитини яратса, “Инноватор” лойиҳа гуруҳи инновацион жараёнларни таълим тизимиги фаол татбиқ этиш муҳити ва ахборот таъминотини яратиш, ўқитувчиларни инновацион лойиҳаларга рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Қисқа давр мобайнида кафедрада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг асосий кўпчилиги “Мактаб-лаборатория” ишига жалб қилинди. Бу жараёнга жалб этилган иқтидорли талабалар конференцияларда ўзларининг илмий мақолалари билан қатнашиб, илмий соҳадаги имкониятларини синаб кўришади; мактабларга бориб машғулотларда қатнашиш, мактаб ўқувчиларнинг тўғридан-тўғри олий таълимдаги машғулотлардаги иштироки, тўгаракларда ўқувчилар билан ишлаш жараёнининг ташкиллаштирилиши талабалардаги ўқитувчилик касбига мослашувчанлигини тарбиялайди; “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари фаолиятини йўлга қўйиш орқали мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва институт ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши, педагогик таълим инновацион кластерининг амалиётга



татбиғининг сезиларли даражадаги тезлашиши ва педагогик таълим кластери фаолиятининг самарадорлиги ошишига хизмат қилади. [32]

Бутун жаҳон замонавий таълим тизимидаги интеграциялашув жараёни учун муҳим инновация сифатида тан олинаётган таълим кластерини тасвирий санъат таълимида ҳам илмий-педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилиш ва самарадор усул сифатида унинг имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

Тасвирий санъат таълимига кластер ёндашувига татбиқ этиш туфайли олий таълим муассасасида нафақат меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, талабаларда касбий мотивацион шакллантириш вазифалари ҳал этилади. Бу билан бирга талаба ва ўқувчилардаги бадиий ижодкорлик кўникмаларининг тарбияланиши, уларнинг ижодий фаолиятга бўлган қизиқишларининг рағбатлантирилишига олиб келади. Ҳамкорликда узлуксиз таълимдаги инновацион фаолият ривожлантирилади ва институт ҳудудий тадбиркорлик фаолияти марказига айланиши учун шароит яратилади.

Замонавий меҳнат бозори талаблари асосида кластер ёндашуви орқали таълимга инновацияларни олиб кириш, тасвирий санъат таълимида мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

1.2 Кластер ёндашуви тасвирий санъат таълимида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашнинг шарти сифатида

Дунё тамаддунининг бугунги босқичини глобаллашув жараёнларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Глобаллашув, таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда мамлакатларни ривожлантиришнинг моҳияти ва мазмунига, стратегияси ва тамойилларига, ёндашув ва услубларига бирдай таъсирини ўтказаётган куч сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги кунга келиб жамият ривожланишининг комплекс характерда содир бўлиши тараққиётнинг ижобий жиҳатлари билан

[32] Султонов Х.Э. Innovation technology clusters use of technology in illustration/ International Journal of Psychosocial Rehabilitatio//- Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: -3877.

бирга унинг салбий оқибатларини ҳам юзага чиқармоқдаки, бу инсоният олдига кутилмаган янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Глобаллашувнинг моҳиятини ва хусусиятларини чуқур ўрганиш унга мослашиш, йўналишларини керакли тарзда ўзгартириш имкониятини яратади. Бундан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёнидан ижобий ва ижодий фойдаланишнинг усул ва воситаларини, механизмларини илмий асосда ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш ва таълим бериш ҳозирги пайтда таълимнинг бош вазифаси сифатида кун тартибига қўйилган. Шахсиятни тарбиялашдаги асосий тизимлардан бири бу ижодий жараён бўлиб, у ёшларнинг тасаввури, ижодий тафаккури, ҳиссий идрок этиш қобилиятларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Унинг ривожланиши натижасида талабалардаги атроф-борлиқ, воқеликларни билишга бўлган қизиқиш ортади, интеллектуал (ақл идрокнинг ошиши) ривожланиш, мустақил фикрлаш даражасининг ошиши, вазифани бажаришда янги ечимларни топишга қизиқиш, билимга чанқоқлик, ўзига ишонч, қатъиятлилик каби хислатлар шаклланади.

Талабаларнинг турли фаолият жараёнидаги ҳар хил вазифаларнинг ечимини топишда ижодий имкониятлари ривожланади. Юзага келган муаммоли вазият ҳар бир инсон учун тасвирий санъатда объектив (холис) ёки субъектив (нохолис) акс этиши мумкин бўлган қатъий ва аниқ қарорлар қабул қилишни талаб қилади.

Ижод тушунчасини ҳар ким ҳар хил талқин қилиши мумкин. Катта энциклопедик луғат шундай умумлаштирувчи аниқликни беради: "Ижод бу янги сифати ва такрори йўқлиги билан ажралиб турадиган, ўзига хос ва умумтарихий ноёбликни яратадиган фаолият. Ижод инсоннинг ўзига хос хусусиятларидан биридир, шунинг учун ҳар доим ижодий фаолият субъекти ижодкорга мансуб бўлади." америкалик олим П.Хилланинг фикрига кўра "ижод бу аввал маълум бўлмаган буюмлар яратишга ундайдиган, билимни бойитадиган фикр уммонининг кўз илғамас сарҳадларига муваффақиятли



сайр" деб таърифлайди. Польшалик тадқиқотчи А. Матейка эса "ижодий жараённинг мазмуни мавжуд тажрибани тубдан ўзгартириб, янги бирикмалар янгидан қайта шакллантиришдан иборат" дейди.

Бир сўз билан айтганда ижодий фаолият бу ижодий вазифаларнинг ечимини топиш жараёни дейиш мумкин. Бунда инсон онгида муаммо сифатида идрок этилиб, ечимини топиш учун янгича ёндашувларни талаб қилинган, қандайдир янги технология, ҳаракат усулларини яратишга ижодий вазифа сифатида қаралади.

Ижодий имкониятларни ривожлантириш учун талаба ва ўқувчилардаги ўзига нисбатан ишонч, маъсулиятни ҳис қилган ҳолда мустақил ҳаракат қилиш ва олдинга қўйилган вазифаларнинг ижобий ечимини топа олиш қобилиятларини тарбиялаш зарур. Кимда ўзига нисбатан ишончи бўлмаса, у мақсадга эришишда сусткашликка йўл қўйиши ва омадсизликка юз тутиши муқаррар. Албатта бу ишонч инсон онги томонидан асосланган бўлиши керак.

Шунинг учун талаба ва ўқувчиларнинг мақсад ва вазифалар ҳамда уни ижобий ҳал этиш воситаларини мустақил танлашга бўлган интилишларини ҳар томонлама рағбатлантирилиб борилиши зарур. Жавобгарликни ўз бўйнига олиб мустақил ҳаракат қилишга ўрганмаган инсон, ижодий фаолиятга нисбатан қобилиятини йўқотади.

Талабанинг вазифани ечимини топишдаги таваккалчиликка мойиллигини ҳам кенг кўламда қўллаб – қувватлаб туриш зарур. Табиийки ҳар қандай таваккал иш аввало ўзида маънавий ва жисмоний томонларга зиён келтирувчи кўплаб хавф–хатарларни олиб келиши мумкин. Лекин бу ерда Я. Корчак (1979) томонидан "жисмоний бақувват лекин шахс сифатида ривожланмаган инсон маъқулми ёки соғлиғи, баъзан ҳаётини таҳдидга қўйиб бўлсада етук шахс сифатида тарбияланган инсон маъқулми" деган муаммоли саволни ўртага ташланади. "Олиб борилган тадқиқотлар натижаси инсондаги вазифанинг ечимини таваккал қилиб ечишга мойиллик, ижодкор шахс

характерининг ўзига хос мустаҳкам қирраларидан бири эканлигини кўрсатади."[33]

Ҳар бир инсонда тасаввур ва фантазия болаликдан шаклланиб келади. Уларнинг тасаввурини кучайтирадиган, фантазия орқали янги образлар яратишга бўлган бундай мойилликларига асло моънелик қилмаслик керак. Мустақилликка рағбатлантирадиган ёки педагог томонидан янги билимларни ўзлаштириш жараёнида талабалардаги ўз қобилиятига бўлган ишончни кучайтирадиган муаммоли ўқитиш усулларини кенг қўллаш замонавий таълим учун ниҳоятда зарур. Амалиёт шуни кўрсатадики муаммоли усуллар орқали олинган билимлар, анъанавий усуллар орқали олинадиган билимларга хос бўлгани каби ижодий жараённи сусайтириш таъсирига эга эмас.

Тасвирий санъат фани инсондаги худди шундай ижодий қобилиятларини ривожлантирадиган, ижодкорлик хислатларини тарбиялайдиган, унинг тасаввурини кучайтирадиган ўзига хос хусусиятга эга.

Тасвирий фаолият назариясини мунтазам ўрганиб бориш, тасвирий санъат таълимини муваффақиятли ўзлаштиришнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Тасвирий санъат композицияси қонун-қоидаларини пухта эгалламасдан туриб, амалиётдаги ижодий жараёнда муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Ва аксинча... «Кимда-ким илмни амалиётсиз тасаввур этса, - у бамисоли сузишга эшкаксиз чиқаётган қайиқ ҳайдовчисидир ва у хеч қачон қаерга кетаётганлигига тўла ишонч ҳосил қила олмайди» деб таъкидлаган Леонардо да Винчи. Айниқса, рангтасвир соҳасида амалиёт ҳамиша кучли назариёт билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши зарур ва буларсиз хеч нарсага эришиб бўлмайди».[34]

Жамиятимиз ривожланишининг чуқур ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги босқичида ёшларни замонавий билим ва кўникмалар билан қуроллантириш, таълим-тарбия бериш сифатини ошириш йўллари ва воситаларини излаб топиш замонавий педагогиканинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, таълим, илм-фан хар қандай

[33] Петровский В.А. Психология неадаптивной активности М.: ТОО Горбунок, 1992. — 224 с."
[34] Мастера искусства об искусстве М., 1936, Т.1, с 124.



жамият, миллат ва давлатнинг келажагини белгилаб берадиган, унинг тараққиётига хизмат қиладиган муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Танлаган соҳаси ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш айнан таълим тизимининг асосий мақсади ҳисобланади.

Бугунги инновациялар асри ўтган асрлардаги саноат даври талаб қиладиган ўқиш, ёзиш ва арифметик саводхонликни белгиловчи асосий кўникмалардан фарқли ўлароқ, узлуксиз таълим тизимига ёшлардаги мулоқот қилиш, ҳамкорликда ишлаш, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик хислатларини тарбиялаш вазифаларини қўймоқда. Назария ва амалиёт уйғунлигига эришмасдан туриб, узлуксиз таълим тизимида мақсадга эришиб бўлмаслиги аниқ. Шундан келиб чиқиб, шиддатли тараққиётлар жараёнида илм-фан ютуқларининг тезлик билан амалиётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштиришга жуда муҳим масала сифатида қараш керак.

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш[35],

Ушбу талаблар асосида ёшларни янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, тизимни такомиллаштириш, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш ғояси кун тартибидаги долзарб ва устивор вазифаларидан бири сифатида давлатимиз раҳбари томонидан ҳам кўп бора таъкидланиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам Республикамизда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида аҳолининг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган маънан етук ва жисмонан баркамол ёш кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал

[35] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясинитасдиқлаш тўғрисида ПФ-5847-сон Фармони

қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устивор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

2019 йил май ойида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Миллий университетида илм-фан намоёндалари билан учрашиб, олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилаётган педагогик таълимнинг янги моделини жорий этиш бўйича муҳим кўрсатмалари олий таълимда амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотлар учун муҳим туртки бўлди десак адашмаймиз.

Шундан келиб чиқиб, миллий анъаналар, урф одатлар, турмуш тарзи каби ўзига хос шарт-шароитлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимининг бутунлай янги, ўзига хос моделини ишлаб чиқиш вазифаси Республикамиздаги энг долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига қўйилди. Умумжаҳон меҳнат бозоридаги юзага келган янги бозор талаблари республикамиз таълим тизимини ривожлантиришнинг ҳам асосий йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар бевосита унинг демократик, бозор муносабатларига ўтиш жараёни билан биргаликда амалга оширилмоқда. Айниқса, ўтган йили май ойида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Миллий университетида илм-фан намоёндалари билан учрашиб, олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилаётган педагогик таълимнинг янги моделини жорий этиш бўйича муҳим кўрсатмалари олий таълимда амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотлар учун муҳим туртки бўлди десак адашмаймиз.

Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш, уни бартараф этиш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти инновацион лойиҳаси



ҳисобланган таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган “Мактаб-лаборатория” тажриба-синов майдончалари фаолияти йўлга қўйилган. “Тасвирий санъат” кафедрасида ҳам узлуксиз таълим тизимидаги тасвирий санъат соҳаси бўйича мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда ҳамкорликда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар режаси тузиб чиқилди. Таълим турлари орасида узлуксизлик ва ўқув фанлари ўртасидаги узвийликни ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларини таълим муассасаси билан ҳамкорликда такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар тайёрланди. “Мактаб-лаборатория” майдончалари воситасида институт-мактаб тизимида мавжуд муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш мақсадида институт профессор-ўқитувчилари, мактаб ўқитувчилари илмий-тадқиқот ишларига жалб этилди. “Педагогик синергия” илмий-амалий семинарлари жараёнида тасвирий санъат таълимида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги устивор йўналишар белгилаб олинди:

- истеъдодли ёшларни кашф этиш, ўқувчилар ва талабалар ижодий фаолиятини педагогик жараёнга йўналтириш;
- “Эшитдим, кўрдим, бажардим” тамойили асосида назарий билимларни амалиётга жорий этиш;
- таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ва таълимга татбиқ этиш;
- ижодкорликка қизиқтириш орқали талаба ва ўқувчиларни қўшимча касб-ҳунарга ўргатиш;
- талаба ва ўқувчиларни илмий-ижодий томондан фаоллаштириш орқали таълим турлари ўртасида интеграция жараёнлари кучайтириш;
- институт-мактаб ҳамкорлигида “Устоз-шогирд” тизими ҳаракатини йўлга қўйиш;

- биргаликдаги фаолият орқали ўқувчи ва талабаларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга етказа олиш қобилиятини такомиллаштириш;

- талабаларда аудиторияда олган билимларини амалиётда қўллай олиш, устозлик ва мураббийлик кўникмаларини шакллантириш.

“Мактаб-лаборатория”лар фаолиятини ташкил этиш билан бирга умумтаълим мактаблари билан ҳамкорлик алоқалари кучайди. Узвийлик ва узлуксизликда мавжуд муаммоларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида кафедра профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳамда талабаларнинг мактабларга, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларининг институтга ташрифи, амалий учрашувлари йўлга қўйилди. Бундай ҳамкорлик тасвирий санъатдан дарсликлар, ўқув қўлланмалар, машғулот ишланмалари, ўқув-услубий мажмуалар ва кўргазмали дидактик материаллар мажмуасини яратиш учун умумтаълим мактаблари, олий таълимдаги тажрибали педагоглар, мактабларнинг фан ўқитувчилари, методистларнинг биргаликдаги иштироки таъминланишига хизмат қилади. “Педагогик синергия” илмий-амалий семинарлар, ўқувчилар қатнашадиган танловлар, илмий-ижодий тўгараклар фаолияти кенгайтирилди. ундан кўзланган мақсад, вазифалар, кутиладиган натижалар мазмунан ёритиб берилган. Бу вазифалар ечимига қаратилган “Ўргатиб-ўрганамиз” лойиҳасини амалга ошириш йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Замонавий мутахассислар учун ижодкорлик қобилиятлари, муҳитга тез мослашувчанлик кўникмалари, касбий маҳоратларини ривожлантириш, доимий ўз устида ишлаш каби қатъий талаблар қўйилмоқда. Демак, бу ерда асосий эътибор ушбу талаблар бўйича касбий таълимда етук педагог шахсини, маҳоратли касб эгасини тарбиялаш даражасининг ўсишини таъминлаш учун шароитлар яратиш, ҳаётий ёки касбий муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилади. Шундай экан касбий маҳоратнинг пайдо бўлиши ўқитувчининг шахсий хусусиятларигина эмас, балки уни қуршаб олган муҳитга ҳам ўз таъсирини



кўрсатади [6]. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларида умумий жиҳатлар ва табиий қонуниятлар мавжуд бўлиб, бу борада ўзига хос янги йўлларни [illegible] кўра, баъзан ривожланган мамлакатлардаги тайёр андозаларни олишни, улардан ижодий фойдаланиш ҳам яхшироқ натижа бериши мумкин. Тайёрланаётган мутахассис кадрлар малакасини меҳнат бозорининг замонавий талаблари даражасига кўтариш учун аввало, назарий билимлар ва амалий кўникмалар уйғунлигини таъминлаш узлуксиз таълим тизими учун бирдек муҳим. Бу эса биринчи навбатда ОТМда берилаётган назарий билимларнинг умумтаълим мактабларида фан ўқитувчиси учун зарур бўладиган амалий кўникмалар, талаба ёки ўқувчиларнинг назарий машғулотларда олган билимларини амалиётда қўллаб, мустақил фикрлаш, ижод қилиш қобилиятларини ўстириш билан боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларида халқаро тажрибада синалган ва мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этувчи инновацион тажрибаларни қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шундай инновациялардан бири “кластер модели” бўлиб, бугунги кунда у аграр, тўқимачилик, енгил саноат ва фармацевтика соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Қисқа муддат ичида кластер модели иқтисодиётда истиқболли инновацион йўналиш сифатида эътироф этилиб, уни бошқа соҳаларда қўллаш тажрибалари амалга оширилмоқда.

Халқаро амалиётда синалган ва иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида самарали модел сифатида эътироф этилаётган кластер тизими худди шундай ижодий ўзлаштирилаётган тажрибалар сирасига киради. Кластер модели бугунги кунда таълим тизимига ҳам шиддат билан кириб келмоқда [6].

Таълим бир-бирини тўлдирувчи кўплаб мустақил ва ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат мураккаб тизим ҳисобланади. Қарама-қарши таъсир натижасида ҳар қандай тизим самарали ишлайди. Ҳақиқатдан ҳам ҳаракатсиз бирлик йўқ, ички ва ташқи қарама-қаршиликлар натижасида у ҳар доим

ҳаракатга, ўзгаришга маҳкум. Шунинг учун мактаб ва олий таълим ҳамкорлик шаклларини ривожлантиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай шериклик учун ўқув жараёнини ташкил қилишда кластер моделидан фойдаланишни тавсия қилиш мумкин. Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, тинимсиз ўзгариб турган бозор иқтисоди жараёнида фақат таълим хизматларини амалга оширишгина эмас, балки, шахсни рақобатбардошликка ўргатиш таълим тизимига татбиқ этилаётган кластернинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу моделнинг пайдо бўлишини таҳлил қилинганда шуни айтиш мумкинки, кластерларга асосланган таълим М. Портер (The Competitive Advantage of Nations, 1990; On Competition, 1998) томонидан ишлаб чиқилган. Олим томонидан ўша пайтда энг илғор ҳисобланган Массачусетс ва Гарвард университетларининг Массачусетс таълим кластери таҳлил қилинган, бошқа штатлар (биринчи навбатда Калифорния) ва бошқа давлатлар билан солиштирилган ҳолда мамлакат таълим соҳасидаги кластернинг ўрни батафсил кўрсатилган [3].

Таълимда бу каби ёндашувларни ўрганувчи илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики кластерли ёндашув – бу тизимда (таълим–фан-ишлаб чиқариш) инновацияларни қўллаб-қувватлашни шакллантириш қуроли бўлган саноат ва таълим дастурларига мос келадиган эҳтиёжлардир [2]; келажакдаги иқтисод учун кадрлар салоҳиятини ошириш инновацион фаолиятнинг ташкиллаштиришнинг самарали усули [3]; таълим тизимининг узлуксизлиги принципига асосланган қайта ташкил этиб, турли хил ўқув муассасаларини бирлаштириш (боғча-мактаб-ОТМ) [5].

Педагогик таълим кластерининг аҳамиятини соҳалар бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин: иқтисодий соҳада: самарали таълим хизматлари бозорини шакллантиришда; ижтимоий соҳада: педагогик таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашда; маркетинг соҳасида инновацион таълим технологияларини, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ишларида янги имкониятларни оммалаштиришда; ҳуқуқий соҳада кластер доирасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишнинг,



шунингдек, таълим муассасаларини бошқаришнинг янги шаклларига ўтиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асослар яратиш; педагогика соҳасида: узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар тайёрлашни ҳамкорликда йўналиш соҳаларида кўзга ташланади.

Замонавий таълим ва чуқур билимларга эга мутахассисларни тайёрлаш, таълим муассасаларини юқори малакали рақобатбардош педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятида педагогик таълим инновацион кластер тизими яратилди.




***Тасвирий санъат кафедрасида кластер тизимида ҳамкорлик алоқалари***

Жамият барқарор ривожланишидаги педагогик таълимнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда институтимизнинг асосий стратегик тараққиёт йўналиши асосида ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилган. Тошкент вилояти ҳудудида тасвирий санъат ўқитиш методикасини

ривожлантириш, ёшларни бу соҳага қизиқтириш, замонавий талаблар тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш кафедранинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу билан Олий ва умумий ўрта таълим ҳамкорлиги ўрнатилади, бутун узлуксиз таълим тизими ҳамда вилоятдаги тасвирий санъат йўналишининг фаолияти кластер ёндашуви воситасида интеграцияланади.

Узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш тизимига ўтказишда қуйидагилар:

- ҳамкорларимиз бўлган мактаб, халқ таълими бўлимлари, шунингдек, кафедра ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш;
- таълим муассасалари билан ахборот айирбошлашни жадаллаштириш ва янгиликларни тарғиб этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини ҳамда институтнинг инновацион жозибадорлигини юксалтириш каби янги имкониятларни яратиш;
- йўналишда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш;
- тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;
- мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш;
- педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш педагогик таълим инновацион кластери моделининг амалдаги татбиғи мавзусида тадқиқот олиб бораётган кафедранинг асосий мақсади ҳисобланади.

Бунда биз минтақавий миқёсдаги барча даражадаги таълим муассасалари, иш берувчилар, шунингдек, фаолияти энг яқин ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган мувофиқлаштирувчи ва ҳокимият органлари тўпламидан иборат кластерни тадқиқ этишни мақсад қилганмиз.



Тадқиқотчилар кластерларни сунъий равишда шакллантириш мумкин эканлигини таъкидлайдилар. Демак, кластер манфаатдорликдан келиб чиққан табиий алоқадорлик маҳсули бўлиб, рақобатбардошликни таъминлаш, сифат ва натижани кўтариш унинг асосий мақсади ҳисобланади, Мавжуд табиий алоқадорликни кучайтириш, тарқоқ салоҳиятни муайян мақсад сари йўналтириш, ҳуқуқий асосларни яратиш ва мустаҳкамлаш, ахборот ҳамда инновациялар алмашинувини жадаллаштиришнинг энг қулай ва самарадор усули бу кластерлардир [9].

Педагогик таълим инновацион кластери ва унинг амалиётга жорий этиш шакли бўлган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари эса таълим тизимидаги узлуксизлик ва алоқани, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Буни таълимга нисбатан инновация сифатида қараш ва самарадорлигини чамалаш ҳамда амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш илмий жамоатчиликнинг олдидаги муҳим муаммолардан саналади. Кластер ёндашуви давлат таълим сиёсатининг мазмунини тубдан ўзгартириб, субъектлар муносабатларига ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имконини беради. Натижада, кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида ҳудуддаги инсон ресурслари, ташкилотлар ва технологияларни бирлаштирувчи кучли механизмни юзага келтиради [7].

У.И. Ходжамқуловнинг илмий изланишларида ОТМ кафедралари ва Халқ таълимига қарашли мактабларнинг умумий мақсадларни белгилаш унинг табиий алоқадорлик тамойилининг бир шарти сифатида кўрсатилган. Ундан ташқари ушбу тадқиқотда мақсаднинг аниқ белгиланиши, ҳар бир фаолиятнинг мақсад сари йўналтирилиши ЧДПИда яратилган педагогик таълим кластерининг йўналтирилганлик тамойилини таъминлаш шарти эканлиги таъкидланган. Бу ерда узоқни кўзланган стратегик режани амалга ошириш учун ҳамкор муассасаларнинг ягона мақсад атрофида бирлашуви уларнинг келгусидаги муваффақиятли фаолиятининг гарови бўлиб хизмат қилади.

Табиийки, режалаштирилган умумий мақсадда кластерни [illegible] қилувчи барча субъектларнинг манфаатлари акс этиши лозим. Бу эса ҳамкор муассасаларнинг биргаликда йиғилиб, барча муаммоларни очик-ойдин ўртага ташлаган ҳолда, келишиб олишларини талаб қилади. Бунда ҳар бир томон хусусий манфаат умумий мақсадга бевосита боғлиқлигини англаш ва умумий мақсадни белгилашда кластерни ташкил қилувчи ҳар бир субъектнинг "овози" инобатга олиниши жуда муҳим. Модомики, субъектларининг хусусий манфаатлари пировардида умумий манфаат учун хизмат қилади.

Педагогик таълим кластери моделининг субъектлари сифатида тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабалари, барча профессор-ўқитувчиларининг таълимий, илмий тадқиқотчилик, инновацион ва лойиҳалаштириш фаолиятини олиб борадиган, педагогик амалиётлар олиб борадиган, ўқув ва тажриба-экспериментал база вазифасини ўтайдиган бир нечта ҳамкорлик шартномалари тузилган мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари қайд қилинди.

Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш, уни бартараф этиш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти "Тасвирий санъат" кафедрасининг ҳамкор муассасалар билан "Мактаб-лаборатория" тажриба майдонлари фаолиятини амалга ошириш чора-тадбирлар режасидаги вазифаларнинг бажарилиши юзасидан бир неча маротаба фикр алмашинув семинарлари бўлиб ўтди.

Ҳозирги вақтда бўлажак мутахассис олдига ижодкорлик қобилиятлари, муҳитга тезда мослашувчанлик, касбий маҳоратларини ривожлантириш, доимий ўз устида ишлаш каби қатъий талаблар қўйилмоқда. Демак, бу ерда асосий эътибор ушбу талаблар бўйича касбий таълимда етук педагог шахсини, маҳоратли касб эгасини тарбиялаш даражасининг ўсишини таъминлаш учун шароитлар яратиш, ҳаётий ёки касбий муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилади. Шундай экан касбий маҳоратнинг пайдо бўлиши ўқитувчининг шахсий



[illegible] эмас, балки уни қуршаб олган муҳитга ҳам ўз таъсирини кўрсатади [6]. Бу муаммолар ечимини эса назария ва амалиётнинг уйғунлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Назария ва амалиёт уйғунлиги – етук мутахассислар тайёрлашнинг муҳим омили ҳисобланади ва таълим жараёнига замонавий педагогик [illegible] ва илғор хорижий тажрибаларни кенг татбиқ этишни тақозо этади.

Олимларнинг фикрича шахснинг ҳар томонлама ривожланиши [illegible] тажрибанинг асосий элементларини ўзлаштириш орқали шаклланади[5]. Бундан кўриниб турибдики, амалиётдаги тажриба орқали назарий олган билимлар мустаҳкамланади, бу билан инсон камолоти кафолатланади. Бу эса тасвирий санъат таълимида кластер ёндашувига асосланган назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш учун таълимда маълум даражадаги шарт-шароитларни яратилиши жуда муҳим эканлигини кўрсатади. Олий ва умумий ўрта таълим ҳамкорлигини педагогик таълим кластери воситасида интеграциялаш орқали назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашнинг асосий шартлари деб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ўқувчиларнинг атрофдаги оламни онгли равишда идрок қилиш ва [illegible] билим, кўникма, малакаларидан ўқув ва амалий вазифаларни ҳал [illegible] фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;
- ижодий, илмий-тадқиқот фаолиятда талабаларнинг лойиҳалаш ва [illegible] ишлари маданиятини шакллантириш, янги, ностандарт вазифалар ва муаммоларни ҳал қила олиш кўникмаларини шакллантириш;
- [illegible] маданий мерос ва қадриятлар ҳақидаги билимларни ўз фаолиятида қўллаш малакаларини ривожлантириш;
- амалий жиҳатдан тасвирий санъат соҳасидаги билимнинг ишлаб [illegible] билан боғлиқлиги, кенг маънода ёш авлодни ишлашга тайёрлаш;
- тасвирий санъат таълимини меҳнат бозори талаблари асосида [illegible] қилиш, битирувчиларда жараёнида олган билим, кўникма ва

[5] [illegible] Таълим методларининг дидактик асослари. – М.: Педагогика, 1981.- 186с. Лернер И.Л. [illegible] основы методов обучения. - М.: Педагогика, 1981.- 186с.

малакаларини мустақил амалий фаолиятида қўллаш, касб танлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш, меҳнат бозорида зарур бўладиган компетенцияларини шакллантириш;

• ўқувчиларларни фаол ижодий фаолиятга жалб этиш;

• STEAM (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Эngineering – муҳандислик, Art – санъат, Mathematics – математика) таълимини жорий этиш орқали умумкасбий ва мутахассислик фанларни интегратсиясига қурилган саводхонлик даражасини ошириш;

Узлуксиз таълим тизимидаги ОТМ ва ХТБ кластер ҳамкорлиги доирасида уюштириладиган семинарлар, ижодий танловлар, кўргазмалар, қўшимча тўгарак машғулотлари орқали ҳал этиладиган вазифаларни таҳлил қилиш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашнинг асосий усулларини шакллантиришга имкон беради. Бизнинг фикримизча узлуксиз таълимда ёшларнинг ижодкорлик хислатларини тарбиялаш, хусусан, ижодий тасаввури ва тафаккурини ривожлантириш қуйидаги йўналишлар бўйича қўлланилиши мумкин:

1) ўқув жараёнида аниқ муаммоларни ҳал этиладиган дидактик материал сифатида;

2) талабалар ва мактаб ўқувчиларининг ижодкорлик даражасини оширишни таъминловчи дидактик материал сифатида;

3) ижодкорлик йўналишини такомиллаштирувчи дидактик материал сифатида.

Аниқлаган ҳар бир йўналишни амалга оширишни батафсил кўриб чиқайлик. Шундай қилиб, ўқув жараёнида аниқ муаммоларни ҳал этадиган дидактик материал сифатида назария ва амалиёт уйғунлиги узлуксиз таълим тизимидаги тасвирий санъатни ўқитиш дастурига кўра бажарилиши лозим бўлган қўшимча таълимни ташкиллаштириш доирасидаги муаммоларни самарали ҳал қилиш учун қўлланилиши мумкин. Масалан: қўшимча машғулотлар жараёнида талабалар ўз касбий маҳоратини ошириш, тасвирий санъат ва педагогика соҳасида зарур малака ва кўникмаларни эгаллашлари учун шароитлар яратилади. Индивидуал ва жамоавий ишлаш асосида мустақил мавзулар танлаш, бажарган ишларини ҳам ўқув жараёни, ҳам шахсий ҳаёти, ҳам келажакдаги карьераси учун фойдали маҳсулотга айлантириш имконидан кенг миқёсда фойдаланишлари керак бўлади. Тажриба шуни кўрсатадики, дастлаб талабалар ижодий жараёнини ташкиллаштириш, мустақил ва гуруҳ бўлиб композиция ишлаш, қўшимча ижодий фаолиятларини ўқув жараёнига боғлашни билишмайди, қўшимча машғулотларнинг турли танловлар, олимпиадаларда юқори натижаларга эришиш учун пойдевор бўлишини тўлалигича тушуниб етмайдилар. Чунки уларнинг аксарияти ҳали қўшимча машғулотларда яратилган ижодий муҳит, ижодий кўргазмалар, турли танловларнинг инсон фаолиятини оширишдаги қанчалик аҳамиятли эканлигини тасаввур қила олмайдилар. Қатъий дастурларга асосланган аудитория ёки синфлардаги машғулотлар талаба ва ўқувчиларнинг айнан бир мавзунинг бир хил ўзлаштиришига асосланади. Қўшимча машғулотларда эса бир неча хил усуллар орқали битта мавзунинг ечимини топиш имконияти мавжуд. Унда эркинлик мавжуд ва ижодий ёндашув кенг қўллаб-қувватланади. Биз мана шундай машғулотларда назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш ҳамда амалиётни фойдали машғулотга айлантириш орқали ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун аввало, талабалардаги назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларини ривожлантириш, ижодкорлик, жамоа бўлиб ишлаш, ўқув машғулотлари ва ижодий фаолиятни мустақил ташкил этиш қобилиятларини тарбиялаш зарур. Бугун эса фақат назарий билимларни ўзлаштиришга мўлжалланган анъанавий машғулотлар жараёнида амалга ошириб бўлмайди. Назариётни амалиёт билан уйғунлаштириш, мустақил фаолиятга рағбатлантириш учун уларга:

- ижодкорликка қизиқтириш;
- ўз билимларини амалиётда синаб кўриш;
- мустақил қарор қабул қилиш;
- ўз тажрибасини бошқалар билан ўртоқлашиш, ҳамкорликда ишлаш;

- ижодий ғояларини амалиётга татбиқ этиш каби имкониятлар берилиши ва шарт-шароитлар яратилиши талаб этилади. Бундай фаолият учун албатта амалиёт майдонини ташкиллаштириш, умумий ижодкорлик ва касбий маҳоратини ошириш, талабаларни мустақил фикрлаш, эркин ҳаракат қилиш, фаоллаштиришга хизмат қиладиган маълум даражадаги муҳитни яратиш керак бўлади. Асосан ижодкорлик тамойилларига асосланадиган тасвирий санъат таълим тизимида “Талабалар ижодиёти” клубини ташкиллаштириш орқали айнан мана шундай муҳитни яратиш мумкин деган фикрдамиз. Келажакда бутун фаолиятини умумтаълим мактабларида ўтказадиган бўлажак педагог-рассомлар учун алоҳида Олий таълим муассасасининг ўзида бу муҳитни яратиш билан бир натижага эришиш қийин. Биз узлуксиз таълим тизимида ўзаро ҳар томонлама мустаҳкам алоқани ўрнатмасдан турли таълимнинг алоҳида бир бўғинида инновацион технологиялар асри учун келажак ўқитувчиси тарбиялашимиз жуда мушкул. Шунинг учун бизнинг фикримизча тасвирий санъат таълим тизимига педагогик таълим инновацион кластер усули ва ўқитиш технологияларини жорий этиш орқали узвийлик ва узлуксизликка эришиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз. Таълим тизимига кириб келаётган бундай “кластер” моделининг пировард мақсади таълимий ва илмий жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, тизимда бошқарув, тузилма ва сифат билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар билан бирга мутахассисларни тайёрлашга айрим ташкилий ва таркибий ўзгаришларни ҳам талаб қилади. Айни пайтда, бу борадаги ишларнинг барча босқичларида янги шакллар ва усулларни излаш, таълимнинг барча турларини мақсаднинг умумийлиги ва манфаатларнинг хусусийлиги бўйича алоқадорлигини кучайтириш, улар ўртасидаги интеграцияни таъминлаш масаласи ётади.

Бу масалаларнинг ечимини топиш учун ўқитувчи касбига жуда катта маъсулиятлар юкланадаки, у ўз устида тинмай ишлаши, ахборот коммуникатив воситаларидан тўғри ва самарали фойдаланиши, таълимдаги



янгиликлардан доимий хабардор бўлиши, янги ғоялар устида бош қотиришига тўғри келади.

Лекин, болалигида мактабгача таълим ва умумий ўрта таълимда [illegible] таълим тамойиллари бўйича олган билимлари инсонни ҳар хил [illegible] масалалар ечимини топиш учун зарур бўлган ва бир умрга етадиган сифатли билим, кўникма ва малакалар билан таъминлай олмайди. Ҳар қандай кишига ўзлаштирилган билимларни ҳаётимизда рўй бераётган шиддатли жараёнлар билан ҳамоҳанг тезликда қўллай олиш жуда қийин. Дунёда барча илғор мамлакатлар томонидан қабул қилинган узлуксиз таълим концепцияси фуқаролар учун таълимни замонавий дунёдаги, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари сифатида биринчи ўринга қўяди. Ўз навбатида педагогик таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айланмоқдаки, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур.

Олий ва умумий ўрта таълим ҳамкорлигини педагогик таълим кластери воситасида интеграциялаш ҳамда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар асосида:

- ўқувчиларнинг атрофдаги оламни онгли равишда идрок қилиш ва олган билим, кўникма, малакаларидан ўқув ва амалий вазифаларни ҳал қилишда фойдаланиш кўникмаларини ривожлантирилади;
- ижодий, илмий-тадқиқот фаолиятда талабаларнинг лойиҳалаш ва тадқиқот ишлари маданияти шакллантирилади, янги, ностандарт вазифалар ва муаммоларни ҳал қила олиш кўникмалари тарбияланади;
- уларда маданий мерос ва қадриятлар ҳақидаги билимларни ўз фаолиятида қўллаш малакалари ривожлантирилади;
- тасвирий санъат соҳасидаги билимларни амалий жиҳатдан ишлаб чиқариш билан боғлаш орқали ёш авлодни келгусидаги иш фаолиятига тайёрланади.

• тасвирий санъат таълими меҳнат бозори талаблари асосида модернизация қилинади, битирувчилар таълим жараёнида олган билим, кўникма ва малакаларини мустақил амалий фаолиятида қўллаш, касб танлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш, меҳнат бозорида зарур бўладиган компетенциялари шакллантирилади;

• ўқувчиларларни фаол ижодий фаолиятга жалб этилади;

• STEAM таълимини жорий этиш орқали умумкасбий ва мутахассислик фанлараро интеграциясига қурилган саводхонлик даражаси оширилади;

Умуман олганда, бошқа йўналишларда бўлганидек тасвирий санъат соҳасида ҳам замонавий кластерларни муваффақиятли шакллантириш таълим сифатига эришишнинг асосий шартларидан бири сифатида қараш керак. Унинг фан билан алоқадорлигини таъминлаган ҳолда, бутун таълим тизимидаги тасвирий санъатни ўқитиш жараёнини назарий таҳлил қилиш, мавжуд камчиликлар, муаммоларни излаб топиш, уни бартараф этиш механизмларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш вақти келди. Келажак ўқитувчиси педагогик фаолиятларида вужудга келадиган турли вазиятларда етакчилик маъсулиятини бўйнига оладиган ва ўз соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда мустақил тадқиқотлар олиб бориш малакасига эга бўлишлари керак. Бошқача қилиб айтганда ҳозирда ўқув жараёнига қўйиладиган асосий талаб таълим жараёнида ўзлаштирилган билимни кейинчалик касбий фаолиятида тўғри амалга оширадиган мутахассис тайёрлашдан иборат. Шунингдек, бўлажак ўқитувчи олий таълимдаги ўқиш жараёнида нафақат касби бўйича махсус вазифаларни бажариш, балки, ижтимоий ҳаётда керак бўладиган амалий тажрибаларга ҳам эга бўлиши керак. Бу кейинчалик унга амалиёт ва корпоратив муҳитга муваффақиятли қўшилишга ёрдам беради, ўқув муассасаси ва ижтимоий-ишлаб чиқаришга мослашувини осонлаштиради [5].

Шунинг учун ҳам таълимни амалиёт билан уйғунлаштириш ғояси ўқитувчи-педагоглар тайёрлашдаги энг асосий восита бўлиши керак. Бунга



асосланиб, олий педагогик таълим ва мактаб амалиётининг интеграцияси амалга оширилади. Педагогика соҳасидаги таълим кластери – таълим мутахассисларини тайёрлашда ўқув ва инновацион мақсадларни амалга оширадиган, келишувлар асосида ўзаро таъсир кўрсатадиган ва унда қатнашадиган таълим кластери – муайян жуғрофий ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектларнинг, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизм.

Иқтисодиётда истиқболли инновацион йўналиш сифатида тан олинган меҳнат соҳаси ва таълим ўртасида юзага келадиган интеграция жараёнлари билан боғлиқ кластер модели бизнинг ўйлашимиз бўйича ҳам таълим тизимида янги механизм сифатида ўзини оқлайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, таълим кластери талабаларнинг касбий ва педагогик тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган фаолиятни назарий ва амалий жиҳатдан уйғунлаштиришга хизмат қилади деб хулоса қилиш мумкин.

Шунинг учун ҳам кафедрада таълим кластери орқали талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш, ташкилотчилик кўникмаларини ривожлантириш, уларни эркин ижодкор жамоа сифатида бирлаштириш мақсадида “Талабалар ижодиёти” клуби дастури ишлаб чиқилди. Дастурнинг моҳияти, биринчидан, инновацион кластери воситасида талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш, уларда ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида мустақил равишда изланиш учун мотивация ҳосил қилиш, турли илмий, ижодий йўналишларга қизиққан талабаларни умумий мақсад йўлида бир жамоага бириктириш, ўқувчилар билан биргаликдаги фаолияти орқали улардаги касбий тайёргарлигини тарбиялашдан иборат. Бунинг устига ўзаро алоқага асосланган клуб ҳар хил йўналишда фаолият кўрсатаётган тўгараклар фаолиятини мувофиқлаштиришга ёрдам беради ва талаба ва ўқувчилар учун қуйидаги имкониятларни яратади.

- бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ўз билимларини амалиётда синаб кўриш;

- мустақил қарор қабул қилиш, ижодкорлигини рағбатлантириш, ташкилотчилик қобилиятларини тарбиялаш;

- ўз тажрибасини бошқалар билан ўртоқлашиш, ҳамкорликда ишлаш;

-ижодий кўргазмалар, танловлар ва КВН мусобақалари уюштириш ва унда фаол қатнашиш;

- талабаларга қўшимча касб-ҳунар эгаллашга қизиқтириш, улардаги тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга эришилади;

Кафедра учун:

- талаба ва ўқувчиларнинг қобилиятлари ҳамда қизиқишларига қараб турли ижодий, илмий тадқиқот ишларига жалб этиш;

- талабаларнинг билим олиш жараёнини тадқиқ қилиш, улар фаолиятида мавжуд муаммоларни аниқлаб уларни бартараф этишга ёрдам бериш;

- ўқувчиларни хорижий ва республика кўрик танловлари, фан олимпиадаларига тайёрлашда иқтидорли талабалар салоҳиятидан фойдаланиш,

- иқтидорли талабалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш;

- ижодий ғояларини амалиётга татбиқ этиш учун амалиёт майдонини ташкиллаштириш орқали ОТМ-мактаб-МТМ тизимида фаол ва тезкор ўзаро алоқани йўлга қўйиш имконини беради. Бунинг учун албатта инновацион кластер усули орқали тасвирий санъат таълимида бутун узлуксиз таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиш. Талаба ва ўқувчиларни ўзаро ҳамкорликда ижодий фаолиятга йўналтириш. Биргаликдаги фаолияти учун ОТМ ва мактаблар томонидан керакли шарт-шароитларни яратиб бериш керак бўлади. Бу жараённи ташкил этиш ва ижобий натижаларга эришишда айнан ўзаро ҳамкорликка асосланган "Талабалар ижодиёти" клуби имкониятидан яхши фойдаланиш мумкин. Бу клуб фаолияти орқали талабалар ва ўқувчиларда ижодий фаолият, билим олишга нисбатан иштиёқ



ҳосил қилинади. Ўз тенгдошлари ва ўқувчилар учун мини тўгараклар ташкил этиш орқали истеъдодини рўёбга чиқариш, педагогик касбий малакасининг ошишига туртки бўлади. Бошқаларга ўргатиш орқали билим даражасини синаб кўради, вужудга келган муаммоли вазиятларда ечим топиш учун изланади. "Нима учун?, қандай қилиб?" деган саволларга жавоб топишга интилади. Мактаб ўқувчилари билан мулоқот қилиш, уларни тўғри йўлга йўналтириш, педагогика, психология, методика фанлари бўйича билим олиш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш ҳақида ўйланади. Бу илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш учун мотивация беради. Касбий маъсулиятни ҳис қилади, ўз истеъдодини янада ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Ўқувчиларда эса, катталарни кўриб, уларга нисбатан ҳавас, билим олиш, ижодий фаолиятга нисбатан иштиёқ ҳосил бўлади. Биргаликда ишлаш билан улардан тажриба ўрганади. Келгусида Олий таълимга ўқишга киришда ўзи учун имконият яратади.

Натижада,

турли ижодий тўгарак машғулотлари орқали талабаларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилади, ўз тажрибасини бошқалар билан ўртоқлашиш, ўз билимларини амалиётда синаб кўриш имкониятига эга бўлади;

- мустақил қарор қабул қилишга ўрганади, ижодкорлиги рағбатлантирилади, ташкилотчилик қобилиятлари тарбияланади;

- ўз тажрибасини бошқалар билан ўртоқлашиш, уларнинг ютуқларидан ўрганади, ўзи ва бошқаларнинг иши ҳамда умумий жараён ҳақида хулоса чиқаради, ҳамкорликда ишлашни ўрганади;

- ҳамкорликда ижодий кўргазмалар, танловлар ва КВН мусобақалари уюштиришда иштирок этади, уни ташкиллаштиришни ўрганади ва ҳар жиҳатдан фаоллашади;

- қўшимча касб-ҳунар эгаллашга қизиқиш пайдо бўлади, ўз меҳнатини фойдали машғулотга айлантиришга ўрганади, тадбиркорлик кўникмалари шакллантирилади;

Кафедра учун:

- турли тўгарак машғулотларида талаба ва ўқувчиларнинг қобилиятлари ҳамда қизиқишларига қараб ижодий фаолиятга йўналтирилади ёки илмий тадқиқот ишларига жалб этилади;

- кафедра профессор-ўқитувчилари мактаб ўқитувчилари ва талабаларнинг ўзлари томонидан таълим кластери воситасида талаба ва ўқувчиларнинг билим олиш жараёни тадқиқ қилинади, улар фаолиятида мавжуд муаммоларни аниқланиб уларни бартараф этиш механизмлари яратилади;

- мини тўгараклар, тайёрлов курсларида иқтидорли талабалар салоҳияти орқали ўқувчилар хорижий ва республика кўрик танловлари, фан олимпиадаларига тайёрлаб борилади;

- интилувчан иқтидорли талабалар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, уларнинг ютуқлари бошқаларга намуна қилиб кўрсатилади;

- амалиёт майдонини ташкиллаштириш орқали ижодий ғояларини амалиётга татбиқ этилади, ОТМ-мактаб-МТМ тизимида фаол ва тезкор ўзаро алоқа йўлга қўйилади.

- узлуксиз таълим тизимидаги ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали дарсларни замонавий талабларга мос равишда тўғри ташкил этиш бўйича мактаб ўқитувчиларининг фикрини ўрганиш имконияти яратилади. Буларнинг барчаси талаба ва ўқувчилардаги ўзига нисбатан ишонч, маъсулиятни ҳис қилган ҳолда мустақил ҳаракат қилиш хислатларини тарбиялаш мақсадида педагогик таълим кластер усули ва ўқитиш технологияларини тасвирий санъат таълим тизимига жорий этиш орқали амалга оширилади.

Институтда ташкил этилган "Талабалар ижодиёти" клуби, талабалар ва мактаб ўқувчилари биргаликда шуғулланадиган турли илмий ва ижодий тўгараклар, талабалар раҳбарлигидаги мини-тўгараклар, мактабларда ташкил этилган тўгараклар филиалларини ташкил этиш орқали олий ва умумий ўрта таълим ҳамкорлигини педагогик таълим кластери воситасида интеграцияланади.



Талабаларда назарий билимларини амалиётда қўллай олиш учун кўникма ва малакалари ҳосил қилинади. Юқорида келтирилган фикрлар, ўқув жараёнида ўқув ва қўшимча таълим-тарбия жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигидан тўғри фойдаланиш машғулотларда сифат ва самарадорликка эришиш учун хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

"Тасвирий санъат" таълим тизимига бу каби педагогик таълим кластери усули ва ўқитиш технологияларини жорий этиш ўқитувчининг педагогик ижодкорлигини фаоллаштириш ва таълим жараёнида инновацион педагогик технологияларни жорий этиш шартларини янада аниқлаштириш, мактабда ягона ижодкорлик муҳитини яратиш, талаба ва ўқувчилардаги ўзига нисбатан ишонч, маъсулиятни ҳис қилган ҳолда мустақил ҳаракат қилиш хислатларини тарбиялаш, фанлараро интеграцияни амалга ошириш, ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш механизмлари, усуллари, технологияларини амалиётга татбиқ этиш истиқболларни очади.

Хулоса ўрнида шуларни таъкидлаш жоизки, инновацияларни таълим жараёнига татбиқ этиш бугунги кунда узлуксиз таълим тизимдаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун кластер ёндашуви фан ва таълимни, пировардида, амалиётда жамиятни ривожлантириш учун янги имкониятларни яратади.

Олий ва умумий ўрта таълим ҳамкорлигини педагогик таълим кластери воситасида интеграциялаш, тасвирий санъат таълимида талаба ва ўқувчиларда назарий билимларини амалиётда қўллай олиш учун кўникма ва малакалари ҳосил қилиши учун хизмат қилади.

## II БОБ. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШДА ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ВОСИТАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

### 2.1-§. Кластер ёндашуви орқали ижодий муҳит яратиш ҳамда ўқувчи ва талабаларни ижодкорликка йўналтириш

Бугун биз инсоният шу пайтга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган, шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб бир юксак технологиялар асрида яшамоқдамиз. Ёш авлоднинг нафақат атроф-борлиқ ва яқинлари билан мулоқоти, балки, бутун турмуш тарзи интернет олами, мобил телефонлари ва АКТ воситаларига бутунлай боғланиб қолди. Албатта, бунинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Бу эса улардаги тасаввурнинг ва инсонга хос бўлган ноёб туйғуларнинг ривожланишига халақит беради. Мана шундай глобаллашув, ахборот ва янги инновацион технологиялар кучайган даврда санъат орқали инсон ҳаётидаги маънавий бўшлиқларни тўлдириш мумкин. Шундан келиб чиқиб, эстетик тарбияни замонавий тенденцияларга асосланган ҳолда амалга ошириш учун ёшларда санъатга нисбатан қизиқишларини уйғотиш, инсоннинг ижтимоий ҳаётида унинг аҳамиятини сақлаб қолиш зарур.

Санъат инсон ва жамият тараққиётида, шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва тарбиялаш жараёнида жуда муҳим аҳамият касб этиши барчамизга маълум. У воқеликнинг бадиий инъикоси бўлиб, шахс камолотига кучли таъсир кўрсатади. Болаларнинг ижодий тафаккури ва ижодкорлик салоҳиятини шакллантиришга, атроф-борлиқ, табиат ва инсонлардаги гўзалликларга нисбатан ҳиссий ёндашув ва меҳр-муҳаббат туйғуларини тарбиялайди. Уларнинг тафаккурини, ахлоқий ва ҳаётий тамойилларини шакллантиришга хизмат қилади. Болаларнинг маънавий дунёси ва бадиий дидини тасвирий санъатсиз тасаввур қилиб бўлмайди, миллий қадриятларни янада юқори даражага кўтармасдан туриб янги жамиятни, янги дунёқарашни шакллантириш асло мумкин эмас. 21 аср мобил



телефонлар, компьютер ўйинлари орқали енгил пул топишга асосланган вайронагарчилик, шафқатсизлик, зўравонлик, худбинлик, ахлоқий бузуқликларни тарғиб қилувчи ва миллий маданиятимизга зид келадиган фильмлар илк болалигиданоқ ёшлар тарбиясига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Маъно ва мантиқ жиҳатдан сайёз мультфильмлар, сериаллар ҳам ахлоқсиз турмуш тарзини тарғиб қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари тинимсиз ҳаракатни талаб қиладиган ушбу даврда ота-оналарнинг иқтисодий имкониятини оширишга интилиши, рўзғор ташвишлари, иш фаолиятида ўз ўрнини йўқотиб қўйишдан қўрқиши сабабли фарзандларига етарли эътиборнинг камайишига олиб келди. Бу эса ўз-ўзидан чинакам ижтимоий ҳалокат ва минг йиллик қадриятлар, анъаналарнинг таназзулга учрашига сабаб бўлиши аниқ, вазият эса кундан-кунга оғирлашиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Болалар тарбияси учун ҳақиқий идеаллар ўрнига ҳар хил шоуменлар, саёз фикрлари, ҳаёсиз қилиқлари билан ўзини кўрсатадиган қаҳрамонларни тарғиб қилиш "мода" тусига кириб қолганлиги ачинарли ҳолат деб ўйлаймиз. Мана шундай шиддат билан ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, таълим тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида янги усуллар ва педагогик технологиялар воситасида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброк аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу боис президентимиз ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эдилар[37]. Бу ташаббуслардан биринчиси айнан ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қиладиган санъатни тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

---

[37] https://www.xabar.uz/jamiyat/prezident-raisligida-videoselektor

Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишидаги ижодкорларни, миллий ўзлигимизни англаш ғояларини тараннум этувчи юксак даражадаги ёрқин асарларини яратишдаги фаолиятини рағбатлантириш ва болалар санъатини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш[38] бадиий таълим учун ҳукуматимиз томонидан юкланган маъсулиятли вазифалардан саналади.

Тарихга назар солар эканмиз, азалдан, инсониятнинг кўп йиллик маънавий тажрибаси кейинги авлодга етказилишида тасвирий санъат асарларининг аҳамияти катта эканлигини кўрамиз. Қоятошлар, меъморий обидалар, қўлёзма китоблардаги ёзувлар, расмлар, миниатюра асарларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу эса миллий қадриятлар, маданий анъаналар сақланиб қолиши, дунё халқларининг тарихий ва маданий меросини ўрганишимиз учун ажойиб восита бўлиб хизмат қилган. Ёшлардаги дунё халқларининг тарихий ва маданий меросига ҳурмат туйғуси шаклланишига сабаб бўлган.

Тасвирий санъат инсоннинг ўз ҳис-туйғуларини ранглар ва чизиқлар ёрдамида ифодалаши мумкин бўлган бадиий ижодиёт турларидан бири ҳисобланади. У 20 минг йил олдин, палеолит даврида пайдо бўлган ва қоятош расмлари - абстракт ва чизиқли тасвирлар шаклида сақланиб қолган[39]. Бадиий таълимнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг одамларга, табиатга, санъатга, инсон томонидан яратилган асарлар ва меъморий обидаларга нисбатан бўлган ҳиссий қадрият муносабатларини шакллантиришдан иборат. Шунингдек, улардаги дунёқарашини кенгайтириш, образли, ассоциатив-танқидий фикрлашни ривожлантириш, шахсий бадиий-ижодий тажрибани ўзлаштириш ҳамда ўзининг ҳаётдаги маданий ривожланиш йўлини танлашга ёрдам беради.

[38] Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарори
[39] Разенков, И. В. Влияние изобразительного искусства на развитие личности ребенка в системе дополнительного образования / И. В. Разенков. — Текст : непосредственный // Актуальные задачи педагогики : материалы V Междунар. науч. конф. (г. Чита, апрель 2014 г.). — Т. 0. — Чита : Издательство Молодой ученый, 2014. — С. 171-173. — URL:



Ўқувчилар ёки талабалар томонидан бажарилган тасвирий санъат асари катта ёки кичиклигидан қатъий назар ҳар бир образда муаллифнинг ўзига хос орзу-умидлари, ҳис-туйғуларини ифода этади. Борлиқдаги такрорланмас гўзалликларни ўзида акс эттирган тасвирий санъат асари инсондаги ва атроф -муҳитдаги гўзалликларга нисбатан кишида меҳр-муҳаббат ҳиссиётини уйғотади, инсон бу ҳис-туйғулар билан тўйинади ва бу ҳолат унинг атрофидаги одамларга ҳам тарқалади. Тасвирий санъат фани ўқувчиларнинг ҳиссий туйғуларига кучли таъсир кўрсатиб, ижодий фаолият жараёнида уларда дунёни ҳиссий-тафаккур қилиш кўникмалари шакллантиради. Шундан келиб чиқиб, ўқувчилардаги атроф-борлиққа, табиатга, атрофдаги кишиларга нисбатан меҳр уйғотиш, табиатдаги ва инсондаги гўзаллик кўринишларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялашда тасвирий санъатнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини тасаввур қилиш мумкин . Болаларни гўдаклигидан бошлаб санъат билан таништириш, тасвирий санъатга ошно қилиш мақсадга мувофиқ саналади. Одатда, болалар ўсмирлик даврида турли хил санъат турлари билан шуғулланишни хуш кўришади. Ривожланишнинг айнан мана шу босқичида болада миллий қадриятлар, анъанавий санъат турларига нисбатан меҳр туйғулари шаклланади.

Педагогик таълим инновацион кластери Чирчиқ давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот йўналиши ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб кластер ёндашуви асосида ижодий фаолиятини ташкил этиш тасвирий санъат йўналишининг асосий вазифаси қилиб белгиланган. Ушбу ёндашув орқали юқоридаги муаммоларга ечим топишдан ташқари назарий билимлар билан амалиётни, таълим жараёни билан ишлаб чиқаришни интеграциялаш имконияти ҳам яратилади. ОТМ ва ХТБ кластер ҳамкорлиги доирасида уюштириладиган семинарлар, ижодий танловлар, кўргазмалар, қўшимча тўгарак машғулотлари тасвирий санъат таълими орқали ҳал этиладиган вазифаларни таҳлил қилиш, фан, таълим ва иш берувчилар билан ўзаро узвий алоқанинг ўрнатилишига олиб келади.

Тасвирий санъат кафедрасининг Педагогик таълим инновацион кластерининг амалдаги татбиғи бўйича кластер ёндашуви асосида “ижодий муҳит” яратилади. “Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази”да яратилган бундай ижодий муҳит орқали қуйидаги вазифаларни амалга оширилиши назарда тутилган:

- умумтаълим мактаблари учун янги авлод ўқув адабиётларини яратиш;

- иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларни педагоглик касбига, тасвирий санъатга қизиқтириш;

- “Эшитдим, кўрдим, бажардим” тамойили асосида иқтидорли талабаларни аниқлаш, талабалар ва ўқувчилар учун назарий билимларини амалда қўллай олиш ва касбий кўникмаларини тарбиялаш;

- таълим жараёни самарадорлигини ошириш, турли эсдалик буюмлари ва сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўзгарувчанлигини инобатга олган ҳолда бир пайтнинг ўзида бир нечта касбга ўргатиш;

- таълим хизматларини йўлга қўйиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш;

- битирувчилар учун услубий қўлланмалар яратиш, касбий фаолиятида учрайдиган муаммоларни ечиш ва ҳаётда ўз ўрнини топишда уларга кўмаклашиш;

- илмий соҳада халқаро тажрибани кенг тарғиб қилиш, илмий тадқиқот ишларини жонлантириш, хорижий ҳамкорлар билан илмий нашрлар тайёрлашни кўпайтириш;

- профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг халқаро нуфузли илмий-амалий конференциялар, ижодий кўргазма ва танловларидаги иштирокини кенгайтириш. Буларнинг барчаси марказнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлайди. Кафедрада кластер ёндашувига асосланган истиқбол режалари билан бирга уни амалга оширишнинг қуйидаги механизмлари ҳам ишлаб чиқилган:



- умумтаълим мактабларида ўқитиладиган тасвирий санъат фанининг ҳозирги ҳолатини сўровнома асосида ўрганиш, таҳлил қилиш;

- Чирчиқ шаҳридаги умумтаълим мактабларида педагогик амалиёт жараёнини кузатиш орқали илғор тажрибаларни оммалаштириш;

- тасвирий санъат фани ўқитувчилари иштирокида “Педагогик синергия” илмий-амалий семинар учрашувларини уюштириш;

- махсус санъат мактаблари ва мактаб ўқувчилари иштирок этадиган “Камалак-АРТ” ижодий фестивалини ўтказиш;

- институтда мактаб ўқувчиларининг, мактабда талабаларнинг ижодий кўргазмаларини ташкил этиш;

- институтда ўқув, илмий-ижодий соҳаларда ютуқларга эришган энг иқтидорли талабаларнинг пастки курс талабалари билан суҳбатларини уюштириш;

- энг иқтидорли талабаларнинг мактабда ўқувчилар билан учрашуви, ижодий кўргазмаси ва маҳорат дарсини уюштириш;

- касбий соҳасида юқори натижаларга эришган тажрибали мактаб ўқитувчиларининг талабалар билан ижодий учрашувини уюштириш;

- 1-курсда –“ “Талаба талабага – устоз, талаба талабага – шогирд», 2-курсда – “Эшитдим-кўрдим-бажардим”; 3-курсда – “Ўргатиб-ўрганамиз»; тамойиллари асосида барча курс талабалари биргаликда ижод қиладиган “Ижодий устахона” машғулотларини уюштириш;

- “Реклама ва дизайн маркази” фаолиятини ташкил этиш;

- қўшимча касб-ҳунар ўргатиш курслари, тайёрлов курслари, ижодий ва касбий тўгараклар фаолиятини кенгайтириш;

- бадиий безак ишлари учун ташкилотлар билан шартномалар тузиш, буюртма асосида картиналар яратиш, таълим жараёнини тадбиркорликка йўналтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- битирувчилар учун услубий қўлланма ва тавсияномалар яратиш;

- битирувчиларнинг иш билан бандлиги мониторингини қилиш ва уларнинг ишга жойлашишида кўмаклашиш;

- кафедрада “Ижодий академия” илмий – оммабоп, ижодий журналини онлайн нашр этишни йўлга қўйиш;

- мактаб ўқитувчилари ва талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш;

- кафедра ўқитувчиларини PhD диссертациясини ҳимоясига чиқиши учун шарт-шароитлар яратиш;

- хорижий Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда халқаро конференциялар ўтказиш бўйича таклифларни шакллантириш ва Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиш;

- ижодкор педагоглар ва талабаларнинг халқаро тасвирий ва амалий санъат фестивали, ижодий танловлар ва фан олимпиадаларида фаол иштирокини таъминлаш.



***Талабаларнинг касбий ва ижодий кўникмаларини ривожлантириш модели***




Ишни бу тартибда олиб бориш яқин йилларда албатта ўз самарасини беради. Аниқ натижаларга эришиш юқоридаги вазифаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш мақсадида алоҳида Ишчи гуруҳ шаклланирилган бўлиб, ҳар уч ойда бажарилган ишлар ва унинг натижалари таҳлил қилиниб, мониторинг қилинади.

Шу пайтгача бажарилган ишлар статистикасининг кўрсатишича мактаблар билан биргаликдаги бундай фаолият натижасида турли ижодий танловлар ва маънавий тадбирларда ўқувчиларнинг фаоллашгани ва турли

кўрсаткичлар бўйича ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Нафақат ўқувчилар, талабаларнинг ҳам ижодкорлик ва педагогик фаолиятга муносабатларида катта ўзгаришлар вужудга келди.

Шундай қилиб, ижодкорлик муаммосини ёритиш қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон берди:

Турли ижтимоий қатламларга мансуб талаба ва ўқувчиларнинг ижодкорлик кўникмаларини тарбиялаш механизмларининг жуда мураккаблиги ва натижани олдиндан айтиб бўлмаслиги, тарбия соҳасини аниқ таҳлил қилишни қийинлаштиради. Шунга қарамай, тасвирий санъатда таълим жараёнининг бориши ҳамда самарадорлигини белгиловчи асосий омилларни аниқлаш мумкин. Омил деганда у ёки бу тарзда тарбияга таъсир этувчи сабаб тушунилади. Таълим объектив ва субъектив омилларга таянади.

Туғилган жойи, яшаш муҳити, ҳудудга тегишли урф-одатлар - бу ўқувчига боғлиқ бўлмаган омиллар ҳисобланади. Тарбиянинг объектив омиллари таъсирида бирор нарсани ўзгартириш жуда қийин.

Ўқувчилар, ўқитувчилар, шунингдек, атрофидаги одамлар ва таълим муассасаси фаолиятига боғлиқ бўлган субектив омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқувчи ёки талабанинг ижодкорликка мойиллиги ва тарбиявий таъсирларни идрок этиш қобилияти;
- таълим олувчининг интилишлари, иштиёқи ва орзуси;
- ўқувчи ёки талабанинг шахсий манфаатлари;
- Устоз ва шогирднинг ўзаро ҳурматга асосланган самимий муносабати;
- таълимнинг ижодкорликка йўналтирилганлиги;
- педагогларнинг касбий фаолиятга нисбатан маъсулияти;
- ўқув жараёнини ташкил этиш шакли;
- таълим дастурларининг мослашувчанликка асосланганлиги;
- мақсаднинг аниқлиги;
- ўзига бўлган ишонч;
- таваккал қилишдан қўрқмаслик;



- ижодий муҳит;
- ижодий фаолият учун яратилган қулай шароитнинг;
- рағбатлантириш механизмининг мавжудлиги;
- натижани кўрсата олишга интилиш;
- тафаккур ва тасаввурнинг кучлилиги ва ҳоказо.

Талаба ва ўқувчиларнинг таълим-тарбияси ижодий фаолиятни самарали ташкил этиш учун кучли таъсир кўрсатади. Айнан институтда ташкил этилган "Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази" фаолияти орқали ўқув, ижодий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий соҳаларда таълим-тарбия ишлари амалга оширилади.

Марказда таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1-курсда –"Талаба талабага – устоз, талаба талабага – шогирд»;

2-курсда – "Эшитдим-кўрдим-бажардим";

3-курсда – "Ўргатиб-ўрганамиз»;

Таълим-тарбия жараёни орқали тарбияланадиган фазилатлар:

1-курсда – билимга чанқоқлик, меҳнатсеварлик, ирода, қатъият;

2-курсда – фидойилик, ташаббускорлик, ташкилотчилик;

3-курсда – инновацион фикрлаш, ижодкорлик, яратувчанлик, масъулият, тадбиркорлик;

Марказда ташкил этилаётган ўқув машғулотлари ва қўшимча тўгараклар фаолияти жараёнида ижодий кўрсаткичи юқори бўлганлар ўз қобилиятини ривожлантиришга ёрдам бериш учун берилган вазифани сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилишади, устозининг маслаҳатларини диққат билан тинглайди. Буларнинг барчаси ижодий фаолиятнинг улардаги аввал ўзлаштирилган усулларини ҳаётда ўз жойида қўллаш ва керакли жойда ўзгартира олиш малакаларини тарбиялайди. Бу эса таълим сифати ва самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади. Ижодкорликка қизиқишининг пастлиги тарбияланувчилардаги вазифаларни аниқ идрок эта олмаслиги, атроф муҳитдаги гўзалликларни ҳис қила

олмаслиги ёки ўқитувчининг тавсияларини тинглашни истамаслигида намоён бўлади. Ижодкорликка уқуви йўқ бўлган бундай болаларни мажбурлаб ижодий фикрлашга йўналтириш қийин. Лекин, ҳар бир ўқувчининг қизиқишлари (техника, дизайн, ясаш-қуриш, лойиҳалаш ва ҳ.к.) бўйича тўғри йўналтирилса, ҳар қандай ўқувчи ёки талабада (у албатта етук рассом, дизайнер ёки меъмор бўлиши шарт эмас) ҳаётий фаолияти ва келгусидаги танлаган касбида маълум натижаларга эришиши, гўзалликдан баҳраманд бўлиш, миллий қадриятлар қийматини ҳис қилиши учун замонга мос эстетик дидини шакллантириш мумкин.

"Ижодкорлик"ни аниқ мезонлар билан баҳолашнинг имкони йўқ. Лекин, янги маҳсулотни яратиш, шахснинг ўзига хос қобилиятини рўёбга чиқариш каби мезон сифатида қабул қилинадиган ёндашувлар мавжуд (албатта бу қандайдир маҳсулот яратиш дегани эмас).

Ижодкорликни туғма (ўзгармас хусусият) ва ўзгарувчан (бу ҳолда ижодкорликнинг ривожланиши турли йўллар билан амалга оширилади) деган турлича ёндашувлар мавжуд;

Балоғат ёшидаги ўзгаришлар туфайли ёшларда ижодий ва маънавий ривожланишнинг аҳамияти сусаяди. Бу ерда айнан қўшимча таълимга бўлган эхтиёж пайдо бўлади. "Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази" профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар томонидан ташкил этилган ижодий тўгараклар ва ўқув курслари қўшимча таълим учун қулай шарт-шароитларни яратади. Мана шундай яратилган "ижодий муҳит" ёшларимиздаги етишмаётган маънавий бўшиқни тўлдиради, уларни ижодкорликка ундайди, ҳар томонлама фаоллаштиради. Аслида ҳам тасвирий санъат таълимининг энг муҳим вазифалари:

- ўқувчиларда интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик фазилатларини тарбиялаш ва универсал ижодкорлик ҳаракат усулларини шакллантириш, ўрганиш қобилиятини ривожлантириш;
- таълим муаммоларини ҳал қилиш учун нотаниш вазиятларда ўз фаолиятини ташкил эта олиш қобилиятини ривожлантириш;



шахсий ривожланишнинг асосий йўналишларида индивидуал тараққиёт - ҳиссий, когнитив, ўз-ўзини тартибга солишдан иборат. Нафақат фанни ўзлаштириш, балки универсал билим ва кўникмаларга эга бўлган ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш заммонавий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бадиий маданият билан таништириш орқали болалардаги функционал саводхонликка тамал тоши қўйилади: уларга ҳаёт ва санъатдаги гўзалликни кўриш, санъат асарларини ҳиссий идрок этиш ва улар ҳақида шахсий фикрини тўғри шакллантириш, ўзлаштирилган амалий кўникмаларни кундалик ҳаёти ва лойиҳа фаолиятида (ҳам индивидуал, ҳам жамоавий) фойдаланиш кўникмаларини тарбиялашдан иборат. Бу кўникма ва малакалар, шубҳасиз, ўқувчиларнинг ички дунёсини бойитади, дунёқарашини сезиларли даражада кенгайтиради, атрофдаги оламни онглироқ, қалбан идрок этишга имкон беради[40].

Қўшимча машғулотларда кластер ёндашувини қўллаш орқали гуруҳда ижобий рақобатни ҳосил қилиш жуда қулай. Шунингдек, "Устоз-шогирд" тизимига асосланган ижодий вазифалар индивидуал ечимни талаб қилиши ва ҳар бир талаба билан шахсан ишлашни талаб қилишини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Яратилган ижодий муҳитдаги рақобат, талаба ва ўқувчилардаги ўзлигини исботлашга бўлган интилиш, ўз натижаларини янада мукаммаллаштиришга бўлган ҳоҳишнинг кучайишига олиб келади. Қўшимча машғулотларда талабалар учун дастлабки педагогик малакалари ҳам шакллантирилади. Улар ижодий фаолият билан бирга ўқувчиларни ижодкорликка йўналтириш, машғулотлар, турли тадбирларни ташкил этишга кўникиб боришади. Касбий маъсулияти тарбияланади.

Бундай машғулотларда мотивациянинг уч тури ҳисобга олинади:

1. Биринчидан, ижтимоий. гуруҳ жамоаси орасида талаба ёки ўқувчини ижодий вазифани бажаришдаги муваффақияти учун рағбатлантирилади.

---

[40] Разенков, И. В. Влияние изобразительного искусства на развитие личности ребенка в системе дополнительного образования / И. В. Разенков. — Текст : непосредственный // Актуальные задачи педагогики : материалы V Междунар. науч. конф. (г. Чита, апрель 2014 г.). — Т. 0. — Чита : Издательство Молодой учёный, 2014. — С. 171-173. — URL:

2. Иккинчидан, прагматик мотивация. бу фанга ва соҳага нисбатан талаба ёки ўқувчилардаги ижобий муносабат ҳосил қилинади.

3. Учинчидан, иқтидорли, ижодий лаёқати кучли талабалар ва ўқувчилар билан ишлашда ижодий ишнинг ранг ва тус жозибадорлигигагина эмас, балки, асосий эътиборни композиция масалалари ва мазмунига ишлаш учун мотивация беришга қаратиш лозим. Ижодий фаолият когнитив бахс-мунозараларга асосланиши керак, масалан, ижодий ишларини композиция, мазмун ва ғоявий жиҳатдан баҳолаш, кўргазма ва танлов натижаларини муҳокама қилишда уларнинг ўзларини таклиф этиш мумкин ва мана шу фикрлар асосида илмий мақолалар тайёрлашга жалб этилади.

Ўз ишига нисбатн танқидий назар билан қараш туфайли танлов ва кўргазмалар учун композиция яратишдан олдин ёш ижодкорда маълум бир қўрқув ҳисси ҳам пайдо бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам дарсни мотивацион таъминлаш учун болаларнинг ҳиссий барқарорлиги, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш жуда зарур.

Кластер ёндашуви асосида ижодий фаолиятини ташкил этиш талабалар ва ўқувчилар тарбиясида маълум бир имкониятларни очиб беради.

1. бадиий кўргазмалар уюштиришда ҳамкорлик қилиш, биргаликда ижодий асарлар яратиш;

2. тасвирий санъат соҳасида миллий қадриятларини шакллантириш;

3. ҳам ўзининг, ҳам бошқаларнинг ижодига нисбатан хурмат ҳиссини тарбиялаш;

4. ижодий жараёнда ҳар хил муаммоларнинг ечимини излашда мустақиллик хислатларини ривожлантириш;

5. маънавий ва эстетик эҳтиёжларни шакллантириш;

6. тасвирий фаолиятнинг турли хил усуллари ва техникаларида ишлаш маҳоратини эгаллаш;

7. ижодкорлик ва инновацион янгиликка бўлган интилишларини рағбатлантириш;

8. алоҳида ва гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш;



Тасвирий санъат таълимида ижодкорлик кўникмаларини тарбиялашга йўналтирилган кластер ёндашуви талаба ва ўқувчилардаги ўқув мотивацияси, ижодий ва когнитив фаолияти, мустақиллиги, шахсий масъулиятини шакллантиришга ёрдам беради; уларнинг танқидий фикрлаши ва бадиий тафаккури, ижодий жараёнда керак бўладиган маълумотларни мустақил излаш имкониятини ривожлантиради.

Тасвирий санъат таълимида кластер ёндашуви талаба ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ўқув фаолиятини ташкил этиш орқали улардаги лойиҳалаш, қидирув, ижодий, ўқув ва когнитив фаолиятини фаоллаштиришга алоҳида ҳисса қўшади. Ёшларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини ошириш, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида ижодкорлиги юқори истеъдодларни кашф этиш ва уларнинг ижодий фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилади.

***“Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази” фаолияти орқали яратилган ижодий муҳит натижасида:***

- Фаннинг замон талабларига мослаштириш имконияти юзага келади;
- Фаннинг назарий ва амалий асослари мустаҳкамланади, талабанинг дарс жараёнига тез мослашиш даври қисқаришга эришилади;
- Фаннинг долзарб масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлик муҳити юзага келади;
- ўқувчиларнинг рассомлик ва тасвирий санъат соҳасидаги истеъдодларини рўёбга чиқаришда кўмаклашилади;
- ўқувчилар тасвирий санъатга қизиқтирилади, ўзаро ҳамкорлик алоқаси кучаяди, кафедранинг жозибадорлиги ошади;
- Мактаб ўқувчилари педагоглик касби ва тасвирий санъатга қизиқтирилади;
- Талабаларда касбий ва ижодий кўникмалар ривожлантирилади;
- “Ўргатиб-ўрганамиз” лойиҳаси доирасида талабаларга касбий ва ижодий фаолияти бўйича мотивация берилади ҳамда ўзига ишончи мустаҳкамланади:

- 1-курсда – билимга чанқоқлик, меҳнатсеварлик, ирода, қатъият;
- 2-курсда – фидойилик, ташаббускорлик, ташкилотчилик;
- 3-курсда – инновацион фикрлаш, ижодкорлик, яратувчанлик, масъулият ҳисси пайдо бўлади;
- таълим жараёни бевосита амалиёт билан боғланади, талабаларда тадбиркорлик фазилатлари тарбияланади;
- мутахассис кадрларнинг рақобатбардошлиги ошади, ижтимоий-иқтисодий шароитга мослашувчанлиги таъминланади;
- ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши таъминланади;
- тайёрланаётган мутахассис кадрлар малакаси меҳнат бозорининг замонавий талаблари даражасига кўтарилади, кафедра учун қўшимча маблағ топиш йўлга қўйилади;
- мутахассислик фанларини замон талабларига мослаштириш имконияти юзага келади
- фаннинг назарий ва амалий асослари мустаҳкамланади, талабанинг дарс жараёнига тез мослашиш даври қисқаришга эришилади;
- фаннинг долзарб масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлик муҳити юзага келади;
- битирувчиларда иш берувчилар талабларига мос зарур билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилинади;
- Институт рейтинги ва кафедра рейтинги кўтарилади, профессор-ўқитувчилар жамоаси илмий-тадқиқот ишларига жалб этилади;

Ўқувчилар ва талабаларнинг ижодий қобилияти ва ижодий фаолиятга бўлган хоҳишини шакллантириш таълим муассасадаги таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини оширади.

"Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази"да қўшимча машғулотлар ва ижодий тўгараклар фаолиятини ташкил этиш орқали ижодий муҳит яратилади. Унда интерфаол шакллар ва ўқитиш усулларидан фойдаланиш, талаба ва ўқувчиларга материални қулай, қизиқарли, жонли ва мажозий шаклда етказиб бериш имконини беради, ўқув



ва ижодий фаолиятга бўлган қизиқишини оширишга ёрдам беради. Ижодий кўникмаларни сифатли ўзлаштириш, билим олишга нисбатан қизиқишни уйғотади, коммуникатив, шахсий, ижтимоий, интеллектуал компетенсияни шакллантиради.

Юқорида амалга оширилган ишлар натижасига таянган ҳолда таълим муассасасида яратилган "ижодий муҳит" талабалар ва ўқувчиларнинг ижодий кўникмаларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга деган деган хулосага келиш мумкин.

Кластер ёндашуви орқали ижодий муҳит яратиш ва ўқитиш технологияларни жорий этишнинг пухта ўйланган услубий тизими талабалар ва ўқувчиларнинг ижодий кўникмаларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши амалда ўз исботини топди деб хулоса қилиш мумкин.

Кластер ёндашуви орқали таълим муассасаларида ижодий муҳитни ташкил этиш ва ижодкорликка йўналтириш ўқувчилар ва талабаларнинг ижодий фаолияти учун қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилиши мумкин, бу жараёнда профессионал ва махсус маҳорат, бадиий ва ижодий қобилиятлар шаклланади ва мустаҳкамланади.

## 2.2. Илмий ва ижодий тўгаракларнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни.

Дунёда юз бераётган бугунги глобаллашув жараёнлари барча соҳалар каби замонавий таълимни ҳам муваффақиятли ташкил этишда узвийлик ва узлуксизликка эътибор қаратишни талаб этади. Бугунги кунда фан ва техника тараққиёти таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Турли соҳа вакиллари томонидан ихтиро қилинаётган оламшумул кашфиётлар, ахборот алмашинувининг тезлашиши, компьютер технологияларининг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий жабҳалар қаторида таълим соҳасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. XXI аср бежизга "Интеллектуал ёшлар асри" деб номланмаган. Чунки, юртимиз келажаги айнан мана шу ёшлар, уларнинг билими, интеллектуал салоҳиятига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам эртанги кун эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама билимли ва салоҳиятли, танлаган касбининг моҳир устаси бўлиши учун

юртимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шундай экан ёшларнинг тўғри тарбия топишида, миллатимиз ва ватанимизга садоқат руҳида улғайишида, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб турибди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Чирчиқ давлат педагогика институти узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш, замонавий талабларга мослаштириш, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим фан ва ишлаб чиқариш бўғинлари ўртасидаги тарқоқликни бартараф қилиш мақсадида узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказишни ўзининг асосий мақсади сифатида танлаб олди. Педагогик таълим кластерини шакллантириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги "Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 213-сон Қарори билан айнан бизнинг институтга юкланди.

Шунинг учун ҳам таълим турлари ўртасида ўзаро назорат, рақобат ҳамда манфаатлари бирдек қондирилишининг таъминланиши зарур бўлган янги механизм[41] яратилиши долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига қўйилган.

Қисқа фаолияти давомида таълим кластери бўйича бугунги кунда ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизмлари ишлаб чиқилди ва институтимизда ўттизга яқин илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Буни "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончаси ва "Модулли мактабгача таълим лаборатория"си мисолида кўришимиз мумкин. Тасвирий санъат кафедраси томонидан ташкил қилинган "Мактаб-лаборатория"лар ҳам институтимиз илмий-тадқиқот йўналишининг бир тармоғи сифатида фаолият олиб бормоқда. Бу борада тадқиқотчиларимиздан У. Хўжамқулов педагогик

[41] Мухамедов Г.И. "Таълим тизими вилоят салоҳиятига мос эмас... Нега?","Тошкент ҳақиқати" газетаси 2020 йил 19 февраль №15 (13276);



таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини такомиллаштиришнинг умуммий масалаларини ўрганган бўлса, бўлажак тарбиячи-педагоглар касбий мотивацияни шакллантириш технологияларини такомиллаштириш (З.Ш. Тешабаева), талабаларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг назарий-педагогик асосларини такомиллаштириш (Курбанова А.Т), кластер ёндашувига асосланган мактаб малакавий амалиёти воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини шакллантириш (Қаршиева Д,Э.), бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини мустақил ишлар жараёнида шакллантириш (Қурбонова М.Ф.) йўллари устида изланишлар олиб боришган. Бу тадқиқотлардан фарқли бизнинг тадқиқот ишимиз айнан тасвирий санъат таълимида кластер ёндашувини қарор топтириш ва ўқитиш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Белгиланган бу вазифаларни фақат ўқув машғулотлари жараёнидагина амалга оширишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Ушбу тадқиқот ишида ўқув жараёнига татбиқ этилган кластер ёндашуви ва ўқитиш технологияларини қўшимча машғулотлар, илмий ва ижодий тўгараклар фаолияти орқали мустаҳкамлаш кўзда тутилади. Шу билан бирга талабаларнинг аудиторияда эгаллаган назарий билимлари ҳам мустаҳкамланади, ташаббускорлик, қиёсий таҳлил қилиш амалий кўникмалари ривожлантирилади. Талабалар ўртасида ўзаро соф рақобат уйғотиш, истеъдодли ўқувчилар орасида энг иқтидорлиларини саралаб, уларни қизиққан йўналишлари бўйича пухта тарбиялаш ва уларга зарур кўникмаларни бериб борилади.

Бундан ташқари талабалардаги ташаббускорлик, билим олишга бўлган ижодий фаоллигини ошириш, уларда ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида мустақил равишда изланиш учун мотивация ҳосил қилиш, турли илмий, ижодий йўналишларга қизиққан талабаларни бир мақсад йўлида бир жамоага бириктириш мақсадида кафедрамиз қошида "Талабалар ижодиёти" клуби ташкил этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тасвирий санъат таълим тизимига нисбатан инновацион ёндашув сифатида таклиф этилаётган таълим кластерининг янгилиги, илмий-назарий асосланганлиги, субъектлари аниқлаштирилганлиги, ушбу ёндашувнинг таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтиришдаги аҳамияти, таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни ошириши, таълим сифатини бошқаришдаги зарурати назарий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тасвирий санъат таълимига кластер ёндашувини жорий этиш бўйича асосий ва ёрдамчи воситалар, қўлланмалар, ўқув-услубий ва дидактик материлларни ишлаб чиқишда талаба ва ўқувчиларнинг ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш мезонлари, кўрсаткичлари, яратилган электрон ўқув-услубий мажмуа, ишлаб чиқилган дастурий таъминот ишланмаларидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Институтимизда таълим кластери орқали нафақат мактаблар билан ҳамкорлик доирасида, балким, президентимиз томонидан илгари сурилган "Бешта муҳим ташаббус" бўйича ҳам кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ҳар қандай билимларни ўзлаштириш ўқувчининг турли хил маълумот манбаларидан фойдаланган ҳолда мустақил равишда билим олиши мумкин бўлган ўқув фаолиятини ўзлаштиришига асосланади. Шундан келиб чиқиб ўрганишни ўргатиш - маълумотни ўзлаштириш ва тўғри ишлов беришни ўрганиш учун фаол ёндашувнинг асосий мазмуни ҳисобланади.

Тасвирий санъат ўқитувчиси фақатгина назарий билим бериш билан чекланмайди, балки ёшлардаги ижодий қобилиятларини ривожлантириб хаётий кўникмаларини тарбиялайди. Бунда ўқув технологияларининг янги шаклларидан бири ҳисобланган муаммоли вазиятлар яратилиб, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши фаоллаштирилади ва кўникмалари шакллантирилади. Юзага келган қарама-қаршиликларни ҳал қилишга бўлган ҳаракати орқали улардаги назарий билимларни амалиётда қўллаш мумкин



бўлган мустақил фаолиятга йўналтирилади. Бундай вазиятлар яратиш натижасида ўргатишнинг касбий билимлар, кўникмалар, ижодий ва ақлий қобилиятлар ривожлантириладиган самарали усули амалга оширилади.

Ўқув жараёнида турли вазиятлар яратиш методидан фойдаланиш талабалар ҳамда ўқувчиларга ижодий кўникмаларни намойиш этиш ва такомиллаштириш, дарсда олган назарий билимларни амалиётда қўллаш имконини беради. Ушбу усул ҳаётда учрайдиган муаммоларни ҳал қилишдаги ноаниқликларни кўриш, ҳис қилиш имкониятини беради.

Бунинг барчасининг ечими сифатида кафедрада "Устоз-шогирд" тизими йўлга қўйилган. Ушбу тизим орқали эса умумий мақсад ва ва муаммонинг ечимини ишлаб чиқиш учун индивидуал қарорлар қабул қилиш, жамоада ишлаш кўникмаларини ҳосил қилади.

Тасвирий санъат кафедрасида кластер ёндашувига асосланган "Ўргатиб-ўрганамиз" лойиҳаси дастури ишлаб чиқилган. Бу лойиҳа бўйича кафедрада "Талабалар ижодиёти" клуби ташкил этилди. Бу клуб кафедрада ташкил этилган барча илмий ва ижодий тўгараклар, талабалар раҳбарлик қиладиган мини тўгараклар фаолиятига бошчилик қилади, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, барча жараённи умумлаштириб, таълим-тарбия жараёнида вужудга келган муаммоларини ҳал қилишда талабаларга ёрдам кўрсатади. Тўгарак раҳбарларига тўгаракнинг низоми ва дастурларини ишлаб чиқишда яқиндан кўмаклашади. Талабалар илмий конференциялари, ижодий кўргазмалар, КВН мусобақалари ташкиллаштиради, ҳар хил танловлар уюштиради, байрам ва тадбирларда кафедра номидан клуб аъзолари бўлган талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаб беради. Талабалар бажарган ижодий ишларидан кўргазмалар уюштириш, тайёрланган маҳсулотларни сотувга қўйиш, пуллик хизматлар кўрсатиш каби тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги таклифларни беради.

"Устоз-шогирд" тизими орқали назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш




"Устоз-шогирд" тизими орқали назарий билимларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган бундай ёндашув "Ўргатиб-ўрганамиз" тамойили асосида ишлайди. Профессор-ўқитувчилардан таълим оладиган иқтидорли фаол талабалар ўзлаштириши паст талабаларга мавзуларнинг тушунмаган жойларини тушунтириш, уни ўзлаштиришда, мустақил таълим бўйича вазифаларни бажаришда яқиндан ёрдам беришади. Ўзлаштира олмаганларга ўргатиш натижасида:

- ўзи билган нарсаларни бошқаларга етказиб бера олиш орқали педагогик касбий кўникмалари шаклланади;

- тушунтириш учун соҳага оид керакли атамаларни эслаш, мулоқот жараёнида бошқаларга тушунтириш орқали мушоҳада қилишга ўрганади;

- билганларини бошқаларга етказишда билмаган маълумотларни топиш, ўргатишда йўл қўйган камчиликларини тўғирлашга ҳаракат қилиш орқали ўзи ҳам изланади ва ўрганади. Кластер ёндашувига асосланган мана шундай усулда талабаларнинг касбий малакалари шаклланиб боради.

Тенгдошларидан ўрганиш, улардаги ютуқларни кўриш таъсирида ўзлаштириш кўрсаткичи паст бўлган талабаларда интилиш пайдо бўлади. Илғор талабаларга нисбатан ҳавас уйғонади. Амалда бирга ишлаб, мулоқот



кўникмалари шаклланиб боради, ўз имкониятларини ҳис қилиши билан бирга ўзининг ҳам уддалай олишига ишонч ортади, тортинчоқлиги йўқолади. Бошқалар иши ва ўз иши ва фаолиятига нисбатан танқидий фикрлаш кўникмалари тарбияланади.

Талабалар билан бирга ишлаган ўқувчиларда ОТМда ўқиш ва тасвирий санъатга бўлган қизиқиши ошади.

Педагогика олий ўқув юртлари тасвирий санъат йўналишидаги ўқув жараёнида талабалар қаламтасвир, рангтасвир, композициядан кўплаб ўқув-вазифалар бажаришади. Улар машғулотларда рангтасвирда ишлашнинг энг зарур қонун-қоидалари, ишлаш техникаларини ўзлаштиришади. Талабаларнинг машғулотлардаги илк бажарган ўқув вазифалари табиийки таълим жараёнига тегишли бўлган ўқув вазифаси бўлиб, у ижодий ишларга кирмайди. Рангтасвир машғулотлардаги натурадан бажарилган (натюрморт, портрет, қиёфачи гавдаси) ишларни тугатиш якунида профессор-ўқитувчилар томонидан кўрик қилиниб, бажарилган ишлар баллик тизимда баҳоланади. Одатда бундай баҳоланганда талабаларнинг тасвирий санъатга классик усулларни ўрганишга оид керакли маҳоратларни эгаллаганлигига эътибор қилинади. Лекин ҳар доим ҳам яхши баҳоланган ўқув вазифалари талабанинг шахсий ижодий имкониятлари даражасини очиб бераверmайди. Бу ишларда тасвирланаётган объектга талабанинг шахсий муносабати сезилмайди, эътибор билан ишлансада кузатувчининг назарида ҳар доим нимадир етишмаётгандек туюлади. Камдан-кам ҳоллардагина ушбу ишларда рассом шахсиятига хос характерли хусусиятларини кўриш мумкин. Шунинг учун кўпинча натурадан ишланган оддий қоралама ва қисқа муддатли ранглавҳалар асосий ишларга қараганда жонлироқ ва жозибадорроқ чиқади. Ижодий изланишга оид вазифалар бажариш, эскизлар қилиш босқичи ва композицион изланишларида талабаларнинг ҳиссий ва ақлий тафаккурлари фаоллашади. Ҳаттоки талабаларнинг мустақил равишда ўзига хос композициялар яратиш жараёнида ҳам кўплаб ижодий ғоялар пайдо бўлишини кузатиш мумкин. Талабанинг келгусидаги тасвирий санъатни

ўқитиш, кўргазмалар ташкиллаштириш, ўқувчилари ишларини тўғри баҳолаш каби касбий фаолиятга тайёр бўлиши учун уларни ижодий ишлар бажариш ва уни тарғиб қилишга ўргатиш зарур. Ижодий кўргазмаларда ўзлари яратган турли мавзудаги ижодий ишлари билан мунтазам иштирок этишлари, уларнинг юқори малакага эга эканлигидан дарак беради. Турли кўргазма ва танловларда қатнашишлари боис келажакда таълим берадиган ўқувчилари ҳам маънавий озуқа оладилар, ҳамда билимлари яна ҳам чуқурлашиб, шу соҳа бўйича республикамиздаги ўрта-махсус ёки Олий таълим муассасаларидан бирига кириб ўқишни давом эттиришга бўлган қизиқишлари ортади.

Ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллашда муҳим ўрин тутиши тажриба жараёнида синаб кўрилган.[42] Ижодий ишлашда тафаккур тезлиги, фикр бойлиги, юқори бадиий жозибадорликка эришишга интилиш каби хислатлари билан талаба ўзидаги ижодкорликни намоён этади. Бу билан ўзи учун ҳаётдаги янги имкониятлар эшигини очиб боради. Машғулотдаги стандарт талаблардан тубдан фарқ қиладиган бошқа материал ёки ўлчамларда ўзига хос ижодий композициялар яратиш ўқув вазифага нисбатан ижодий қизиқишнинг пайдо бўлишига туртки бўлади. Талабаларнинг энг сара ўқув ишлари ҳамда мустақил ишлари олий ўқув юрти микёсидаги кўргазмаларда намойиш қилиниши уларнинг ижодий ўсишлари учун жуда зарур. Кўргазмага қўйилган ўз ишларини бошқаларнинг ишлари билан солиштириш, томашабин нигоҳини ҳис қилиб, уларнинг муҳокамаларини эшитгандан кейингина ижодкор-талаба ўз ижодий ишига объектив баҳо бера олиши мумкин.

"Тасвирий санъат" кафедрасида таълим бериш методикаси бўйича талабаларни ҳар хил ижодий танловларда иштирок этиш, кўргазмаларда

---

[42] Гулямов К.М. касб-ҳунар коллежларида халқ амалий санъатини ўқитиш методикаси (наққошлик санъати мисолида)Т-2012. 61-Б.



қатнашишга йўналтириш учун эркин тарбия технологиясига кўпроқ эътибор берилади. Эркин тарбия технологияси - бунда талабага барча йўналишлар бўйича эркин танлаш ҳуқуқи берилади. Танлаш давомида талаба субъект нуқтаи назаридан ўзлигини намоён қилади ва натижага ташқи таъсирдан эмас, балки ички туйғу воситасида эргашади.[43] Бу ички эҳтиёж кўргазмаларда намойиш этиш мақсадида ижодий асарлар яратиш, образли тасвирлашга интилиш талабаларни ўзлари яхши кўрган мавзулар ва ижодий ғояларни излашга илҳомлантиради, уларнинг ижодий фаоллашишларига сабаб бўлади. Улар кўргазмага иш тайёрлаш учун кўплаб эскизлар бажаришади, ҳар хил материалларда ишлаб тажрибалар қилишади. Ҳар хил материалларда ишлаб тажриба тўплаш, янги ижодий иш яратишда ажойиб усуллар ва методлар излаб топиш эса амалда кенг кўламли бадиий ижодкорлик фаолиятининг шарти ҳисобланади. Тасвирий санъат йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун ўз ижодий тажрибалари натижасида ҳар хил композициялар яратиш қобилиятлари чарxланади. Бу фаолиятлари давомида тасвирлашнинг ҳар хил усул ва техникаларида ишлаш малакаларини амалда синаб кўришади.

Талабаларнинг мустақил ижодий асарлар яратиш устидаги меҳнати тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларидаги ўқув жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Лекин талабаларнинг ўқиш жараёнида яратган асарлари кўргазмаси методик жиҳатдан жуда зарур ва маъсулиятлироқ ҳисобланади. Чунки бу ижодкор талабаларни билим олишга, ўз устиларида янада кўпроқ ишлашга, ижодий мақсадда янги тадқиқотлар олиб боришга ундайди. Тадқиқот эса бу - талабалар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар йиғиндисидан иборатдир.[44] Ундан ташқари ўзи ҳурмат қилган, идеал деб билан устоз педагоглар ва ўртоқлари томонидан ижодий

---

[43] Аҳмадалиев А. М,. проф., Қосимов А. Х. "ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР" Ўқув қўлланма 33 бет. Тошкент-2006

[44] Л.В. Голиш «Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш» Экспресс қўлланма Т. ТАСИС, 2001 йил.-59 бет.

ишининг баҳоланиши уларга жиддий таъсир кўрсатади. Кўргазмаларнинг тез-тез ўтказиб турилиши, танловларнинг уюштирилиши эса талабаларни янги ижодий ишлар яратиш, режалаштирилган кўргазмаларга тайёр туриш учун фаоллаштиради. Бу тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигидаги энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланиб, улардаги янгидан-янги композициялар яратиш иштиёқини оширади.

"Талабалар ижодиёти клуби" фаолияти бу жиҳатдан ўзининг натижадорлиги, ўқув жараёнидаги таълим сифатига ижобий таъсири билан катта аҳамиятга эга.

Фаол таълим бериш усули орқали талаба-ёшлар ва ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятлари рағбатлантирилади[45]. Айнан, ижодкорликка йўналтириш билан ўқувчиларнинг билим олишга бўлган фаоллиги оширилади, уларда бажараётган ижодий ишларидан қониқиш ва руҳий кўтаринкилик ҳосил бўлади. Ижодий фаолиятни ташкил этиш, ўқувчиларни тасвирий ва амалий санъатга қизиқтириш эса маънавий қўллаб-қувватлашнинг имкониятлари янада кенгайтиради.

**"Талабалар ижодиёти" клубининг мақсади ва вазифалари**

**Клубнинг мақсади:** "Талабалар ижодиёти" клубини ташкил этишдан асосий мақсад: талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш, уларда ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида мустақил равишда изланиш учун мотивация ҳосил қилиш, турли илмий, ижодий йўналишларга қизиққан талабаларни бир мақсад йўлида бир жамоага бириктириш.

**Клубнинг вазифалари:**

- Ҳар хил йўналишда фаолият кўрсатаётган тўгараклар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш.
- талабалар гуруҳига илмий, ижодий ишлар бажаришга раҳбарлик қилиш;
- талабалар фаолиятида мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- кўргазмалар, танловлар ва КВН мусобақалари уюштириш.

[45] Султанов Х.Э. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун тасвирий санъат машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш /Замонавий таълим илмий-амалий, оммабоп журнал// Т. №11 -2016. Б.-59-65.;



- ОТМ-мактаб-МТМ тизимида фаол ва тезкор ўзаро алоқани йўлга қўйишда кафедра жамоасига кўмаклашиш;
- талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш;
- талабалар ҳаётида мавжуд муаммоларни аниқлаб уларни бартараф этишга ёрдам бериш;
- талабаларнинг билим олиш жараёнини тадқиқ қилиш;
- иқтидорли талабаларни хорижий ва республика кўрик танловларига, фан олимпиадаларига тайёрлашда кафедра жамоасига кўмаклашиш;
- иқтидроли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш;
- талабаларга қўшимча касб-ҳунар эгаллашга қизиқтириш, уларни тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;
- бўлажак ўқитувчиларда ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда дарсларни замонавий талабларга мос равишда тўғри ташкил этиш бўйича мактаб ўқитувчиларининг фикрини ўрганиш.

Шунингдек, тасвирий санъатни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, фаннинг мазмуни ва тузилиши, ўқитишнинг метод ва ташкилий шакллари, воситаларини танлаш ва ишлаб чиқиш, бошқа фанлар билан алоқаси, мавзуларнинг мазмуни ва уларнинг кетма-кетлиги, тушунчаларни шакллантириш йўллари, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш бўйича тавсиялар, тасвирий ва амалий топшириқлар мазмуни ва ўрни каби масалалар ҳақида фикр алмашиш.

Бу жараёнда кластеринг ўрни қандай? Деган савол туғилиши мумкин. Мисол келтирамиз: "Сеҳрли мўйқалам", "Ёш мусаввир" тўгаракларида уйга вазифа, мустақил таълим вазифалари учун манзара, натюрморт, портрет композициялари ишлаш билан бирга Талабалар турар жойларини ўз ижодий асарлари билан безатишади. "Нафис санъат" ва "Китоб графикаси" тўгараги аъзолари турли мавзуларда китобларга график расмлар ишлаш, миниатюра

рангтасвири бажариш билан бирга "Ёғоч ўймакорлиги" тўгарагида ишланган ёғоч қутичаларга миниатюралар чизишади, "Моҳир қўллар" тўгарагида ясалган қўғирчоокларга нозик ишлов беришади. Компьютер графикаси ва дизайн. Тўгараги аъзолари "Макет лойиҳаси" тўгараги лойиҳалари учун эскизлар бажариш билан бирга, умумий кўргазмалар, танловлар учун афишалар, таклифномалар, буклетларни лойиҳалаштиради. Шунингдек, "Китоб графикаси" тўгарагида режалаштирилган китоблар дизайнини қилишади. "Ижодий тафаккур" тўгараги аъзолари эса худди шу жараёндан ўзларининг илмий мақолалари учун маълумотлар олишади. Натижада ўз-ўзидан жараённинг рекламаси амалга оширилади. Шундан кўриниб турибдики, бутун "Ижодий устахона" машғулоти жараёни умумий мақсадни амалга оширишга йўналтирилади. Бу ерда барча тўгарак аъзолари ўз ижодий кўникмаларини ривожлантириш, мустақил таълимни амалга ошириш билан бирга кафедра жамоаси ва ўзи учун манфаатли вазифаларни бажаради.

Ушбу клуб таркибида "Ижодий тафаккур" илмий тўгараги, ўқитувчилар раҳбарлигидаги 4 та ижодий тўгарак ва 4 та талабалар раҳбарлик қиладиган мини-тўгараклар фаолият кўрсатади. Илмий тўгаракда клуб ва кафедранинг фаолиятини назарий томондан ёритиб, илмий тадқиқотлар билан шуғулланадиган иқтидорли талабаларни бир жойга тўплайди. Уларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилади. Бу тўгаракнинг асосий мақсади талабаларни тасвирий санъат таълимида мавжуд муаммоларни ўрганиш, назарий таҳлил қилиш, илмий конференция материаллари, илмий тўплам ва илмий журналларда унинг ечимига оид таклифлар ёритилган илмий мақола ҳамда тезислар билан фаол иштирок этишга кўмаклашишдан иборат. Улар ўз ижодларини авваломбор кафедрада ташкил этиладиган "Ижодий Академия" илмий-оммабоп, бадиий-ижодий онлайн журналида чоп этишади. Журналда талабаларнинг илмий-оммабоп мақолалари, ибратли ҳикоя ва шеърлари билан бирга энг янги ижодий ишларидан намуналар ёритиб борилади.

Таълим кластери (мактаб-лаборатория майдончалари) ҳамкорлигида умумий ўрта таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларга асосланиб



миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш тасвирий санъат кафедраси илмий йўналишининг асосий мақсади этиб белгиланган. Бунинг учун ўқувчилар илмий тафаккурини ошириш ва ҳунар ўрганишга йўналтиришнинг илмий асосларини яратиш лозим. Бу эса ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қисқа қилиб айтганда талабаларнинг бошқаларни ўргатишга бўлган ҳаракатлари натижасида ўзлари ҳам кўпгина илмий – ижодий ва амалий кўникма ва билимларга эга бўлиб боришади. "Талабалар ижодиёти" клубини ташкил этиш орқали, тажрибада талабаларнинг ижодий фаоллиги ошганлиги, уларда ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида мустақил равишда изланиш учун мотивация ҳосил бўлганлигини кузатиш мумкин.

Ушбу фаолият тасвирий санъат фанларини ўқитиш учун жуда муҳим саналган ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиради. Кафедрада ташкил этилган бу клуб фаолияти орқали ижодий тўгаракларга бошқа йўналиш талабалари, маҳалладан банд бўлмаган ёшлар ва мактаб ўқувчиларини ҳам жалб этилади.

Ижодий тўгараклар фаолияти орқали талабаларга моддий кўмак бериш мақсадида "Тадбиркор-талаба" клубини ташкил этилган. Унда жамоат ва хусусий уйларни жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўргатиш, биноларни безатиш, юбилейлар учун совға сифатида корхоналар, шахсий коллекциялар учун буюртма асосида мойбўёқ, акрил, акварель бўёқларида тасвирий санъат асарлари (манзара, портрет, натюрморт) яратишни йўлга қўйиш, институт миқёсида профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг туғилган кунларида совға учун рангли ва бир хил рангда (график ашёларда гризайль, сухой кисть) портретлар ишлаш йўлга қўйилади.

"Китоб графикаси" тўгараги – талабаларга графика санъати сирларини ўргатиш, МТМ тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари учун китоблар, бадиий асарларга ҳамда талабалар томонидан ёзилган шеър ва мақолаларига иллюстрация расмлари чизиш, тўгарак қошида мини нашриёт (8-

микрорайондаги "National art & design center" Миллий санъат ва дизайн маркази) ташкил этилади.

Карантин пайтида Тасвирий санъат кафедраси ижодкор ўқитувчилари ҳамда талабалар ("Ёш муссаввир", "Сеҳрли мўйқалам", "Китоб графикаси", "Амалий санъат" тўгараклари раҳбарлари ва аъзолари) институт 3-биносининг ички пештоқига "Асрларда тобланган асл маърифат" деб номланган (30 м.кв.) маҳобатли рангтасвир композицияси ишлашди. Талабалар картинани ишлашда нафақат устозларига ёрдам беришди, балки маҳобатли рангтасвир композицияси яратишдаги муаммони ҳал қилиш ва бошқаларни (бошқа талабалар ва ўқувчилар) ўзларининг ҳаракатларига жалб қила олиш кўникмаларига ҳам эга бўлишди. Композиция яратиш жараёнида улар перспектива, колорит, асосий ғоя, олтин кесим тушунчаларига эга бўлишди ва картинани яратишда муаммонинг турли хил бадиий ечимлари мавжуд эканлигини англаб етишди. Бу ерда кафедранинг ижодкор рассом-педагоглари ўз фикрларини сингдирмаган ҳолда талаба ва ўқувчиларга эркин мулоҳаза юритиш, баҳслашишга йўл қўйиб беришди, тўғри томонга йўналтириб, керакли жойда "мастер-класс"лар кўрсатиб, уларга яқиндан ёрдам беришди. Иш бошиданоқ талаба ва ўқувчиларга қарор қабул қилиш ўзларининг зиммасида эканлигини, шошқалоқлик билан қарорлар қабул қилишнинг оқибатларини тушунтирилди.

Устоз ва шогирд ўртасидаги ҳамкорлик тамойилидаги асосий эътибор талаба ёки ўқувчининг ҳаракатлари тайёр билимларни ўзлаштиришга эмас, балки амалий жараён орқали уни янада ривожлантиришга қаратилди. Бундай фаолият натижасида фақат билимларни эгаллаш эмас, балки ишни тўғри ташкил этиш, тасвирий санъат ашёлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш, касбий ахлоқини ривожлантириш билан бир қаторда ўқув-тарбиявий ишлар ҳам амалга оширилди. Бундай кўникмалар эса шубҳасиз, талаба-ўқувчиларнинг келажакдаги касбий фаолияти учун замин яратади.

Бу жараёнга аста-секин бошқа йўналиш талабалари ҳам жалб этилади. Кафедрада илмий салоҳиятни ривожлантириш Нашриётда талабаларнинг



тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида турли тарихий ва яроқсиз холга келган фотоларни реставрация қилиш; интерьер ва экстерьерларни бадиий безатиш хизматларини йўлга қўйилади. Бу жараёнда талабалар график расмлар чизиш билан бирга, АКТ (Adobe Photoshop, Illustrator, CorelDRAW, Adobe InDesign) дастурларида китоб лойиҳалаштиришни ўрганади. Ва унда яратилган болалар китобларни сотувга қўйиш орқали ўзини ўзи молиявий таъминлашни йўлга қўйилади.

"Амалий санъат" каби ижодий тўгараклар ўқитувчилар томонидан бошқарилиб, тасвирий санъат турлари бўйича талабалар ижодий-амалий фаолият билан шуғулланишади. буюртма асосида амалий санъат асарлари: совға учун миниатюра ва ёғоч ўймакорлигидан шкатулка, лавҳлар, митти ҳайкалчалар яратиш, сотувга қўйиш учун сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Табиийки, бу билан ПТИКнинг амалиётдаги татбиғи амалга ошириб келинмоқда. Бу жараёнда ҳаммаси оддий, барча ижодий тўгараклар ўз вазифасини бажариб боради, шу билан бирга бир-бирининг ривожланишига ёрдам беради. Қанча самарали ишласа шунча ўзини-ўзи молиявий таъминлаш имкони кенгаяди. Илмий тўгарак барча тўгараклар фаолиятини назарий ўрганиш, жараённи таҳлил қилиш, ундаги ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш орқали ўзларидаги назарий билимларни кучайтиради ҳамда тўгараклар орасидаги ижобий рақобат вужудга келиши, орқада қолмаслик учун янада ҳаракат қилиб ўз-ўзини ривожлантиришга сабаб бўлади.

"Тасвирий санъат", "Ёғоч ўймакорлиги", "Нафис санъат", "Макет лойиҳаси" мини тўгарагини бошқариб келаётган талабалар "Ўргатиб-ўрганамиз" тамойили асосида талаба ва ўқувчиларга ижод сирларини ўргатишмоқда. Талабаларимиз ёшларга ҳунар ўргатиш билан бирга, чиқарган маҳсулотларини сотиб, ўзларини молиявий таъминлашни ҳам йўлга қўйишган. Катта ёшдаги акалари, опалари бўлган – талабалар билан биргаликда ижодий фаолият билан шуғулланиш ўқувчиларга ижобий таъсир

кўрсатиб, улардаги санъатга бўлган қизиқишларини оширмоқда. Қатнашишни истаган ўқувчи-ёшлар сони кун сайин ортиб бораётганлигини кузатмоқдамиз. Бу тўгаракларнинг фаолияти институт профессор-ўқитувчилари ҳамда “Талабалар ижодиёти” клуби томонидан назорат қилиниб, уларга керакли маслаҳатлар, методик материаллар билан кўмаклашилмоқда.

Қуйидаги бажариладиган ишлар барчаси шу жараён орқали амалга оширилади. Барча ижодий тўгараклар ўз вазифасини бажариб боради, шу билан бирга бир-бирининг ривожланишига ёрдам беради. Қанча самарали ишласа шунча ўзини-ўзи молиявий таъминлаш имкони кенгаяди. Илмий тўгарак барча тўгараклар фаолиятини назарий ўрганиш, жараённи таҳлил қилиш, ундаги ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш орқали ўзларидаги назарий билимларни кучайтиради ҳамда тўгараклар орасидаги ижобий рақобат вужудга келиши, орқада қолмаслик учун янада ҳаракат қилиб ўз-ўзини ривожлантиришга сабаб бўлади.

Кафедрада ташкил этилган турли ижодий тўгараклар фаолияти, тўгарак аъзолари томонидан кўплаб ижодий кўргазмалар уюштирилиши мисолида ҳам бунга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу тўгаракда нафақат кафедра талабалари, балки бошқа факультет, институт, коллеж талабалари (бакалавр, магистрлар) ҳам ижодий асарлар яратиш билан шуғулланишади. Улар томонидан бажарилган ишларнинг кўргазмаларини уюштириш жараёни шуни кўрсатадики, ўз ижодий ишлари сифати ва мазмунининг томошабинлар томонидан бошқа муаллифлар ишлари қаторида эътироф этилиши талабаларда ўзига ишонч уйғотади. Тадбирни уюштириш жараёнида уларнинг ижодий жамоа сифатида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш кўникмалари шаклланади. Ижодий ҳамкорликдаги кўргазмалар уюштирилиши талаба ва ўқувчиларда ўзларини ҳақиқий ижодкор сифатида ҳис этиш, иқтидорига нисбатан фахр туйғусини уйғотади. Ижодий ишларини кўргазмаларга тайёрлаш, санъат асарларига нисбатан ҳурмат-эътибор билан қараш, уларни асраб-авайлаш кўникмаларини ривожлантириш орқали



талабаларга тўғри таълим бериш билан бирга уларни келажакдаги педагогик фаолиятга ҳам тайёрлайди.

Педагог учун талаба ва ўқувчиларнинг ҳар қандай ижодий ишига, уларнинг хато-камчиликлари, ютуқларига эътибор билан одилона муносабатда бўлиш жуда муҳим. Бинони кўргазма ўтказиш учун тайёрлаш, жиҳозлаш, кўргазма иш режаси ва мезонларини аниқлаш, экспозиция, католог, этикеткаларни тайёрлаш, байрамона руҳда очилиш маросими, томошабинлар билан ишлаш каби кўргазмалар ташкиллаштириш жараёни, талабалар касбий тайёргарлигининг асосий факторларидан бири ҳисобланади ва улардаги ташкилотчилик тажрибаларини оширади. Бу орқали талаба ва ўқувчилар ташкилий ишлардаги махсус ҳаракатлар, ускуналар билан ишлаш ва технологияларни ўзлаштириш кўникмаларига эга бўладилар. Аслида ҳам талабалар келгусидаги касбий фаолиятларидаги ўқувчи ва тарбияланувчиларининг ҳамда ўзларининг шахсий кўргазмаларини ташкил этиш учун амалий тажрибаларини ошириб боришлари жуда муҳим. Кўргазмалар асосан одамлар гавжум жойларда уюштирилади, у ердаги маданий ва тарбиявий муҳит кўргазма қатнашчилари ва томошабинларнинг ўзини тутиш маданиятини ривожлантиради. Тасвирий санъат ҳақидаги билимларини оширади, маънавий дунёқарашларини кенгайтиради.

Кенг томошабинлар оммасига мўлжаллаб ташкиллаштириладиган бундай кўргазмалар талабалар учун руҳий озуқа ҳамдир. Уларда ўз ишларига нисбатан маъсулият пайдо бўлади. Ишлари ҳақида ўзгалар муҳокамасини чидам ва босиқлик билан тинглаш, мулоҳаза қилиш тажрибалари ошиб, характерлари руҳий жиҳатдан шаклланиб боради. Кўргазмадаги асарлар тўғрисидаги шахсий фикрини бошқалар фикри билан солиштириш, ҳамкасблари ва томошабинлар билан маълум асарлар мазмун-моҳияти, ахлоқий аҳамияти, ижодкорликдаги маҳорат ва замонавий санъат ҳақидаги ҳар хил мулоқотлар ва таасуротлар хотирада бир умрга муҳрланиб қолади. Кўргазмани оғзаки муҳокама қилиш орқали санъат асарларига бадиий баҳо бериш кўникмаси ва маълум бир экспонатларни ёки умумий кўргазмани

таҳлил қилиш тажрибалари ошади, ижодкорликнинг натижаларини тушуниб етишига, тасвирий санъат қонун-қоидалари, “композициядаги яхлитлик, ғоялар моҳиятини англаб етиш, янги ғоялар излаб топишга олиб келади” [46][3, с. 133]. Кўргазмалардаги шундай ижодий мулоқотлар талабалардаги коммуникатив компетенциялари даражасини оширади. Кўргазма ва ундан олган таасуротлари ҳақидаги мақолалар тайёрлаш улардаги касбий кўникмалар, назарий тадқиқотлар қилиш малакаларни эгаллашларига сабаб бўлади. Танловлар талабаларни аттестация қилишнинг бошқача шакли бўлиб, унда талабаларнинг ишлари бошқа қатнашчиларнинг ишлари билан солиштириб кўрилиб, холис ҳайъат аъзолари томонидан яширин ёки ошкора баҳолаб чиқилади.

Танловлар касбий компетенцияга (чуқур билимга асосланганлик) тегишли бўлиб, касбий маҳоратларини чархлайди. Бу талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини аниқлаш мезони ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси улардаги руҳий маданияти ва ҳайъат аъзоларининг қарорига нисбатан ҳиссий таъсирининг мослашувини тарбиялашга хизмат қилади. Кўргазма ва танловлар талаба ва ўқувчилардаги ютуқ ва омадсизликларни тўғри қабул қилиб, тўғри хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантиради. Бу талабани ҳақиқатга тик боқиш, ижодкор сифатида олқишлар олиш ёки тан олинмасликни ўзида синаб кўришга мажбур қилади. Бу ҳам келажакдаги ижодий ва педагогик фаолияти учун руҳий тайёргарлик жараёни ҳисобланади.

Республикамизда тасвирий санъат йўналиши учун энг маъсулиятли ва қизиқарли танловлардан бири бу албатта, анъанавий Халқаро тасвирий ва амалий санъат фестивали ҳисобланади. Бундан ташқари институтда кафедра жамоаси талаба ва ўқувчилар биргаликда қатнашадиган Республика миқёсидаги ижодий танловлар ва бадиий кўргазмалар ташкиллаштрииши

[46] Гринько С.Д. Повышение качества профессиональной подготовки будущий учителей при взаимодействии вуза и музея // Актуальные вопросы современного университетского образования: Материалы Российско-американской научно-практической конференции, 14-16 мая 2007 г. СПб.; Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2007. 652 с.



анъана тусига кириб бормоқда. Фестивалда талабаларга шахсий ижодий даражаларини бошқа ОТМ талабалари даражаси билан солиштириб кўриш имконини яратса, танловда эса бошқа гуруҳ, шаҳар, вилоят ҳаттоки чет эллик тенгдошлари билан ижодий беллашиш имконияти бўлади. Турли танловларга тайёргарлик даври, танлов жараёнида олинган фотолар, ижод жараёни, танлов афишаси, ижодий ишларини саралаб кўргазмадан сўнг ўзларининг портфолиосини тайёрлашлари мумкин. Бу беллашув жараёнидаги бир қанча ҳаяжонли ҳолатларга чек қўйиб, энди унинг ижодий фаолиятини муҳрловчи ҳужжат сифатида хотирада қолади. Бундай ижобий тажрибалар тасвирий санъат машғулотларига қизиқишнинг ошиши, таълим самарадорлигига эришишга олиб келади.

Талабалар ва ўқувчиларнинг ижодий кўргазмалари ва танловлар кафедра, факультет, университет таълим тизимининг бошқа турдош ОТМлар, ўртасида, шаҳар, туман, вилоят, Республика миқёсида нуфузи ошишига олиб келади. Бу эса институт жозибадорлигини ошириш учун катта аҳамиятга эга. ОТМлардаги тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш усулларидан бири бўлган танловлар, ижодий кўргазмалар ташкиллаштириш натижасида ўқув жараёни фаоллашиб, талаба ва ўқувчилардаги ўз устида ишлаш кўникмаларининг ривожланишини таъминлайди. Бундай усуллар айниқса машғулотлардан ташқари ижодий тўгаракдардаги фаолияти натижасида янада самаралироқ бўлади. Бу орқали талабалар ОТМ остонасидан нафақат дастурдаги билимлар, балки мустақил ижодий фаолият тажрибаси, ижтимоий-маданий мулоқотга тайёрлик ва олинган тажрибаларни мақсадга мувофиқ амалда қўллай олиш малакаларига ҳам эга бўлишади. Шундай қилиб келажакдаги ижодий ва педагогик фаолиятлари учун пойдевор яратилади, келажакда ўз ўқувчиларига керакли билимлар бериш ва уларнинг ижодий ривожланишларига ёрдам бера олиш каби касбий сифатлари шаклланиб боради.

Тўгаракларнинг тизимли фаолияти орқали талабалар бадиий ижод ва илмий-тадқиқот фаолиятига кириб келади. Ижод жараёнини фото лавҳалар,

видео тасмаларга туширишни мақсад қилган талаба учун ҳам тайёр ижодий муҳит бор. Улар ҳам ўз-ўзидан фаолиятни реклама қилиш жараёнига қўшилади, шу билан биргаликда гўзалликни кўриш, уни қалбан ҳис қилиш кўникмаларига эга бўлади ва буни бошқалар ҳам кўриши учун имконият яратади. Кўргазма буклетлари, театр ва тадбирлар эълонлари, журнал саҳифалари дизайнини яратиш орқали талабалар АКТ воситаларидан фойдаланиб компьютерда дизайнлар бажарган талабалар профессионал дизайнерликни ўрганиш имкониятига эга бўлади. Қисқа қилиб айтганда талабаларнинг бошқаларни ўргатишга бўлган ҳаракатлари натижасида ўзлари ҳам кўпгина илмий – ижодий ва амалий кўникма ва билимларга эга бўлиб боришади. “Талабалар ижодиёти” клубини ташкил этиш орқали, талабалардаги ижодий фаоллик оширилади, ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида мустақил равишда изланиш учун мотивация ҳосил қилинади. Ушбу фаолият орқали тасвирий санъат фанларини ўқитиш учун жуда муҳим саналган ижодкорлик қобилиятлари ривожлантирилади.

Бундай тадбирлар бизга Олий педагогик таълимнинг тасвирий санъат дарсларидан ташқари тўгаракдаги машғулотлар жараёнида талабаларда ижодкорлик малакаларини шакллантириш педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Демак, талабаларнинг ижодий ишларидан кўргазмалар уюштириш, ижодий танловлардаги иштирокини таъминлаш улардаги келгуси фаолиятлари учун касбий ва руҳий тайёргарликлари ошишида методик аҳамияти катта. Тўгараклардаги мустақил қўшимча вазифалар бажаришга интилиш, ижодий изланиш, композициялар учун материаллар тўплашга доир касбий фаоллашиши кўргазма ва танловларнинг талабаларни малакавий шаклланишидаги имконияти беқиёс эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги глобаллашув даврида илмий ва ижодий тўгараклар орқали ёшларнинг вақтларини мазмунли ўтказиш, улардаги билим олиш, касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини қўллаб-



қувватлашда аҳамияти жуда катта эканлиги ўз исботини топди. Талабаларнинг тўгаракда олган билимларни бевосита ўқув жараёнида, мактабдаги педагоглик фаолиятида қўллаш даражасини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар натижасига кўра ижодий амалий фаолият асносида улардаги ижодкорлик, меҳнатсеварлик, сабр-қаноатлилик фазилатлари тезроқ шаклланиши, ижтимоий тармоқдаги фаолликлари ошиши кузатилди, амалий ишлар бажариш орқали тадбиркорлик сифатлари пайдо бўла бошлади.

Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн маркази фаолияти орқали “амалиёт-тўгарак-тадбиркорлик” шиори остида ўқув жараёнидаги амалиёт тадбиркорликка мослаштириб борилади.

Педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга қўллаш натижасида бир томонлама мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим бўлган кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш ҳамда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминланишига шароит яратилади.

Иккинчи томондан давлат таълим стандартлари талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш масалалари ҳал этилади.

Илмий тўгаракларда онлайн шуғулланиш орқали ўқувчи-ёшлардаги тафаккур маданияти ўсиб, гўзалликка нисбатан ҳиссий муносабатлар кучайди, мақсадли интилиш пайдо бўлди.

Катта ёшдаги акалари, опалари бўлган – талабалар билан биргаликда ижодий фаолият билан шуғулланиш ўқувчилар маънавий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳар қандай таълим муассасаларида мана шундай клублар, илмий ва ижодий тўгараклар, студиялар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан бутун узлуксиз таълим тизимидаги ўзаро алоқани кучайтириб, уларнинг ҳамкорлигида ёшларнинг фаоллиги оширилади ҳамда маънавий тарбиясининг ижобий томонга ўзгаришида катта натижалар беради деб ҳисоблаймиз.

Тасвирий санъат таълимига нисбатан кластер ёндашуви узлуксиз таълим тизимида самарали ўзаро таъсир ўтказиш, муаммоларни яхшироқ тушуниш, минтақада ривожланишнинг илмий асосларини режалаштириш имконини беради деган умумий хулоса чиқариш мумкин.

## III БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИДА КЛАСТЕР ЁНДАШУВ АСОСИДА МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

### 3.1. Тасвирий санъат таълимида қўлланилиши тавсия этиладиган технологиялар ва усуллар

Ҳозирги вақтда ҳар хил “шов-шувлар”га қизиқиши баланд, лекин, билим олиш, янгиликларга интилиши суст, миллий ва маънавий қадриятларга нисбатан эътиборсиз, лоқайд ёшларнинг кўпчиликни ташкил қилиши таълимдаги энг ачинарли масалалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш ва таълим бериш ҳозирги пайтда таълимнинг бош вазифаси этиб белгиланган. Ижодий жараён шахсиятни тарбиялашдаги асосий қурилмалардан бири ҳисобланади.



Талабаларнинг ижодий имкониятлари фаолият жараёнидаги ҳар турдаги вазифаларнинг ечимини топишда ривожланади. Юзага келган муаммоли вазият ҳар бир инсон учун тасвирий санъатда объектив (холис) ёки субъектив (нохолис) акс этиши мумкин бўлган қатъий ва аниқ ечимлар қабул қилишни талаб қилади.

Талабалардаги ижодкорликка тегишли бўлган тасаввурни ривожлантириш ва фантазияга бўлган мойилликларига моънелик қилмаслик керак. Замонавий таълимда мустақилликка рағбатлантирадиган ёки педагог томонидан янги билимларнинг ўзлаштиришга, талабалардаги ўзининг қобилиятига бўлган ишончни кучайтирадиган муаммоли ўқитиш усулларини кенг қўллаш керак бўлади. Амалиёт шуни кўрсатадики муаммоли усуллар орқали олинган билимлар, анъанавий усуллар орқали олинадиган билимларга хос бўлгани каби ижодий жараённи сусайтириш таъсирига эга эмас.

Шу пайтгача миллий педагогикада фойдаланилиб келинган анъанавий усуллар аста-секин илғор хорижий тажрибалар билан бойитилиши, таълимга нисбатан замонавий инновацион ёндашувларни олиб кирилишига бугунги кунда долзарб масала сифатида қаралмоқда. Педагогикага нисбатан механик ёндашувда талабалардаги ностандарт фикрлаш, турли вазиятларда муаммонинг ечимини топа олиш, мустақил фикрлашини ривожлантиришга эътибор қаратилмайди, уларнинг ижодий фикрлашларига нисбатан рағбатлантириш кам. Анъанавий ўқитиш услубларида таълим фақатгина "ўқитувчи - талаба" ёки "ўқитувчи - талабалар гуруҳининг ўзаро алоқасига таянилади. Ностандарт фикрлашни ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитишда эса бунга қўшимча равишда мулоқот "талаба-талаба" (жуфтлик билан ишлаш), "талаба - талабалар гуруҳи" (гуруҳларда ишлаш), "талаба-тингловчилар" ёки "талабалар гуруҳи"нинг - аудитория "(гуруҳларда ишлашни тақдим этиш)," талаба-компютер", "талаба-санъат асарлари" каби ўзаро алоқа тамойилига асосланади.

Ходжамқулов У.Н. ўзининг илмий-тадқиқот ишида кишиларнинг одатий фикрлаш тарзига номувофиқ, ғайриоддий фикрлаши, ноодатий усул

ва йўллар билан хулосалар чиқариши; вазиятдан чиқишнинг ҳатто ғайритабиий, аммо энг мақбул муқобилларини излаб топиш, масалалар ва ҳодисаларга нисбатан ҳар доим ижодий фикрлаш орқали ёндашиш кўникмаси[47] ностандарт фикрлашга хослигини таъкидлайди.

Тасвирий санъат таълимида кластер ёндашувини татбиқ этишда, ўқитишнинг анъанавий методларидан воз кечиш, талабаларнинг ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш учун имкон даражасида ижодий муҳит яратиш, уларнинг ижодий тафаккури, бадиий тасаввурини кучайтириш учун ноодатий фикрлаш ва ижодкорлигини рағбатлантирувчи инновацион методлардан фойдаланиш тавсия этилди.

Шу мақсадда мазкур жараёнга жалб қилинган ўқитувчиларга дарс машғулотларини олиб боришида фойдаланишлари учун тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу тавсиялар "Педагогик синергия" илмий-амалий семинарларида муҳокама қилиниб, сўровномалар орқали институт профессор-ўқитувчилари, умумтаълим мактаби ўқитувчиларининг фикрлари ўрганиб чиқилган. Унга кўра тасвирий санъат таълимида кичик гуруҳларда ишлаш методлари ва "САН", "АЖИЛ" (амалиётда жамоавий ижодий ишлар), "Кластер" ва Ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш мумкинлиги ва унинг самарадорлиги аниқланди.

**"САН" технологияси**

(учлик – самарали, ахлоқий, назокатли)

Технологиянинг мақсади: талабаларда якка, жамоавий, гуруҳ бўлиб ишлаш, ижодий ва ташкилотчилик фаолияти кўникмаларини, ишга маъсулият билан ёндашувни шакллантириш, безаш кўникмаларини ривожлантириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ўқитувчи талабалар аудиториясини ўтказиладиган машғулотнинг тартиб – қоидалари билан таништиради ва талабаларни 3 кишидан иборат гуруҳларга ажралишларини таклиф қилади.;

[47] Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи педагогика фанлари доктори (Doktor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши 180 б.



Кичик гуруҳларда талабалар композиция машғулотининг қуйидаги

1) Мавзули натюрморт композицияси эскизи устида ишлаш.

2) Манзара композицияси эскизи устида ишлаш.

3) Портрет композицияси эскизи устида ишлаш мавзулари бўйича ишлашади. Ҳар бир гуруҳ вакили стол устидан мавзулар ёзилган карточкаларни танлаб олади.

Топшириқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

– талабанинг иш столи мавзусида натюрморт композицияси ишлаш, ёз ноз–неъматлари мавзусида натюрморт, уй–рўзғор буюмлари иштирокидаги тушликка тайёргарлик мавзусидаги натюрморт композицияси ишлаш;

– куз манзараси, менинг қишлоғим, қурилишда мавзули композиция ишлаш;

– талаба портрети, мен севган инсонлар мавзусида, спортчи мавзусидаги композиция ишлаш.

– Кичик гуруҳларга мавзунинг эскизини ишлаб тақдимотга тайёрланишлари учун 60 минут, уни материалга ишлаш ва тугаллаш ишлари учун қолган соатлар маълум қилинади. Тайёргарлик вақти тугаб, тақдимот бошланади. Тақдимот вақтида талабалар ўзларининг тайёрлаган эскизлари билан барчани таништирадилар, асослайдилар ва жамоавий ижодий гуруҳдаги ўз вариантларини ҳимоя қиладилар. Тақдимот тугагач, умумий муҳокама бошланади. Муҳокама жараёнида талабалар ўз эскизлари мавзуларига тегишли талабларни аниқлайдилар, ўқитувчи ёки алоҳида тузилган ижодий гуруҳ эса талабалар томонидан билдирилган фикр ва таклифларни махсус тутилган дафтарга қайд қилиб борадилар.

**Ўқитишнинг "Кластер" усули**

Кластер (ғунча, боғлам) усули педагогик, дидактик цратегиянинг муайян шакли бўлиб, у талабаларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади.

"Кластер" усули аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу усул муайян мавзунинг талаба ёки ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқитишнинг кластер усулида очиқлик, ошкоралик ва самарага интилиш методлари бирламчи ҳисобланади. Унга кўра, таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасида ҳамкорлик асослари бирламчи бўлади. Ўқитувчи назарий ва амалий кўникмаларни бериш билан чекланмайди, аксинча, ўқувчининг амалий ўзлаштирганлик даражасини ўрганиб боради. Шу сабабли ўқитишнинг кластер усулида таълим иштирокчиларининг вазифалари аниқ бўлади. Бунда ўқитувчи мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи вазифасини ҳам бажаради[48].

Кластер" методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда талабалар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

- Кластер" ва Ҳамкорликда ўқитиш технологиялари орқали талабаларни фаоллаштириш керак. "Талаба-талаба" (жуфтлик билан ишлаш), "талаба - талабалар гуруҳи" (гуруҳларда ишлаш) алоқасига таянилган ҳолда, ўқув машғулотлари, турли илмий ва ижодий тўгараклар фаолиятини ташкил этиш лозим. Ушбу ҳолатда "талаба-талабага Устоз, талаба-талабага шогирд", "Ўргатиб-ўргатамиз" тамойиллари асосида ижодкорлик фаолиятига қизиқиши баланд, ижодий тафаккури ривожланган, меҳнатсевар, ўз фикрига эга лекин, бошқалар билан мулоқот қилишда қийналадиган талабаларга ўзларининг мини-ижодий тўгаракларини очиш имкониятини яратиш

[48] О.М. Жабборова Н.Н. Бозоров Ўқитишнинг кластер усули ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 1 | ISSUE 4 | 2020: – 373-377 б.



мақсадга мувофиқ бўлади.

- Ушбу талабалар имкониятидан тўғри фойдаланиш мақсадида тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази кластер ёндашуви асосида барча курс талабалари биргаликда ижод қиладиган "Ижодий устахона" машғулотларини уюштирилади.

"Устоз-шогирд" тизими орқали назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш




"Устоз-шогирд" тизими орқали назарий билимларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган бундай ёндашув "Ўргатиб-ўрганамиз" тамойили асосида ишлайди. Профессор-ўқитувчилардан таълим оладиган иқтидорли фаол талабалар ўзлаштириши паст талабаларга мавзуларнинг тушунмаган жойларини тушунтириш, уни ўзлаштиришда, мустақил таълим бўйича вазифаларни бажаришда яқиндан ёрдам беришади. Ўзлаштира олмаганларга ўргатиш натижасида:

- ўзи билган нарсаларни бошқаларга етказиб бера олиш орқали педагогик касбий кўникмалари шаклланади;

- тушунтириш учун соҳага оид керакли атамаларни эслаш, мулоқот жараёнида бошқаларга тушунтириш орқали мушоҳада қилишга ўрганади;

- билганларини бошқаларга етказишда билмаган маълумотларни топиш, ўргатишда йўл қўйган камчиликларини тўғирлашга ҳаракат қилиш орқали

ўзи ҳам изланади ва ўрганади. Кластер ёндашувига асосланган мана шундай усулда талабаларнинг касбий малакалари шаклланиб боради.

Тенгдошларидан ўрганиш, улардаги ютуқларни кўриш таъсирида ўзлаштириш кўрсаткичи паст бўлган талабаларда интилиш пайдо бўлади. Илғор талабаларга нисбатан ҳавас уйғонади. Амалда бирга ишлаб, мулоқот кўникмалари шаклланиб боради, ўз имкониятларини ҳис қилиши билан бирга ўзининг ҳам уддалай олишига ишонч ортади, тортинчоқлиги йўқолади. Бошқалар иши ва ўз иши ва фаолиятига нисбатан танқидий фикрлаш кўникмалари тарбияланади.

3.2. Контраст фонда турли шаклли ва ҳар хил фактуралии буюмлардан тузилган натюрмортнинг рангтасвирини бажариш дарс ишланмаси

### 1.1. МАШҒУЛОТИНИНГ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| Вақти – 15 соат | Талабалар сони 23 нафар |
|---|---|
| Ўқув машғулотининг шакли | Визуал, амалий |
| Амалий машғулотининг режаси | **Мавзунинг мақсади ва вазифалари:**<br>1.Талабаларга рангтасвирда натюрморт ишлаш тартиби, натуранинг характерли жиҳатларини кўриш, таҳлил қилиш ва ишга ижодий ёндашиш компетенсиясини шакллантириш.<br>2. Рангтасвирда натюрмортни босқичли кетма-кетликда тўғри бажариш малака ва кўникмаларни шакллантириш ва натурага ижодий ёндашишга ўргатиш. |
| ***Педагогик вазифалар:***<br>- Мавзу бўйича машғулотнинг мақсад – вазифаларини тушунтириш.<br>- ранг контрасти, қарама-қарши рангларнинг оптик хусусияти, мувозанати ва ўзаро таъсири ҳақида тушунчалар бериш.<br>- вазифани босқичларда бажариш, ранг контрасти, уларнинг оптик хусусияти, мувозанати ва ўзаро таъсири ифодаланишини назорат қилади. | ***Ўқув фаолиятининг натижалари:***<br>- Берилган вазифа ва ундан кутилаётган натижалар ҳақида тушунчага эга бўлади.<br>- Композиция қонун-қоидалари асосида контраст фонда турли шаклли ва ҳар хил фактуралии буюмлардан тузилган натюрморт рангтасвирини амалда босқичма-босқич бажаради,<br>- вазифани босқичларда бажариш, ранг контрасти, қарама-қарши рангларнинг оптик хусусияти, мувозанати ва ўзаро таъсири ҳақида тушунчага эга бўлади |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Акварель бўёғида ишлаш техникаси, репродуктив, “маҳорат дарси” видео ролик намойиши. |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув услубий мажмуа, ўқув қўлланма, проектор, кўргазмали қуроллар, натура учун буюмлар, акварель бўёғи, қоғоз тортилган планшет, мольберт, мўйқалам, 2 та сув учун идиш. |
| Ўқитиш шакли | Жамоавий, индивидуал. |
| Ўқитиш шарт-шароитлари | Рангтасвир ишлаш машғулотлари учун жиҳозланган аудитория |



### ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

| Босқичлар вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1-босқич Кириш (20 мин.) | 1.1.Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади<br>1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (1- | 1.1. Тинглайди, эслаб қолади.<br>1.2. Тинглайди, эслаб қолади.<br>1.3. Тинглайди, жавоб |

| | | |
|---|---|---|
| | илова)<br>1.3. Портрет ишлашда ғоя аҳамиятлими? 1) ҳа, 2) йўқ.<br>1.4. БББ жадвали (2- илова) | беради<br>1.4. жадвалнинг 1, 2 шаклларини тўлдиради |
| 2-босқич. Асосий (910 мин.) | 2.1. Амалий ишлашга рухсат беради.<br>2.2. Ўқув фаолиятини мувофиқлаштиради, маслаҳат беради, йўналтиради. | 2.1. Амалий вазифани бажаришга киришади.<br>2.2. Ўқув топшириғини бажаради. Амалий ишлаш билан бирга назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаб боради. |
| 3-босқич Якуний (20 мин.) | 3.1. Машғулотга якун ясайди, ўқув фаолияти натижаларини умумлаштиради.<br>3.2. Якуний кўрик ташкил қилади. Талабалар билан бажарилган иш натижаларини таҳлил қилади, баҳоларни эълон қилади. Олинган билимларнинг келгусидаги касбий ва ўқув фаолияти учун аҳамиятини қайд этади<br>3.3. Мавзуга оид адабиётлар билан таништиради (3 - илова) | 3.1. Эшитади, ўз фикрларига аниқлик киритади.<br>3.2. бажарилган ишларни таҳлил қилади, баҳолашда иштирок этади.<br>3.3. Эшитади. Ёзиб олади. |

Натюрморт турли шаклли ва ҳар хил фактуралии буюмлардан танланган бўлиб, контраст рангли фонда қўйилади. (4-расм. (а.б,в,г)). Ўқув вазифаси: ранг контрасти, қарама-қарши рангларнинг оптик хусусияти, мувозанати ва ўзаро таъсирини ўрганиш. Табиий ёруғлик (баланд ва ёндан). А-2 форматдаги қоғозда. Материал – акварель. Таянч иборалар Мувозанат, контражур, ранг доғлари, силует, композиция текислиги.



**Режа**

1.Барча буюмлар жамланмаси ва алоҳида буюмларни қоғоз сатҳида композицион жойлаштириш;

2.Умумий ранг-тусларини аниқлаш;

3.Натурадаги умумий катта тус ва ранг нисбатларини бериш; 4.Буюмларнинг ҳажмдорлигига ишлов бериш, ёруғ-соя кўламларини аниқлаш ва фазовий перспективани ҳисобга олиб ишлов бериш; 5.Ранглавҳани туғаллашдаги умумлаштириш босқичи; ранглавҳадаги асосий ва иккинчи даражали бўлакларини аниқлаш; барча майда бўлакларни умумийга бўйсундириш.

Натюрморт материали, шакли, ўлчами ва ранг контрастлиги бўйича ҳар хил буюмлардан танланган бўлиб, холис рангли фонда қўйилади. (4-расм. (а.б,в,г).

Ўқув вазифаси: ранг контрасти, қарама-қарши рангларнинг оптик хусусияти, мувозанати ва ўзаро таъсирини ўрганиш.

Табиий ёруғлик (тепадан ва ёндан). Натюрморт тасвири А-2 форматдаги қоғозда акварел бўёғида бажарилади.

***Таянч иборалар: Мувозанат, контражур, ранг доғлари, силует, композиция текислиги.***

**Режа**

1. Барча буюмлар жамланмаси ва алоҳида буюмларни қоғоз сатҳида композицион жойлаштириш;
2. Умумий ранг-тусларини аниқлаш;
3. Натурадаги умумий катта тус ва ранг нисбатларини бериш;
4. Буюмларнинг ҳажмдорлигига ишлов бериш, ёруғ-соя кўламларини аниқлаш ва фазовий перспективани ҳисобга олиб ишлов бериш;
5. Ранглавҳани туғаллашдаги умумлаштириш босқичи; ранглавҳадаги асосий ва иккинчи даражали бўлакларини аниқлаш; барча майда бўлакларни умумийга бўйсундириш.

Контраст рангли буюмлардан натюрморт композицияси тузганда уларнинг бир-бирига таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак. Уларни ўзаро палапартиш жойлаштириш қўйилмани ранг-баранг кўрсатиб, композиция яхлитлигини йўқотиб қўйиш мумкин. Шунингдек илк натюрморт қўйилган ўқув қўйилмаларда кўк, сариқ, қизил, яшил каби бир неча контраст рангларни қўйиш ҳам тавсия этилмайди. Энг яхшиси аввалги натюрморт қўйилмасининг узвий давоми кўринишида бўлса мақсадга мувофиқ бўлади.

Унинг асосини бир хил рангдаги буюмлардан ташкил этиб, улар бир-иккита контраст ранг доғларидан иборат бўлади. Рангли матодан иборат фон бу ерда контрастлик ҳолатини яратиши мумкин.

Ушбу натюрмортнинг ўқув вазифаси – шаклларнинг контрастлик ва ранг хусусиятларини аниқлаш, улар ўртасидаги рефлекс алоқаларини ўрганишдан иборат. Рангни идрок этиш – ҳамма вақт ҳам ўзлаштириб бўлмайдиган мураккаб жараён. Нафақат ўзаро қўшимча ранглар, балки қўйилмага илиқ-совуқ нисбатлар киритиш билан ҳам контрастликнинг ўзаро таъсирини яратиш мумкин. Буюмлар сони ҳамда фазовий жойлашиши бўйича бир тусдаги бир неча ранглар гуруҳи (илиқ ва совуқ) натюрморт тузишда асосий меъзон бўлиши керак. Композициядаги бошқа қисми эса унга қўшимча ва шу билан биргаликда унга мувозанат яратиш учун хизмат қилади.

Қўйилиши ва ёритилиш хусусиятларини ўзгартириш орқали натюрморт рангтасвирида контрастлик комбинациялари имкониятларини нисбатан батафсил очиб бериш мумкин. Ёруғликка қарши қўйилган (контражур) ёки ёруғлик тўғри йўналтирилган (ёруғлик бўйича) қўйилмага ранг контрастларининг ўзаро таъсири орқали композицияга қизиқарли тус берилади. Бу ҳолда рангларнинг нисбатан нозик уйғунлашуви, туслар нисбатларини аниқ олиш талаб қилинади. Натюрмортни тасвирлашда буюмнинг оддий кўриниши эмас, балки ранг кучи ва ранг доғларининг жозибадорлиги ҳамда у жойлашган атроф-муҳит билан умумий таъсири муҳимроқ. Қандайдир рангни тўғри ва жозибадорлиги орқали у жойлашган



муҳит билан алоқасини ифодалаш рангтасвир ишлаш методикаси учун асос қилиб олинади.

Замонавий рангтасвирда картина биринчидан композиция ғояси ва ички мазмуни; иккинчидан композициянинг умумий тузилиши ва ташқи ранг ечими каби икки даражада баҳоланади. Ўйлаб режа асосида ишланган композициядан кутилмаганда мукаммал рангтасвир асари пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда биз ҳар куни кўриб юрган оддий кўринишни рангда ҳар хил усулларда бадиийлаштирилиб тасвирланганда томашабин учун у янада қизиқарлироқ бўлиб кўринади. Рассомлар композициянинг бешта асосий унсурлари: чизиқ, шакл, ранг, силует ва фактура ёрдамида бадиий образлар яратади. Бу унсурлар композиция текислигида нафақат икки (бўйи ва эни) ўлчамли, балки, кўринишдаги картина жозибадорлигини оширувчи реал чуқурлик (фазовий бўшлиқ) ҳиссини бериб учинчи ўлчамни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади.

Ўз хусусиятига кўра чизиқлар кўз қарашини юзадаги бир нуқтадан иккинчи нуқтага ёки бутун перспектив бўшлиққа диққатни йўналтириш вазифасини бажаради. Чизиқлар оч тўқлиги (туснинг ўзгариши), оч осмон фонида тўқ дарахт шакли (қарама қаршилик) кўринишларида бўлиши мумкин. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, чизиқлар (ҳатто у қора бўлса ҳам) қандайдир рангга эга бўлиб, у орқали мўйқаламда текис юза бўйлаб (кўндаланг чизиқлар) юритилиб шакллар ҳам ифодаланади.

Чизиқ ва ранг бир хил тўқликда, тусда бўлса шакл фақат икки ўлчамли кўринишга эга бўлади. Четки чизиқлар нарсанинг силуетини кўрсатиб узоқ тоғ кўринишлари, дарахтлар тўдаси каби шаклларни аниқлаб беради. Нарса четидаги ҳар хил ўлчамдаги ва тўқликдаги, ҳамда ҳар хил рангдаги чизиқлар, бир бирига қарама қарши шаклларнинг биргаликда ифодаланиши тасвирнинг томашабин учун қизиқарли бўлишига ёрдам беради.

Рангтасвир учун шунчалик муҳим аҳамиятга эга бўлган ранг ҳам аслида мавжуд бўлиши учун унга аниқлик берадиган ҳар хил чизиқ ва шаклларга муҳтож. Юзага тушадиган нур ҳаракати натижасида мияда оптик

ҳис уйғониб рангни субъектив қабул қилади ва рангни идрок этамиз. Рангнинг жилвадорлиги, хиралиги, рангдорлиги ёки кулранглиги, илиқ ёки совуқлиги, ёрқинлиги ёки тўқлиги унинг таъсир кучи белгилайди[49].

Қоғознинг оқ юзаси ва рангнинг энг очдан то энг тўққача бўлган тусларидан фойдаланиб рассом тасвирланаётган буюмнинг нафақат шакли балки ҳажми, ёруғ–сояси, фазода жойлашиши ва ҳар бир материалнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаши мумкин.

Оқ, кулранг ёки қора қўшиб ҳар қандай кўк ранг хусусиятини (тус ва ранг жиҳатдан) ўзгартириш мумкин. Ранглар диаграммасини кузатар эканмиз 100 фоизлик турли 4 хил ранг туси синаб кўрилган[50].

**I босқич:** Рангтасвир композициясини бажариш натурани синчиклаб ўрганиш, тасвирлаш учун унга нисбатан энг қулай жойни танлашдан бошланади. Энг яхшиси, асосий ишни бошлашдан олдин бир нечта ранглавҳалар (французчада Этуде – ўрганиб чиқиш) натурани ўрганиб чиқиш учун ишланадиган тасвир) бажариш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан кейингина қоғоз юзасида натюрмортни тўғри жойлаштириш, энг маъқул композицион ечимини топиш вазифаси амалга оширилади. Қоғозга тасвирланаётган натюрморт композицияси сатҳда бир томонга оғиб қолмасдан яхлит кўринишга эга бўлиши учун оч ва тўқ ранг суртмаларининг ўзаро уйғунлиги асосига қурилиши керак. Ранглавҳада композисянинг конструктив қурилиши, перспектив кўринишини тўғри тасвирлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзаро нисбатлар ечимини аниқ топиш ва унда барча қисмларнинг тўғри жойлаштирилиши ҳам жуда муҳим. Бу босқичда ишни учли қилиб тарашланган қаламда босмасдан, нозик чизиқлар орқали катта шакллар ҳажмининг конструктив тузилишига эътибор берган ҳолда композиция юзага жойлаштириб олинади.

[49] Suzanne Brooker The elements of landscape oil painting : techniques for rendering sky, terrain, trees, and water. Published in the United States by Watson-Guptill Publications, an imprint of the Crown Publishing Group, a division of Penguin Random House LLC, New York. 2015. s 47.
[50] Suzanne Brooker The elements of landscape oil painting : techniques for rendering sky, terrain, trees, and water. Published in the United States by Watson-Guptill Publications, an imprint of the Crown Publishing Group, a division of Penguin Random House LLC, New York. 2015.s-149.



Акварелда қуруқ ва ҳўл қоғозларга ишлаш усулидан фойдаланиш мумкин. Акварел бўёғи қуруқ қоғозда қоғознинг оқлигидан фойдаланиб буюмларнинг шаклини берадиган шаффоф рангларда акс этади. Бу усул билан ишлашда қуруқ юзада акварел тезда сўрилиб, рангларнинг сўниб қолишини эсдан чиқармаган ҳолда биз оч ранглардан тўққа қараб боришимиз керак. Аввал кўпроқ кенг ва катта ранг суртмаларида оч жойларга, аста–секин тўқ жойларни ишлашга ўтилади.

Ҳўл қоғозларда ишлаш техникасида шаклларнинг четлари ювилиб кетиб уларга ноаниқроқ кўриниш беради. Бунда барча чегаралар ҳатто орқадаги фон ҳам мавҳумроқ кўринишга эга бўлади. Қоғоз қанча ҳўл бўлса шунчалик бўёқлар суюқлашиб тасвирлар шакли мавҳумроқ бўлиб боради. Ҳар доим қоғознинг намлик даражасига эътибор қилиб бориш зарур, иш жараёнида мўйқалам ёки сув шимадиган мочалка ёрдамида қоғоз юзасидаги ортиқча суви шимдириб олинишини назорат қилиб бориш керак. Аммо ҳўл қоғоз деганда юзасида ҳалқоб сувлар билан қоғозни тушунишимиз керак эмас. Қуйида бу икки услубга доир ишлар мисол қилиб келтирилган, уни кузатар экансиз у усуллар ҳақида сизда аниқроқ таасурот пайдо бўлади[51].

Мувозанат, ритм, ҳар хиллик, яхлитлик ва қарама қаршилик каби унсурлар жамланмасидан композициядаи ҳаракат ҳиссини бериш учун фойдаланилади. Бу омиллардан ўз жойида фойдаланиш картина ва ундаги образга нисбатан томашабиннинг қизиқишини оширади. Рассомнинг ҳиссий сезгиси композициянинг асосий қонун қоидаларига амал қилган ҳолда бу унсурлар ва қоидаларнинг қайси биридан қандай фойдаланиш кераклигини аниқлашига ёрдам беради. Композицияда бу қоидаларни қўллашдаги иккиланиш янги ижодий экспериментлар қилишга халақит беради. Рангтасвир картиналари яратишда бу унсурларнинг барчаси мавжуд бўлсада, аммо баъзиларига кўпроқ урғу берилади.

Бир хил ранг суртмаларини қоғоз юзасидаги турли жойларида такрорлаш билан ҳам композицияда ҳаракатни ифодалаш мумкин. Шу билан

[51] Paramon Edisionis, «Curso Completo de Dibujo y Pintura Artistica». SA, Barselona, Ispaniya 1992: s-66

бирга композиция унсурларини (ранг ва шакл) уйғунлаштириш орқали ҳаракат ҳиссини берилади. Шунингдек ҳар хилликни юзанинг силлиқликдан ғадир-будурликкача ёки нарсанинг ўлчамдаги ўзгаришлари мисолида ҳам ифодалаш мумкин. Рангтасвирда томашабиннинг кўз қарашини керакли томонга йўналтириш учун композициядаги барча элементлар биргаликда ишлайди[52].

Алла прима техникасида ишлаш усули. Бу техника акварелнинг бутун фазовийлик ва гўзаллик хусусиятларини очиб беради. Бўёқни битта қатламда ёпиш билан тезликда ишлашни ўрганамиз. Бу ерда сиздан дадиллик ва маҳорат талаб қилинади. Шунингдек суюқликнинг ёпувчанлик хусусиятидан фойдаланишни ўрганамиз. Нам қоғоз устидан гуллар букети рангтасвирини ишлаймиз. Бунда қоғоз юзасида акварелнинг эркин ёйилишига йўл қўйиб берилса, ишда ажойиб эффектлар ҳосил бўлади. Бу ердаги энг асосий ҳаракат ижодкорлик ва эксперимент қилишдан чўчимаслик, ўз мақсадига эришишига ишонч бўлиши керак.

Қуруқ қоғозларда рангтасвир ишлаш технологияси акварелдаги ўзига хос хусусиятларга эга бўлган хўл қоғозларга ишлашдан фарқ қилади. Акварелда "қуруқ" қоғозга ишлаш усули анъанавий усулларга тегишли.

Иш жараёнида тез-тез натурадаги ёруғ қисмини соядагилари билан, оч ва тўқ қисмларини фон билан солиштирган ҳолда энг тўқ ва энг оч жойларини аниқлаштириб борилади. Композициядаги барча буюмлар, ёритилган қисмига туташиб кетган соя жойлари, умумий колорит ечимини топишга қаратилган ранг-тусларга ишлов бериб бориш керак бўлади.

Натурадаги жисмлар ҳажмини соядан бошлаб, аста-секин ярим сояларга кейин композициянинг бошқа оч қисмларга ишлов беришга ўтилади. Бунинг мақсадга мувофиқлик томони шундаки, тасвирнинг соя қисмидаги туслар изчиллигини топа бориш билан бирга натюрмортдаги катта ҳажмлар шакли тузилиши ечимини ҳам ҳал қилиб борилади.

[52] Suzanne Brooker The elements of landscape oil painting : techniques for rendering sky, terrain, trees, and water. Published in the United States by Watson-Guptill Publications, an imprint of the Crown Publishing Group, a division of Penguin Random House LLC, New York. 2015. s 45



Ранглавҳа соя қисмига ранг суртмаларини қўя бориб, композициянинг умумий ранг-тусини аниқлашга ёрдам берувчи, сояга туташган орқадаги фон қисмларига ҳам бирдан ишлов бериб бориб, кейин ёруғ қисмига туташ умумий фонни ишлашга ўтилади. Бу ранг суртмаларни тўғри қўйиб бориб шаклнинг ёруғликдаги ҳажмни чиқариб боришда ёрдам беради.

**II босқич:** Натюрмортнинг умумий шакли ва бўлаклари шакл, ҳажм, ранг ва тус жиҳатдан нисбатлари аниқлаштириб борилади. Лекин майдалаб ишлашга берилиб кетиб ҳам бўлмайди. Майда бўлаклар ранглавҳа ҳолатинниг умумий туслари билан уйғунлашиб кетиши керак ва бош шаклининг узвий бўлаги сифатида кўриниши лозим. Натюрмортдаги мевалар, идишлар ҳамда фондаги асосий тусларни аниқлаб, катта юзаларга ишлов берилади. Улардаги ранглар секин-аста тўқлаштириб борилади. Картинадаги бошқа бўлакларининг рангини фон ранги ёрдамида тайёрланиб борилса бир-бирига уйғунлашган, илиқ тусдаги композиция ҳосил бўлади. Майда бўлак бўшлиқда ўзининг керакли ўрнини эгаллагандагина яхши кўринади, композициянинг бошқа бўлаклари билан уйғунлашиб, яхлит кўринишга халақит бермайди. Ўқув натюрморти ёки аомпозитсия тасвирининг алоҳида қисмлари, ранги, ўлчами, шаклнинг ўзаро мос келиши, сатх оғирлиги мутаносиблигини ифодалайдиган мувозанат ҳолатини текшириб боринг.

**III босқич:** Яхлит кўринишни назардан қочирмаган ҳолда у ёки бу бўлакка алоҳида ишлов бериб борилади. Шаклни яхлит идрок қилиш кўникмаси - бу жуда осон бажариладиган иш эмас. Лекин бу эскиз ва қисқа муддатли ранглавҳалар бажариб бориш жараёнида тинимсиз шакллантириб бориш лозим бўлган энг муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади. Натюрмортдаги мевалар, турли рўзғор буюмларининг бой рангини кенг ва катта ранг суртмаларида ишлашга ўрганинг. Шуъла тушиб турган жойлар учун оқ қоғозда жой ташлаб кетишни унутманг. Тезда қарама-қарши ранглар, ёркин тус ва оқ доғлар кўринишлари сизни қўшимча ишлов бериш, соя четларини юмшатиш, ювиш ишларини бажаришга ундайди. Бу босқичда

натурадаги умумий катта тус ва ранг нисбатларини аниқлаб, уларга рангларда ишлов бериб борилади.

**IV босқич:** Буюмларнинг ҳажмдорлигига ишлов бериш. Барча буюмлардаги ёруғ-соя кўламларини аниқлаб сояларнинг бир-бирига нисбатан оч-тўқлик нисбатлари топилади. Композициядаги биринчи даражали – асосий ва иккинчи даражали - тўлдирувчи бўлакларни аниқлаб, фазовий перспективани ҳисобга олган ҳолда ранг ва тусларда уларга ишлов берилади. Композициядаги буюмлар ва меваларнинг рангдорлигига ишлов бериб рангларни яхлитлаштириб бориш мақсадга мувофиқ. Ёнидаги жисмлардан ажратиш учун алоҳида бўлакларнинг қирралари тўқлаштиринг, керакли жойини юмшатиб аниқлаштириб боринг. Лекин, рангтасаирда барча нарсаларнинг қирралари тўқ рангларда чегара ҳосил қилиш билан амалга оширилмаслигини ҳам эсдан чиқарманг. Бу ерда фазовий перспективадан ташқари кузатувчи кўз қарашидан масофа ошиб узоқлашган сайин объектлар ўлчамининг кичрайиб боришини ифодалайдиган чизиқли перспективадан ҳам унумли фойдаланиш лозим.

**V босқич:** Энди сиз билан рангланвхани туғаллашдаги умумлаштириш босқичини кўриб чиқамиз. Унда ранглавҳадаги асосий ва иккинчи даражали бўлакларини аниқлаб, барча майда бўлакларни умумийга бўйсундириш ишларини бажарамиз.

Ранглавҳадаги барча майда бўлаклар ва фонга алоҳида ишлов берилганидан кейин бутун композицияни умумлаштириш ишлари бажарилади. Бу бочқичдаги вазифа – бўлакларга ишлаш жараёнидаги хатоларни бартараф этиш, ранглавҳа композициясига мослашмай бўртиб чиқиб қолган жойларни очартириш, хиралаштириш йўли билан умумлаштириш ишларини бажариш ҳисобланади. Бунинг учун қаердадир ортиқча бўёқни олиб ташлаш, қаердадир тусни хиралаштириш, қаердадир шакл ҳаракатини кучайтириш учун керакли ранг суртмаларини қўйиш керак бўлади. Ишни тугатишдан олдин уни кўздан панароқ жойга қўйинг. Озроқ муддат ўтгандан сўнг қараганингизда ундаги камчиликларни кўра бошлайсиз



ва уни тўғирлаш имкониятига эга бўласиз.













**Хулоса:**

Сиз юқорида шаклларнинг контрастлик ва ранг хусусиятларини аниқлаш, улар ўртасидаги рефлекс алоқаларини ўрганишдан иборат бажарилган вазифамиз билан танишдингиз. Бу вазифада контрастликнинг ўзаро таъсирини яратиш учун фақат ўзаро қўшимча ранглар билангина эмас, балки илиқ-совуқ нисбатларда ранг суртмалари қўйиб ишлаш билан ҳам эришиш мумкинлигини кўрдингиз.

Замонавий рангтасвирда картина композиция ғояси ва ички мазмуни ҳамда композициянинг умумий тузилисҳи ва тасҳқи ранг ечими каби икки даражада баҳоланишини билиб олдингиз.

Рассомлар: чизиқ, шакл, ранг, силуэт ва фактура композициянинг бешта асосий унсурлари ёрдамида бадиий образлар яратиши, бу унсурлар композиция текислигида нафақат икки ўлчамли, балки, кўринишдаги картина жозибадорлигини оширувчи реал чуқурлик ҳиссини бериб учинчи ўлчамни ифодалаш учун ҳам хизмат қилиши ҳақидаги билимларга эга бўлдингиз. Сиз билан ўз хусусиятига кўра чизиқлар юзадаги бир нуқтадан иккинчи нуқтага ёки бутун перспектив бўшлиққа диққатни ва кўз қарашини йўналтириш вазифасини бажариши ҳақидаги мисолларни кўриб чиқдик. Шунингдек ҳар хил чизиқ ва шаклларнинг рангтасвир ишлаш учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигига гувоҳ бўлдингиз. Юзага тушадиган нур ҳаракати натижасида кузатувчи томонидан рангнинг субъектив қабул қилиниши ва рангни идрок этишга оид мисоллар билан танишдингиз.

**Мустақил иш учун вазифа.**

Талабага Рангтасвир ва композиция фани мазмунидан келиб чиққан ҳолда мустақил вазифа сифатида қуйидаги шакллардан фойдаланиши тавсия этилади:

– Контраст рангли жисмлардан ташкил топган мавзули мураккаб натюрморт ранглавҳасини ишлаш;

– машғулотларда ўрганилиб чиқилган мавзулар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг боблари ва мавзуларини ўрганиш. Бундай иш натижалари индивидуал берилган вазифалар бўйича текширилади;

– тасвирий санъат асарларини мустақил равишда таҳлил қилиш, мустақил ижодий ишлашга оид кўникма ва малакларни шакллантириш ва такомиллаштириш. Бунда талабаларининг келгуси иш фаолиятларида дуч келадиган асарлар таҳлили билан кўпроқ шуғулланишлари рағбатлантирилади. Ҳар бир талабанинг амалда бажарган ижодий ишлари ва назарий билимларининг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан имкон қадар яхшиланишига эътибор берилади;

– натюрморт ишлаш устида алоҳида ишлар олиб бориш, хусусан, ҳар хил тасвирлаш ашёлари, воситалари ҳамда техникалар ёрдамида мустақил равишда турли мавзуларда, жанрларда ижодий асарлар яратишга оид кўникма ва малакаларни такомиллаштириш;

– талабаларнинг мустақил таълим ва тақдимот билан боғлиқ ҳолда махсус курснинг муайян мавзуларини чуқур ўрганиши;

– интернет материаллари билан ишлаш;

– ахборот ресурслар марказидаги мавжуд даврий матбуот материаллари билан ишлаш;

– автоматлаштирилган ўргатувчи назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш. Бу машғулотларга тайёргарлик доирасида олиб борилади.

**Тавсия этилаётган мустақил иш (тақдимот) мавзулари :**

1. Композиция тушунчасининг мазмун-моҳияти.
2. Мустақил натюрморт композициялари ишлаш.
3. Натюрморт рангтасвир асарларирнинг шахс маънавиятини шаклланишидаги таъсири.
4. Тасвирий санъат асарларида юксак маънавий фазилатлар талқини.
5. Тасвирий санъат асарларида эзгулик, гўзаллик тасвири ва талқини.
6. Тасвирий санъат асарлари маънавий тарбия мактаби.
7. Гўзаллик оламни қутқаради.



8. Тасвирий санъатни ўрганиш ва ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Қўшимча машғулотлар (тўгарак)да қаламтасвир, рангтасвир ва композиция фанларидан тавсия этиладиган талабаларнинг кўриш хотирасини ривожлантиришга доир машқлар.

Талабалардаги ижодий кўникма ва қобилиятларни ривожлантириш асосан тасвирий санъат машғулотларидаги амалий машғулотлар жараёнида содир бўлади. шунинг учун бу машғулотларда янги ўқитиш усулларини излаб топиш ва амалда қўллаш жуда муҳим ҳисобланади. Биз сиз билан тасвирий санъат машғулотларида қўллаш мумкин бўлган баъзи усулларни кўриб чиқамиз.

Қаламтасвир, рангтасвир ва композиция дарслари туфайли тасвирий санъат йўналишида таҳсил олаётган талабалардаги нафақат тасаввури ривожланади, шунингдек ундаги кўриш, сезиш, ҳис қилиш, мушак тизимлари каби барча ҳаракат органлари ишга тушади. Шу билан биргаликда талабадаги хотира, диққат эътиборни жамлай олиш хислатлари кучаяди. Рангтасвир талабани буюмлар ҳажми, шакли ранг туси жиҳатидан бир-биридан фарқини топиш, композицияни ҳис қилиш, тузиш, фикрлаш ва таҳлил қилишга ўргатади. Унинг бу ютуқлари бошқа гуманитар фанларини ўзлаштиришида ҳам ўз аксини топади.

Чизишга бўлган ҳоҳиш туфайли талабалар бу йўналишга ўқишга кирганлар, лекин уларнинг барчасида ҳам кўрган нарсасини эслаб қолиш, уни ёддан тасвирлаш қобилиятларини аъло даражада деб бўлмайди. Бу қобилиятни фақат анъанавий дарс ўтиш усуллари бўйича ривожлантириш камлик қилади, Шунинг учун машғулотларда янгича ёндашган ҳолда машқлар ўтказиш жуда зарур. Бу машқлар билан шуғулланиш айниқса бошланғич курсларда жуда фойдали, айнан шу даврда танлаган малакавий ишларини бошлаш ва келажакдаги ижодий жараёнларга тайёргарлик сифатида талабадаги фантазия ва тасаввур қилиш қобилиятлари нисбатан яхши ривожланиш учун фойдали натижалар беради.

**Технологиянинг таснифи.** Ушбу технология талабалардаги кўриш хотирасини ривожлантириш, тасаввурларини кучайтириш ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талабаларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

**Технологиянинг мақсади:** талабаларни дарс жараёнида фикрлаш, тасаввур қилиш, эслаб қолиш қобилиятларини кучайтиришга ўргатиш.

**Технологиянинг қўлланиши:** технология қаламтасвир, рангтасвир, композиция машғулотларида мавзуларни талабалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган. Ушбу технологияни машғулот жараёнида ёки унинг бир қисмида якка, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида ташкил этиш мумкин.

**Машғулотда фойдаланиладиган воситалар:** чизиш учун натюрморт, тасвирлаш воситалари (қалам, соусь, ретуш, акварель, қоғоз, торшон)лар.

Келажакдаги ёш педагог рассомлар учун керак бўладиган – кўриш хотираси миянинг тасвирдаги деталларни эсда сақлаб қолиш қобилияти ҳисобланади. Буни ҳар бир талабада тинимсиз ривожлантириб бориш зарур. Машғулотлар жараёни ва дарсдан ташқари пайтлардаги ижодий тўгаракларда бу қобилиятларни ривожлантириб бориш имкони кўпроқ бўлади. Бу жараённи айниқса тўгарак машғулотларида қўллаш самаралироқ бўлади. Чунки дарсдан ташқари пайтлардаги машғулотларда талабалар сони аудиториядаги дарсларга нисбатан камроқ бўлиб, бу талабалар билан индивидуал ҳолда эркин ишлаш имкониятини беради. Шунинг учун биз талабадаги кўриш хотирасини айнан мана шу ижодий тўгараклардаги машғулотлар жараёнида қандай ривожлантириш мумкинлигини кўриб чиқамиз. Камчилик талабалар билан шуғулланиладиган тўгарак машғулотларида шу мавзуга мос машқлар ўтказиш мумкин.

Биринчи вариант; Бу машқларни икки ёки уч талаба иштирокида бажариш мумкин. Агар гуруҳда кўпчилик бўладиган бўлса ҳам бунинг ечимини топиш мумкин. Бу ҳолда аудиториянинг бир қисмида асосий гуруҳга халақит



бермайдиган ҳолда алоҳида яна бир натюрморт қўйилади. Гуруҳдан 2 ёки уч талаба танлаб олинади. Бунда талабалар бир-бирининг ишларини кўрмайдиган шароитда, бир бирига қарама қарши ҳолатда жойлашишади, агар уч киши бўладиган бўлса "П" ҳарфи шаклида жойлашиб ўтиришади. Қуйида бунга доир схема илова қилинган. Олдиндан талабалар иштирокисиз тузилган ва уларга кўринмайдиган қилиб бекитиб қўйилган натюрмортни очишдан аввал бу вазифанинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб ўтамиз.

Уларга қўйилган натюрмортга 30 сония бутун диққатингизни жалб қилиб қараши ва бунда албатта композициянинг қандай жойлашганлиги, ундаги ҳар бир буюмнинг ўрни, ўзаро нисбатларини эслаб қолишга ҳаракат қилиши сўралади. Талабалар натюрмортга яхшилаб қараб олгандан сўнг натюрмортни яна бекитамиз ва талаба кузатган композицияни хаёлан чизишга киришади.




Аудиторияда расм чизиш учун талабаларнинг жойлашиши; 1 – қўйилган натюрморт; А, Б, В – талабаларнинг жойлашиш ўрни ва қараш нуқтаси.

Бу машқларда улардан натюрмортдаги буюмларнинг шакли ва ўзаро жойлашишини тезкор қалам чизгилар ёрдамида тасвирлаш талаб қилинади. Машқ кетма-кет уч марта (ҳар доим янги қоғозларда) қайтарилади. Машқ охиригача талабалардаги ютуқ тоборо ўсиб борганини кузатамиз.

Иккинчи вариант; бу ерда ҳам талабалар биринчи вариантда бўлгандек жойлашадилар. Қўйилган натюрмортни қоғозга чизиб олинади, кейин натюрмортни уларга кўринмайдиган қилиб бекитамиз ва янги қоғоз олиб композицияни эслаш қобилиятларини ишга солиб, тасаввур асосида натюрмортни қайтадан чизиш сўралади. Маълум вақт ўтиб композициянинг биринчи босқичи тугаб, композиция қоғозга жойлаштирилгандан сўнг натюрморт яна очилади ва талабалар жойлаштиришдаги ўз хатоларини тушуниб етишади. Кейин ишнинг иккинчи босқичида натюрмортдаги соя-ёруғ ва тус нисбатларига ишлаш сўралади ва машқ аввалги босқичда бўлгани сингари давом эттирилади. Бу ҳол натюрмортни тугатиш босқичига қадар бир неча бор такрорланади. Бу ерда аввалги машқдан фарқи фақат битта қоғозда бошланиб шу қоғозда охиригача битирилади. Ҳар бир босқичда талабалар бу машқларни бажариш натижасида улардаги кўриш хотирасининг яхшиланиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Талабалар ишни туғаллагандан сўнг бажарган ишларини кўрик учун бир томонга териб қўядилар ва барча талабалар билан биргаликда гуруҳлар томонидан намойиш этилган амалий ишлардаги ютуқ ва камчиликлар муҳокама қиладилар. Ўқитувчи ушбу машғулот уларни нималарга ўргатганлиги ва улар нималарни билиб олишгани билан қизиқади ва керакли тавсиялар ва тушунчалар беради, сўнгра машғулотни якунлайди.

**Тасвирий санъатда кўринишни чамалаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш.**



Тасвирий санъат машғулотларида натурадан расм ишланганда кўринишдаги нарсаларнинг ўзаро нисбатларини тўғри олиш жуда муҳим. Санъатга энди кириб келаётган ёш рассомларда бу кўникманинг



йўқлиги унинг расм чизишдаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Улар натюрморт чизаётганларида буюмларнинг ўлчами, шаклини тўғри тасвирлашга қийналишади, тасвирланаётган буюмлар гоҳида аслига нисбатан паст, гоҳ қалин бўлиб, уларнинг аслига нисбатан айнан ўхшашлигини топиш қийин кечади. Ёки буюм таниб бўлмайдиган даражада бузилиб кетади. Шунинг учун ижодга қизиққан киши авваломбор ўзидаги нисбатларни тўғри кўра олиш ва таҳлил қила олиш каби кўникмаларни шакллантириб бориши зарур. Бундай кўникмаларни талабаларга мустақил иш сифатида уй вазифаси қилиб берилган оддий машқлар бажариш билан ривожлантириш мумкин. Ушбу мақолада талабалардаги бу каби кўникмаларни қандай ривожлантириш, нисбатларни қандай топиш кераклигини кўриб чиқамиз Қуйидаги машқлар ёрдамида оддий шаклларни таҳлил қилиб уларнинг ўзаро нисбатларини топишни ўрганамиз. Бунинг учун бизга кунда ишлатиладиган энг оддий уй рўзғор буюмлари керак бўлади. Натюрморт учун тузилиши ва шакли мураккаб бўлмаган ҳар қандай буюмни, ҳар хил ўлчам ва шаклдаги бир нечта шиша идишларни танлаш мумкин.

Масалан, шиша банка, улар ҳам шакли, ҳажми жиҳатдан турлича кўринишда бўлади. бу ерда ёруғ-соя муносабатларига ишлаш шарт эмас. Биз натюрморт чизмаймиз, биз ҳажмга ишлов берамиз, уларнинг ўзаро нисбатларини топишга ўрганамиз. Буюмларни текисликда бир чизиқда жойлаштирамиз. Буни биргаликда бажарамиз:

Масалан, бўёқлардан бўшаган банкаларни оламиз, уларни ёнма ён қўямиз, улардан биттасини иккинчисининг устига жойлаштирамиз.

Энди уларни таҳлил қилиш асосида ўзаро ўлчам нисбатларини топиб, ҳажмига ишлов беришни бошлаймиз.

1. Буюмларни қоғоз сатҳига жойлаштириб чизамиз. Композиция бутун кўринишидаги эни ва бўйининг энг чекка нуқталарни топамиз. Мендаги композиция бўйига нисбатан энига кенгроқ кўринишга эга, бундан кўринадики қоғозни ҳам ётиқ ҳолда жойлаштираман. Сиз тузган композицияда бошқача ҳам бўлиши мумкин.

2. Композициядаги ҳар бир буюмнинг ўрнини белгилаб чиқамиз, асосий нисбатларни топамиз. Бунга қандай эришилаётганини кузатинг:

Буюмлар шакли маълум бир учбурчак кўринишини ҳосил қиладиган уч нуқта бўйича жойлашади. Ҳар қандай композиция тузилишининг шаклларни таҳлил қилиш билан айнан мана шундай шартли бурчаклар ҳосил қиладиган шартли нуқталарга асосланиб топиш кўникмаларини ривожлантириб бориш керак. Мана шундай композициядаги буюмлар нисбатлари, шунингдек алоҳида буюмлар тузилиши топилади. Қачонки асосий нисбатлар топилгандан кейингина майда бўлакларни ишлашга ўтамиз.

Бу композицияда иккита буюм айнан бир бирига ўхшаш, бу ҳолатни ҳам тўғри бера олишга ҳаракат қилиш керак, иш жараёнида бу ишнинг ҳам оддий иш эмаслигига гувоҳ бўласиз.



Кўз чамасини ривожлантиришга доир яна бир композицияни чизиб кўрамиз. Ҳар хил ўлчамдаги шиша банкаларни ва яна бир хоҳлаган буюмни танлаймиз ва чизишни бошлаймиз. Аввало ўтган машқдагидек композиция ҳолатини топамиз, бу ҳам худди аввалги кўринишдагидек энига кенг кўринишда бўлиб, қоғозни ётиқ ҳолда жойлаштиришимизга тўғри келади. Буюмлар ҳавода осилиб тургани йўқ, балки аниқ горизанталь текисликда жойлашган, шунинг учун бу текисликни тасвирлашни эсдан чиқармаслик керак.

Кейинги вазифа қоғоз сатҳида композиция ўлчамини топамиз. Оддий қилиб айтганда ўзаро нисбатларни таҳлил қилиб, бутун композициянинг бўйи, энини аниқлаб, қоғозда буюмларнинг жойлашган ўрнининг умумий шаклини белгилаб чиқамиз.



Сўнгра композициядаги алоҳида буюмларнинг умумий ҳажмини майдалаб ишлашга ўтамиз. Ҳар бир буюмнинг қоғоздаги ўрни, бутун қоғозга нисбатан жойлашишини аниқлаймиз. Ҳар бир буюмнинг шакли ва тузилишини ўрганамиз. Бунинг ҳаммасига ўзаро нисбатларни излаш кўникмаларини қўллаш ҳисобига эришилади. Бизнинг кўзларимиз уларни илғашни ўрганиши керак, шу йўл билан биздаги кўз билан чамалаш кўникмаларимиз ривожланиб боради.

Шакллар ҳажмини топиш, композицияни қуришга ёрдам бериш учун топилган композициядаги шартли бурчаклар, изланиш жараёни акс этган тасвирдаги ҳар бир чизиқни тасвирлаш шарт эмас, лекин худди мана шу изланиш жараёнини қўллаш рассом учун жуда фойдали.

Сиз тузган композицияда умуман бошқа буюмлар бўлиши мумкин, асосийси кўз чамаси билан буюмлар нисбатларини топишдаги бизнинг иш усулимизни тушуниб олган бўлсангиз бўлди. Агар сиз буни яхши эгаллар экансиз ҳар қандай буюмни қандай тўғри тасвирлашни ўрганишингиз жуда осон кечади.

Нисбатларни излашда қўл остингиздаги чизғичлардан фойдаланиш мумкин эмас. Шу йўл билан ўзингиздаги кўз билан чамалаш, кузатиш қобилиятингизни текшириб кўришингиз мумкин.

Кузатиш перспективаси

Яна бир машқни бажариб кўрамиз. Бу ерда ҳажми жиҳатидан бир бирига яқин, лекин шакл жиҳатидан турли буюмлар танлаб олинган. Иш жараёни аввалги машқлардагидек давом этади. Композициядаги нисбатларни тўғри топсангиз, ҳажмни ва ҳажмнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам тўғри топасиз.



Ўзаро нисбатларни шартли уч нуқта тузилиши ёрдамида излашни ўрганамиз. Бу вазифани кўмир, сангина каби тасвирлаш воситаларида

ишлаш мумкин, бунда ишни майда бўлакларни ишлашга берилиб кетмасдан қоғоздаги асосий ҳажмларни излашга ҳаракат қилинади.

Кейин графитли оддий қаламларда ишлашга ўтиш мумкин. Асосий ҳажмлар топилгандан кейин композициядаги шаклларнинг конструктив тузилишига ишлов беришни бошлаймиз. Тасвир жонлироқ, ҳажмлироқ чиқиши учун буюмларнинг соя қисмини озроқ штрихлаш мумкин. Бизга яқин қисмларни бўрттириброқ кўрсатилади. Чизиқларнинг кесишган нуқталари, бўртиқ қисмларига урғу беринг. Бу мураккаб бўлмаган машқларда чизиқли перспективага кўпроқ эътибор бериш керак. Буюм тузилишини синчиклаб таҳлил қилар эканмиз унинг асосида цилиндр ётганини кўрамиз. Цилиндр эса геометрик жисм сифатида перспектива деб аталган муҳитга таалуқли эканлигини кўрамиз. Перспективани ҳисобга олган ҳолда буюмнинг конструктив тузилишини чизишни бошлаймиз.

Лекин бу машқлардаги асосий вазифа ҳар қандай композицияда ўзаро нисбатларни излаш усулларини тушуниб олиш ва ҳар қандай кишининг кузатишигат таалуқли бўлган кўзда чамалаш кўникмасини ривожлантиришдан иборат. Бундай қобилият ҳар бир кишида қандайдир даражада мавжуд бўлади, лекин бу ҳам бошқа қобилиятлар сингари ўз навбатида тинимсиз меҳнат натижасида ривожлантирилиб борилади.



## Рангтасвир ва композиция фанлари учун таёрланган тестлар

**1. Қуйидаги рассомларнинг портрет жанридаги асарларини жадвалга ёзинг.**

1. А. Навоий портрети 2. Она ўйлари 3. Рудакий 4. Ибн Сино 5. Аброр Ҳидоятов портрети 6.Деҳқон портрети, 7.Бобур портрети 8.Шахло портрети, 9.Ойбек портрети 10. А. Темур портрети портрети 11.Сурхондарёлик аёл, 12.Назарали Ниёзов портрети

| Абдулҳақ Абдуллаев | Раҳим Аҳмедов | Малик Набиев |
|---|---|---|
| | | |

**2. Асар муаллифларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расм остига мос рақамларни ёзинг.**

*1) Р. Аҳмедов; 2) М. Набиев; 3) П. Кристус;4) Л. Да Винчи; 5) А. Абдуллаев; 6) И. Репин; 7) П. Бенъков*

*а)"Ёш қиз портрети"; b) "Татар қизи"; c) "Она ўйлари"; d) А. Навоий; е) Беруний портрети; f) Мона Лиза; g) Эркак портрети;*



| 1-b | 2 -d | 3 - e | 4 - f | 5-a | 6- g | 7- c |
|---|---|---|---|---|---|---|

**Жавоб:**

**3. Портрет турини аниқланг ва жадвалга ҳар бир диаграмма остига амалга мос рақамни қўйинг.**

*1) карикатура; 2) шарж; 3) автопортрет; 4) тарихий шахс; 5)маиший 6)миниатюра; 7) тантанали портрет*



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

**4. Портретни бажаришдаги тасвирлаш материалларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расм остига мос рақамларни ёзинг.**



*1) мойбўёқ 2) акварел 3) сангина 4) туш 5) кўмир 6) қалам 7) ретуш*

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 3 | 7 | 1 | 2 | 5 | 4 | 6 |

**Жавоб:**

**2-илова**
**Б.Б.Б.**

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|---|---|---|
| Ўзбек портретчи рассомлари:<br>1. Абдулҳақ Абдуллаев<br>2. Малик Набиев<br>3. Раҳим Аҳмедов<br>4. Рўзи Чориев<br>5. Чингиз Ахмаров<br>6. ...<br>7. ...<br>8. ...<br>9. ... | | Ўзбек рассомлари портретлари :<br>1.А. Навоий портрети<br>2.Амур Темур портрети<br>3. ...<br>4. ...<br>5. ...<br>6. ...<br>7. ...<br>8. ...<br>9. ... |

**Қуйида келтирилган асарлар муаллифларини топинг.**

А. Навоий портрети 2. Она ўйлари 3. Рудакий 4. Ибн Сино 5. Аброр Ҳидоятов портрети 6.Деҳқон портрети, 7.Бобур портрети 8.Шахло портрети, 9.Ойбек портрети 10. А. Темур портрети портрети 11.Сурхондарёлик кнёфачи, 12.Назарали Ниёзов портрети 13.Комил Яшин портрети 14.Шухрат портрети 15.Саид Ахмад портрети 16.Саид Азим портрети 17.Ал Хоразмий портрети 18.П. Қаюмов потрети 19.Ал Розий портрети 20. Шомаҳмудов портрети 21.Беруний портрети 22.Уйғур раққоси портрети 23. Колхозчи Мирғаниев портрети

| Абдулҳақ Абдуллаев | Раҳим Аҳмедов | Малик Набиев |
|---|---|---|
| | | |



**Рассомларнинг кимлигини аниқланг. Асар номи ва қайси муаллифники эканлигини аниқланг**



**6. Бўёқларни уларнинг хусусиятлари билан жуфтланг.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | гуаш | A | Елимли бўёқ, суюлтиргич сифатида сувдан фойдаланилади, тез қотади, қуригандан кейин сувда эримайди. |
| 2 | акварел | B | Казеинли бўёқ, сувда суюлтирилади, ҳидсиз, қуригандан кейин сувда эримайди, узоқ муддатлар рангини ўзгартирмайди. |
| 3 | мойбўёқ | C | Сувда суюлтирилади, елимли бўёқ. Қуригандан кейин ранги очариш хусусиятига эга, қуригандан кейин намликда эрийди. |
| 4 | акрил | D | Сувли бўёқ, ҳидсиз, устма-уст қўйиш орқали ранглар пайо қилинади, қуригандан кейин ҳам сувда эрийди. |
| | темпера | E | Сувда эримайди, ўзига хос ҳидли, махсус суюлтиргичлар билан ишлатилади, қуригандан сўнг тўқлашиш хусусиятига эга. |

| Жавоб: | 1- | 2 - | 3 - | 4 - | 5- |
|---|---|---|---|---|---|

**Жавоби:**

| Жавоб: | 1-C | 2 -D | 3 - E | 4 - A | 5-B |
|---|---|---|---|---|---|

**7. Берилган таърифни атамалар билан жуфтланг.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | **Пластик ечим** | A | тасвир чизилаётган сатх, мато, полотно, қоғоз юзаси. |
| 2 | **Картина текислиги** | B | тасвир объекти ёки тасвирнинг турли қисмларининг (ўлчам, ранг тузилиҳатидан) ўзаро боғланиб, гўзаллик меъзонига мос бўлиши. |
| 3 | **Мувозанат** | C | ўқув натюрморти ёки композиция, тасвирнинг қисмлари, ранглар, ўлчам, шаклнинг ўзаро мос келиши, сатх оғирлиги мутаносиблиги. |
| 4 | **Мутаносиблик (гармония)** | D | қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлик асарларида шакл жозибадорлиги |

| Жавоб: | 1- | 2 - | 3 - | 4 - |
|---|---|---|---|---|

**8. Тасвирий санъатнинг тур ва жанрларини ажратинг ва мос рақамларни жадвалнинг *жавоб рақамлар* қисмига ёзинг.**

*1) натюрморт; 2) ҳайкалтарошлик; 3) анималистик; 4) тарихий; 5) рангтасвир: 6) графика; 7) портрет; 8) маринистик; 9) маиший;10) дастгоҳли рантасвир; 11) манзара; 12) саҳна безаги;*

| белгилар тури | жавоб рақамлар |
|---|---|
| тур | |
| жанр | |

**Жавоби:**

| белгилар тури | жавоб рақамлар |
|---|---|
| тур | 2, 5, 6, 12 |
| жанр | 1, 3, 4, 7, 8, 9, 10,11 |

**9. Берилган тасвирий санъат атамаларига мос рақамларни жадвалнинг рақамлар қисмига тўғри ёзинг.**

| | Мисол | | Мисол | Гаммалар | Рақамлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | дастгоҳли | 6 | литография | Рангтасвир турлари | |
| 2 | ксилография | 7 | Китоб графикаси | | |
| 3 | офорт | 8 | маҳобатли | Графика турлари | |
| 4 | линогравюра | 9 | гравюра | | |
| 5 | мўҳаз | 10 | Саҳна безаги | | |

**Жавоби:**



**10. М.Набиев (А), Р. Аҳмедов (Б) А. Абдуллаев (С) асарларини аниқланг ва жадвалнинг "жавоб" қисмига ёзинг.**

| | |
|---|---|
| 1. А. Навоий портрети | 6. Деҳқон портрети |
| 2. Она ўйлари | 7. Бобур портрети |
| 3. Ибн Сино | 8. Шахло портрети |
| 4. Рудакий | 9. Ойбек портрети |
| 5. Аброр Ҳидоятов портрети | 10. А. Темур портрети портрети |

| Жавоб | А - | В - | С - |
|---|---|---|---|

| Жавоб | А – 3, 8, 9, 13, 14 | В – 5, 6, 10, 12, 17 | С – 1, 2, 4, 7, 11, 15, 16, 18 |
|---|---|---|---|

**11. М.Набиев (А), Р. Аҳмедов (Б) А. Абдуллаев (С) асарларини аниқланг ва жадвалнинг "жавоб" қисмига ёзинг.**

| | |
|---|---|
| 1. Шухрат портрети | 6. Сурхондарёлик аёл |
| 2. Шомаҳмудов портрети | 7. Назарали Ниёзов портрети |
| 3. Ал Розий портрети | 8. Комил Яшин портрети |
| 4. Колхозчи Мирғаниев портрети | 9. Саид Ахмад портрети |
| 5. Беруний портрети | 10 Ал Хоразмий портрети |

| Жавоб | А – 3, 8, 9, 13, 14 | В – 5, 6, 10, 12, 17 | С – 1, 2, 4, 7, 11, 15, 16, 18 |
|---|---|---|---|

***Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича билимларни амалда қўллаш ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари***

**12. Манзара, портрет ва тарихий жанрларда ишлайдиган рассомларни ажратинг ва мос рақамларни жадвалнинг *жавоб рақамлар* қисмига ёзинг.**

*1) И. Репин; 2) У. Тансиқбоев; 3) В. Суриков: 4) Клод Моне; 5 И. Шишкин;) 6 Л. да Винчи; 7) Куинджи; 8) И. Левитан; 9) А. Алиқулов; 10) М. Набиев; 11) К. Брюллов; 12) А. Абдуллаев;*

| Тасвирий санъат жанрлари | жавоб рақамлар |
|---|---|
| Портрет | |
| Манзара | |
| Тарихий | |

**Жавоби:**

| Тасвирий санъат жанрлари | жавоб рақамлар |
|---|---|
| Портрет | 1; 6; 10; 12 |
| Манзара | 2; 4; 5; 7 |
| Тарихий | 3; 9; 11; |

### *Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича таҳлилга оид ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари*

**1.** Қуйида берилаган фикрларнинг қайсилари тўғри?

А. Портрет ишлашда мутаносиблик жуда аҳамиятли ҳисобланади
В. Портрет ишлашда қўлни ишлаш унча аҳамиятли эмас.
С. Одам боши гавданинг ўртача 7,5/1 ўлчамига тенг.
Д. Инсон портретини ишлашда қошнинг аҳамияти катта.
Е. Портрет ишлашда "олтин кесим" қоидасига амал қилиш шарт эмас.
F. Картинанинг маркази асар ғояси маркази бўлади.
G. портретда кўз, бурун таги, даҳанни эътибор билан ишлаш зарур.

**Жавоб:**

**2. Рангтасирда портрет ишлаш кетма - кетлигини ифодалаган холда тегишли рақамларни катакларга ёзинг.**

*1) шакл нисбатларини топиш; 2) жойлаштириш; 3) ранг тус нисбатларини топиш; 4) якунлаш; 5) соя ёруғ нисбатларини топиш; 6) формат танлаш; 7) яхлитлаш;*

☐ → ☐ → ☐ → ☐ → ☐ → ☐ → ☐

**Жавоби**

7 → 1 → 4 → 6 → 5 → 2 → 3

**3. Асар яратишда рассом ҳаракатини схемада ифодаланг.**

*1) яхлитлаш; 2) ранг бериш; 3) ғоя излаш; 4) суратни асосий юзага кўчириш; 5) эскиз ишлаш; 6) формат танлаш;*

**Жавоб:**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3 | 5 | 6 | 4 | 2 | 1 |

**5. Қуйидаги бериладиган фикрларнинг қайсилари тўғри?**

А. Портрет композицияси ишлашда гавда, кўз қараши, атрофидаги нарсалар мавзуни очиб беришга хизмат қилади.
Б. Одам бошини ўрганиш учун чизилган қаламтасвир портрет дейилади.
С. Маринистик жанрда ишлашда образ бўлиши шарт эмас.
Д. Композициядаги энг муҳим нарса ғоя ҳисобланади.
Э. Мувозанат композициядаги асосий унсурлардан бири ҳисобланади.
Ф. Миниатюрачи мусаввир К. Беҳзод рассом ҳисобланмайди.

**Жавоб:** __



**14. Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг.**

1) Тасвир чизилаётган сатҳ, мато, полотно, қоғоз юзаси______________ дейилади.

2) Тасвир объекти ёки тасвирнинг турли қисмларининг (ўлчам, ранг тузилиш жиҳатидан) ўзаро боғланиб, гўзаллик меъзонига мос бўлиши. ______________________дейилади. **Мутаносиблик (гармония)**

**Жавоб:**

1)– Тасвир чизилаётган сатҳ, мато, полотно, қоғоз юзаси картина текислиги дейилади.

2) Тасвир объекти ёки тасвирнинг турли қисмларининг (ўлчам, ранг тузилиш жиҳатидан) ўзаро боғланиб, гўзаллик меъзонига мос бўлиши мутаносиблик (гармония) дейилади.

**1. Қуйида берилаган фикрларнинг қайсилари тўғри? Жавоблар жадвалига "ҳа" ёки "йўқ" сўзларини ёзинг.**

А. Акварелда яхши портрет ишлаб бўлмайди.
В. Алоҳида қисмларнинг умумийга, иккинчи даражадаги нарсаларнинг асосийга бўйсуниши, барча қисмларнинг ўзаро мутаносиблиги, бажариш усулларининг бир хиллиги бу–тасвир яхлитлиги ҳисобланади.
С. Анимал жанр -ҳайвонлар ҳаракатини ўрганувчи фан
Д. Мураккаб ва нозик қўл ҳаракатларни бажаришда, айниқса, қўл бош бармоғининг роли ниҳоятда катта.
Е. Этюд – бу рангда тезкор бажарилган иш, ранглавҳа.
F. Бадиий услуб – бу санъатда қўлланиладиган усул.
G. Академизм- бу тасвирий санъатда академия тингловчилари оқими.

**Жавоб:**

| А | В | С | Д | Е | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| йўқ | ҳа | йўқ | ҳа | ҳа | ҳа | йўқ |

**2. Тўғри фикрларни аниқланг. Жавоблар жадвалига "ҳа" ёки "йўқ" сўзларини ёзинг. Мойбўёқда академик портрет ишлашда:**

1. Фотодаги расмдан қараб ишланади.
2. Холстга жойлаштириб олинади.
3. Қоғозни яхшилаб ҳўлланади.
4. Чизғич билан киёфачи юзлари ўлчанади.
5. Кўзига алоҳида эътибор қаратилади.
6. Сунъий ёритгичларда тепа қисмидан ёруғлик берилади.
7. Аввал эскиз ишлаб олинади.
8. Аввал рангда катта юзалар аниқлаштирилади.
9. Қиёфачининг майда холлари аниқлаб олинади.

**Жавоб:**

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| йўқ | ҳа | йўқ | йўқ | ҳа | йўқ | ҳа | ҳа | йўқ |

## Назорат саволлари:

1. Бўёқлар қандай моддалардан олинади?

2. Ёруғлик таъсирида бошқа буюмлардан тушиб ёнидаги обьектда акс этиб турган ранг нима деб аталади?

3. Нарса шаклининг яхлит четки сурати нима деб аталади?

4. Ранглавҳа нима?

5. Тасвирий санъада "мувозанат" деганда нимани тушунасиз?

6. Қайси ранглар "совуқ ранглар" туркумига киради?

7. Контраст ранглар деб нимага айтилади?

8. Қайси ранглар "илиқ ранглар" туркумига киради?

9. Акварель бўёғи қуригандан кейин неча фоиз ёрқинлигини йўқотади?

10. Бажариши мўлжалланган иш бўйича дастлабки ижодий изланиш қандай аталади?

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5987-сон Фармони: Тошкент ш., 2020 йил 29 апрель;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. //Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017;

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясинитасдиқлаш тўғрисида ПФ-5847-сон Фармони;

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати давлат раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси;

3. Мухамедов Ғ.И., Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф, Т.: ЎзМУ, 2019, -Б. 71;





4. Ғ.И.Муҳамедов. Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа. Халқ сўзи газетаси, №93. -2019 йил,15 февраль сони;

5. Мухамедов Ғ.И. "Таълим тизими вилоят салоҳиятига мос эмас... Нега?", "Тошкент ҳақиқати" газетаси 2020 йил 19 февраль №15 (13276);

6. Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш (тасвирий санъат дарслари мисолида) // ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ илмий амалий, оммабоп журнали № 4 2016. -Б.12;

7. Аҳмадалиев А. М., Қосимов А. Х. "Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар" ўқув қўлланма. 3-б.//Тошкент-2006;

8. Султанов Х. Э., Худайбердиев П. У., Собиров С. Т. Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени /Педагогика «Молодой учёный»//. № 4 (138). -2017.-С.388;

9. Байметов Б.Б.,Султанов Х.Э., Муратов Х.Х., Сабиров С.Т. Научно-теоретические аспекты формирования композиционных способностей у студентов на занятиях по живописи /Современная научная мысль // Чебоксари - Всероссийская научно-практическая конференция -2018, -с.87;

10. Султанов Х.Э., Пак В.Ш., Кукиев Б.Б. Использование новых информационных коммуникативных технологий на уроках изобразительного искусства // МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ научный журнал №4 2016. С-832.

11. Султанов Х.Э, Innovation technology clusters use of technology in illustration/ International Journal of Psychosocial Rehabilitatio//- Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: -3877;

12. Семёнова М.А. Развитие художественно-творческих способностей студентов художественных факультетов педагогических вузов в процессе занятий акварельной живописью на пленэре: Дис. канд. пед. наук—Омск., 2006. 223 ст.;

13. Токарев С.Е. Педагогические основы формирования личности студентов педагогических вузов на занятиях живописью: Дис. канд. пед. наук—М., 2003. 177. с ил.;

14. Землякова Г.М. Живописные этюды и наброски как средство формирования художественных и педагогических способностей студентов художественно- графических факультетов педагогических Вузов. Диссертация к.п.н. М., 2001- 285л. с ил.;

15. Стариков М.М. Формирование творческого воображения у студентов художественно графических факультетов педагогических вузов на занятиях живописью: Дис. канд. пед. наук —М., 1993. - 207. с ил. библиогр. 188-207.;

16. Боголюбов Н.С. Формирование творческих способностей учащихся средней школы средствам изобразительного искусства с учетом индивидуального подхода: докт. дис.—М., 1993.—380 с.;

17. Игнатьев С.Е. Исследование закономерностей развития творческих способностей младших школьников на занятиях живописью (в условиях кружковой работы) / Дис. канд. пед. наук —М.: 1982, 264 е.: ил.;

18. Безгодова Т.Г. Формирование основ художественного мастерства студентов в процессе обучения живописи на художественно-графических факультетах педагогических институтов: Диссертация к.п.н.-М.,1974.-185л.;

19. Султанов Х.Э., Ходжамқулов У.Н. Тасвирий санъат: педагогик таълим кластери ва унинг истиқболлари, Мактаб ва ҳаёт, №7. Т.-2019. 33-35- б.;

20. Мухамедов Ғ.И. "Таълим тизими вилоят салоҳиятига мос эмас... Нега?","Тошкент ҳақиқати" газетаси 2020 йил 19 февраль №15 (13276);

21. Иванова С.А. Кластерная система высшего образования: инновационный подход //Евразийскоая адвокатура -2014. -№4 (11) - С.70-74.

22. Султанов Х. Э., Худайбердиев П. У., Собиров С. Т. Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени // Педагогика «Молодой учёный» . № 4 (138) . Январь, 2017.-с.388.

23. Стенякова Н.Е., Груздова О.Г. Кластерная модель организации партнерства образовательных учреждений // Интернет-журнал «Мир науки» 2017, Том 5, С. 3. https://мир-науки.com.

24. Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, 454 pages.



25. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем //Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006 г.): в2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М. Давыденко, Т.И. Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч. 1. С. 24–29. Беспалова Л. Что такое кластер? URL: http://siok.rightside.ru/siok/ 2009-12-01-06-24-41. Загл. с экрана.

26. Википедия: Свободная энциклопедия [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: http://ru.wikipedia.org/wiki

27. Громыко Ю.В. Что такое кластеры и как их создавать? // Альманах «Восток». – 2007. – Вып. 1 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: http://www. situation.ru/app/j_artp_1178.htm.

28. Руднева П.С. Опыт создания структурных кластеров в развитых странах // Экономика региона. – 2007. – № 18. – Ч. 2 (декабрь).

29. Мирзиёев Ш.М. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ харакатига айланиши зарур // 2019 йил 23 августда ўтказилган видео-селектордаги нутқи, - Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти.

30. Стенякова Н.Е., Груздова О.Г. Кластерная модель организации партнерства образовательных учреждений // Интернет-журнал «Мир науки» 2017, Том 5, С. 3. https://мир-науки.com.

31. 5. Зеер Э. Ф. Теоретико-методологические основания профессионально образовательного пространства человека // Теория и практика профессионально-педагогического образования: коллектив. моногр. / Под ред. Г. М. Романцева. – Т. 2. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2010. -282 с.

32. Гаврилова О.Е., Шагеева Ф.Т., Никитина Л.Л. К вопросу о подготовке специалистов-конструкторов швейного производства в условиях образовательного кластера [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: http://conference.kemsu.ru/

33. Мухамедов Г.И. Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа // "Халқ сўзи" 15 февраль 2019 йил.

34. Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари // педагогика фанлари доктори (Doktor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши. Чирчиқ – 2020 йил.

35. Mardonov S., Toshtemirova S. (2020) Structure and Mechanisms of Action of the Educational Cluster

36. International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24 (07), 8104-8111.

37. Эшчанов Р., Laniers J., Бобожонова Г., Бекчанов Д. Priority challenges of education sector reforms in moder-nizing Uzbekistan // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 12, 2019. - P.92-97.

38. Тоштемирова С.А. Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасалари таълим самарадорлигини ошириш технологияси // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертация иши. Чирчиқ – 2020

39. Бойметов Б. Қаламтасвир Педагогика институтлари ва университетлари учун ўқув қўлланма. Т.: ТДПУ офсет лабораторияси - 1997. 55 56 б.

40. Ражабов Р.К., Султанов Х.Э. Тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси, ўқув қўлланма Т.:ТДПУ ризографи 2008. 123 б.

41. Абдирасилов С.Ф., Нуртоев Ў.Н. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат фанини ўқитиш технологияси, методик қўлланма,. Т.:ТДПУ ризографи,-2015. 11 б.

42. Мухамедов Ғ.И., Хўжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф (илмий рисола).// -Т.: "ЎзМУ". 2019. -36 б;

43. Лагуткин А.В., Грудцына Л.Ю. Инновации в образовании и формирование кластерной системы высшего образования в России // Экономика и право. – XXИ век. – 2014. – № 2.

44. Мирзиёев Ш.М. 2019 йил 19 майда ўтказилган видео-селектордаги нутқи, - Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти.



45. Зеер Э. Ф. Теоретико-методологические основания профессионально образовательного пространства человека // Теория и практика профессионально-педагогического образования: коллектив. моногр. / Под ред. Г. М. Романцева. – Т. 2. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2010. -282 с.

46. Султанов Х.Э, Innovation technology clusters use of technology in illustration/ International Journal of Psychosocial Rehabilitatio//- Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: -3877.

47. Петровский В.А. Психология неадаптивной активности М.: ТОО Горбунок, 1992. — 224 с.

48. Мастера искусства об искусстве М., 1936, Т.1, с 124.

49. Лернер И.Л. Таълим методларининг дидактик асослари. – М .: Педагогика, 1981.- 186с. Лернер И.Л. Дидактические основы методов обучения. - М.: Педагогика, 1981.- 186с.

50. https://www.xabar.uz/jamiyat/prezident-raisligida-videoselektor

51. Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарори;

52. Разенков, И. В. Влияние изобразительного искусства на развитие личности ребенка в системе дополнительного образования / И. В. Разенков. — Текст : непосредственный // Актуальные задачи педагогики : материалы V Междунар. науч. конф. (г. Чита, апрель 2014 г.). — Т. 0. — Чита : Издательство Молодой ученый, 2014. — С. 171-173. — URL:

53. Гулямов К.М. касб-ҳунар коллежларида халқ амалий санъатини ўқитиш методикаси (наққошлик санъати мисолида)Т-2012. 61-Б.

54. Аҳмадалиев А. М,. проф., Қосимов А. Х. "Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар" Ўқув қўлланма 33 бет. Тошкент 2006;

55. Л.В. Голиш «Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш» Экспресс қўлланма Т. ТАСИС, 2001 йил.-59 бет.

56. Султанов Х.Э. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун тасвирий санъат машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш /Замонавий таълим илмий-амалий, оммабоп журнал// Т. №11 -2016. Б.-59-65.;

57. Гринько С.Д. Повышение качества профессиональной подготовки будущий учителей при взаимодействии вуза и музея // Актуальные вопросы современного университетского образования: Материалы Российско-американской научно-практической конференции, 14-16 мая 2007 г. СПб.; Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2007. 652 с.

58. Suzanne Brooker The elements of landscape oil painting : techniques for rendering sky, terrain, trees, and water. Published in the United States by Watson-Guptill Publications, an imprint of the Crown Publishing Group, a division of Penguin Random House LLC, New York. 2015. s 47.

59. Paramon Edisionis, «Curso Completo de Dibujo y Pintura Artistica». SA, Barselona, Ispaniya 1992: s-66.

-4043-
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI



**Султанов Хайтбой Эралиевич**

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ**

Муҳаррир Сухроб Ҳошимов
Мусаҳҳиҳ Севара Алимбоева
Саҳифаловчи Аброл Ҳидоятов

Нашриёт лицензияси №AI 242, 04.07.2013 у.
Офсет қоғози. Босишга рухсат этилди 26.10.2022й.
Формат 60x84 1/16. Гарнитура "Times New Roman".
Босма табоқ 10.1.
Адади 100 нусха. Буюртма №49

"VNESHINVESTPROM" МЧЖнинг матбаа бўлимида
ризография усулида чоп этилди.
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.